

Таъсисчи:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ушбу сон муҳаррирлари

И. И. Хувайтов, В. Г. Кан

Дизайнер ва саҳифаловчи

Д. Х. Хамидуллаев

Ахборотнома Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган. Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568

Ахборотнома фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг десертация ишлари илмий натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши мумкин бўлган республика журналлари рўйхатига киритилган (ОАК Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сон қарори).

Таҳририят манзили:

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.

Тел.: 265-99-75, 265-23-52.

<http://akadmvd.uz/files/vestnik.htm>e-mail: akadmvd@uzsci.net.

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотнома-си»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳрир ҳайъатининг фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин. Қўлёзмалар мазмуни ва келтирилган фактларнинг ҳақиқийлиги учун муаллиф жавобгар.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр. ҳисоб табағи 11,0. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. «BETTER PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Тошкент ш., Олмазор тумани Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254.

Босишга рухсат этилди 18.09.2014.

Буюртма №

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ИИВ АКАДЕМИЯСИНИНГ

АХБОРОТНОМАСИ

Чораклик илмий-амалий ҳуқуқий нашр

2014 йил, 3-сон

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 23 йиллигига

К 23-й годовщине независимости
Республики Узбекистан

Мамадалиев Ш. О.

Мустақилликни мустаҳкамлашда миллий ғоянинг
аҳамияти.....3

**Ҳуқуқий ислоҳотлар ва қонунчиликни
такомиллаштириш**

**Правовые реформы и совершенствование
законодательства**

Одилқориев Х.Т.

Замонавий ахборот технологиялари – давлат ҳокимияти
ва бошқарувини модернизациялашнинг таъсирчан
омили11

Рашидов Б.Н.

Жиноят процессида хусусий айблов институти
ва унинг кенгайтирилиши.....17

Тиллаев Т. Н.

Жиноят процессида фуқаровий даъвони ҳал этиш
чораларини ривожлантириш.....21

**Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат
хавфсизлигини таъминлаш муаммолари**

**Проблемы профилактики правонарушений
и обеспечения общественной безопасности**

Хўжақулов С. Б.

Шахснинг ижтимоий хавфлилиги билан боғлиқ ҳолатларнинг
жиноий-ҳуқуқий институтларни шакллантиришда туган
ўрни.....26

Абдурахмонов И. О.

Хуфиёна иқтисодиётнинг тарихий ривожланиш
босқичлари ҳақида.....33

Учредитель:
Академия МВД Республики Узбекистан

Редакторы номера
И. И. Хувайтов, В. Г. Кан

Дизайн и верстка
Д. Х. Хамидуллаев

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568.

Вестник включен в перечень республиканских журналов, рекомендованных для публикации научных статей, подготовленных по результатам диссертационных работ на соискание ученой степени доктора наук (Решение Президиума ВАК №201/3 от 30 декабря 2013 г.).

Адрес редакции:
100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.
Тел.: 265-99-75, 265-23-52.
<http://akadmvd.uz/files/vestnik.htm>
e-mail: akadmvd@uzsci.net.

Оригинал-макет подготовлен в редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Узбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Мнение редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикаций. Ответственность за содержание публикаций и достоверность фактов несут авторы материалов.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 11,0. Печать офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в типографии ООО «BETTER PRINT», г. Ташкент, ул. Уста Ширин 1-туп. д.254.

Подписано в печать 18.09.2014.

Заказ №

© Академия МВД Республики Узбекистан, 2014.

Есимбетова Б. Е.
Баданга тан жароҳати етказишнинг криминалистик тавсифи тўғрисида баъзи фикрлар.....36

Шойжигитов А. Ш.
Ички ишлар вазирлиги тизимида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш масалалари.....40

Убайдулла-зода Н.
Террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зонада белгиланган ҳуқуқий режимни бузганлик учун жавобгарлик.....47

Ўразалиев М. Қ.
«Алкоголизм» ва «ичкиликбозлик» тушунчаси ва бундай иллатларнинг ҳуқуқий оқибатлари ҳақида.....51

Исраилова Н.
Дети групп социального и правового риска: обзор научных исследований и программы примирения.....56

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ижтимоий-сиёсий омиллари

Социально-политические факторы развития гражданского общества

Турғунов И.
Ҳуқуқий билим инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг ишончли кафолати.....61

Джавакова К. В.
Правовые основы межпартийной конкуренции.....64

Реймова З. А., Дауменов Б.А.
Проблемы совместимости государственных СМИ со статусом субъекта общественного контроля.....69

Халқаро ҳуқуқ масалалари

Проблемы международного права

Фафурова С.
Консуллик ҳимоясини амалга оширишда ҳуқуқни қўллаш амалиёти.....74

Ахмедова В.
Имплементация международных договорно-правовых норм в сфере охраны культурных ценностей в национальное законодательство зарубежных стран.....79

Аширбаева М.Х.
Марказий Осиё минтақаси давлатларининг трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлиги.....84

Ёш олимлар минбари

Трибуна молодых ученых

Алибеков Б.
Юридическая психоллингвистика: становление и развитие90

Ш.О. Мамадалиев*

МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Мустақиллик ғойибдан келмайди. Бу ғоя асрлар синовидан ўтган аксиомадир. Тирик жонзод борки мустақилликка интилиб яшайди. Мустақиллик шахс, жамият, давлатнинг тарихий орзусидир. Мустақиллик абадий мавзу. Шу сабабли, мустақиллик ҳақида ёзувчилар, шоирлар, олимлар буюк асарлар яратишган ва бугун ҳам ушбу йўналишда изланмоқдалар. Чунки мустақиллик ҳақидаги тасаввурлар, билим ва ғоялар амалиёт тажрибаларига асосланган ҳолда ўзгариб, бойиб боради. Ғояларнинг амалиётга, амалиётнинг эса ғояларга айланиши қонуниятдир. Мустақил фикр ва ғоясиз мустақил амалиёт бўлмайди.

Ушбу қонуниятни Президент Ислом Каримов қуйидагича ифодалайди:

«Давлат тизими уни бошқариш ва олиб борилаётган сиёсат аввало аниқ ва равшан ифодаланган мафкура асосига қурилмоғи лозим. Яъни, олдин давлат қурилиши ва ундан кейин мафкура пайдо бўлиши ўзи ғайри-табиий ҳол. Бунга яхши англаб олишимиз лозим. Яъни, олдин ғоя пайдо бўлади, ундан кейин ғоя асосида мафкура, мафкура асосида эса тизим, сиёсат пайдо бўлади!»¹. Демак, аниқ, равшан ғоя ва мафкурасиз мустақилликка эришиш ва уни мустаҳкамлаш мумкин эмас.

Ушбу қонуниятга амал қилмаган жамият инқирозга дучор бўлади, ўз йўлини йўқотади. Бунга ўтмиш ва ҳозирги давлатчилик амалиётидан исталганча мисоллар келтириш мумкин. Ғоя давлат, жамият ва инсон йўлини ёритиб борувчи нурга ўхшайди. Нурсиз, кўр одам зулматга дучор бўлганидек, ғоясиз давлат, жамият ҳам боши берк кўчага кириб қолади. Инсон танаси табиат қонунлари асосида яшайди, аммо унинг онги ғоясиз яратувчанлик

қобилиятини йўқотади. Ҳар қандай мустақилликнинг маънавий пойдеворини ғоя ташкил этади. Шу сабабли, ғоя ва мафкура жамият ва давлат учун ҳаёт-мамот масаласидир. Жамият амал қиладиган ғоя қанчалик теран илмий билимларга асосланган бўлса, жамият мустаҳкам, давлат барқарор бўлади. Илмий адабиётларда ғоя ва мафкура тушунчаларига турлича таърифлар берилган бўлса-да, уларни бирлаштирувчи ёндашув мавжуд.

Ғоя – нарса ва ҳодисалар ҳақидаги илмий билимлар тизими. Тизимлаштирилган илмий билимлар ғоянинг негизини ташкил этади. Бу эса билимларсиз ғоя мавжуд бўлмаслигини англатади. Ғояларнинг объектини инсон, табиат ва жамият ташкил этади.

Миллий ғоя деганда маълум бир миллат ва давлатнинг ўзига хослиги ва унинг манфаатларини ифодаловчи ғоя тушунилади. Дунёда қанча миллат ва давлат бўлса, шунча миллий ғоя мавжуд. Мустақил яшашни истаган миллат учун биринчи навбатда миллий ғоя керак. Миллий ғоя мустақил ички ва ташқи сиёсатни, унинг ҳуқуқий асосларини белгилайди.

Ўз миллий ғоясига эга, унга эътиқод ва амал қилувчи халқни ҳеч ким енга олмайди.

Миллий ғоя ҳар бир халқ ва мамлакатнинг ўзига хос иммунитетидир. Миллий ғоясини англаб етмаган миллат ўзга ғоялар таъсирини тушади ва ўзлигини йўқотади.

Марказий Осиёлик таниқли ёзувчи Чингиз Айтматов таъкидлаганидек, ўзлигини унутган миллат манқуртга айланади. Манқуртлик эса қуллик, тобелиқдир.

Миллий ғояси заиф миллатни бўлиб ташлаш ва бўйсундириш осон кечади. Шу боис, буюк давлатчилик шовинизми ёки эгоцентризм касаллигига дучор бўлган кучлар

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси катта илмий ходимлар-изланувчилар институти бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, профессор.

ўзга миллат ва халқларни бўйсундириш учун биринчи навбатда уларнинг миллий ғоясига таҳдид солади. Тарихда бўлганидек бугун ҳам ушбу қурол янги шакл ва мазмунларда қўлланилмоқда. Ахборот хуружи, ёлғон, тухмат, бўҳтонларни махсус лабораторияларда тўқиб чиқариш ва тарқатиш, «оммавий маданият» (яъни ўзга миллатларнинг тарихи, дини, урф-одати, анъаналарига нигилистик муносабатни сингдириш асносида ҳукмронлик қилиш) ана шундай жуда хавфли маънавий қуроллардандир.

Бугун «оммавий маданият», «ахборот уруши» дунёга ҳукмронлик қилиш васвасасига тушганларнинг энг арзон ва энг кўп фойда келтирадиган уруш қуролига айланган. Бундай кучлар ўз ўлжаларини аввал сотиб олади, сийлайди, ишончига қиради сўнгра эса ўз манфаатларига хизмат қилдиради. Сотилмаган, ёлғон гапларига ишонмаган, ўзлигини унутмаган шахсларни зўрлик, куч ишлатиш орқали қўрқитади. Қўрқмаганларни эса жисмонан йўқ қилиб ташлайди.

Минг афсуски, бу ўтмиш ва бугуннинг аччиқ тарихий ҳақиқатидир. Ушбу тарихий ҳақиқатдан тўғри хулоса чиқариш ҳар бир инсон, миллат олдида турган ўта долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон халқи Ислоом Каримов бошчилигида ўз мустақиллигини қўлга киритиб, бутун дунёга Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос йўли борлиги, у ўзбек халқининг миллий манфаатларига асосланишини эълон қилди. Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини эса, албатта, унинг миллий ғояси ифода этади. Миллий ғоя ҳеч бир шахс ёки буюклар томонидан ўйлаб топилмаган.

У бузғунчи ғоялардан фарқли равишда ўзбек халқининг оғзаки (Алпомиш, Гўрўғли, Кунтуғмиш каби) ва ёзма ижодиётида (Авесто, Форобий, Навоий асарлари каби), халқимиз ҳикматлари, урф-одат ва анъаналарида асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб келмоқда.

Миллий ғоя ўзбек халқининг 800 йилдан ортиқ қарамлик, тобелик, мустамлакачилик (аҳмонийлар, грек-македонияликлар, араб халифалиги, чор Россияси, Советлар) даврларида халқни мустақиллик учун курашга етакловчи буюк маънавий куч бўлган.

Миллий ғоя онгу шуурига сингдирилган халқ фарзандлари ўзлигини англаб, буюк

маънавий жасорат намуналарини кўрсатишгани тарихдан маълум. Ислоом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, Тўмарис, Широқ, Муқанна, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Навоий, Авлоний, Қодирий, Фитрат ана шундай маънавий жасорат соҳибларидир. Ўзбек халқи бор экан, уларнинг номи ва хотираси абадийдир. Миллий ғояни англаган авлод аждодлари анъаналарини давом эттираверади.

Миллий ғоя салкам уч минг йиллик мустақил ривожланиш йилларида ўзбек халқини буюк кашфиётлар ва ғалабалар сари етаклаб, халқимизнинг миллий ривожланиш ғоясига айланди.

Ўзбек халқи мустақил тараққиёт йилларида иккита ренессансни (яъни буюк ривожланишни) ўз тарихига муҳраб қўйди. Биринчи уйғониш даврида (IX-XII асрлар) илмий ва диний билимларнинг уйғунлиги асносида дунёни ларзага келтирадиган буюк кашфиётлар қилинди. Юртимиз илм-фан ўчоғига айланди. Ибн-Сино, Форобий, Ал-Хоразмий, Беруний каби мутафаккирлар табиий-илмий билимларни янги сифат босқичига кўтарган бўлсалар, Ат-Термизий, Мотуридий, Имом Бухорий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби уламолар ислом динини миллий ғоя ва қадриятларимизга уйғун ҳолда ривожлантирдилар. Имом Бухорий мусулмон дунёсида «ҳадис илмининг султони» сифатида эътироф этилди.

Мамлакатимиз Ислоом илмининг марказига айланди. Ислоом динидаги ханафий мазҳаби, яссавия, кубровия, нақшбандия тариқатлари ўзбек халқининг миллий ғоясига мос ҳолда ривож топди.

Иккинчи уйғониш даври XIV-XVI асрларда ўзбек давлати дунёда энг ривожланган, кучли ва адолатли давлатга, Амир Темурнинг «Куч адолатдадир» ғояси эса мамлакатнинг ҳаракат дастури ва амалиётига айланди. Алишер Навоий каби буюк алломалар комил инсон ғоясини фан даражасига кўтарди. Бугун ғарб олимлари 500 йил олдин ўрганилган мавзуни инсон омили, инсон ҳуқуқи масаласини антропология фани таркибида катта қизиқиш билан ўрганишмоқда. Бугун учинчи уйғониш даври - Мустақил Ўзбекистон даври бошланди. У 1989 йилдан Ўзбекистоннинг энг янги

тарихини бошлаб берди. Бугун ўзбек халқининг миллий ғояси ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг ривожланиш ғоясига айланиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига сингдирилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас», – деган концептуал қоида мустаҳкамлаб қўйилди. Шу сабабли, Ўзбекистонда коммунистик мафкуранинг яқка ҳокимлигига барҳам берилиб, кўппартиявий сиёсий тизим вужудга келди. Ўзбекистонда тўртта - Ўзбекистон либерал-демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, Халқ демократик партияси фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон сиёсий партияларининг мафкураларини либерал, социал-демократик мафкуралар ташкил этади. Миллий ғоя Ўзбекистон халқининг ғояси бўлганлиги боис, халқ томонидан ташкил этилган мустақил сиёсий партияларнинг барчаси миллий ғояга асосланади. Ислоҳ Каримов сўзи билан айтганда, «миллий ғоя давлатимиз, жамиятимиз, халқимизнинг юксалиши йўлида, буюк келажак барпо этишдек эзгу мақсадга эришиш ва жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб обрў-эътибор топишимизда бирлаштирувчи куч-қанот бўлиши шарт. Бир томондан, миллий ғоя ягона ҳукмрон давлат мафкураси даражасига кўтарилмаслиги, иккинчи томондан, миллий ғоя, миллий мафкура турлича қарашдан барча одамларни, партиялар ва жамоат ташкилотларини Юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги йўлида бирлаштирувчи байроқ бўлиши, миллат, жамият ва давлатнинг муштарак манфаатларини ўзида мужассам этиши лозим».

Дарҳақиқат, биринчидан, Ўзбекистон кўп миллатли, кўп конфессияли давлат бўлгани боис, ҳеч бир дин ёки элатнинг ғояси жамиятни бирлаштиришга қодир эмас. Фақат Ўзбекистон халқининг ғояси бўлган миллий ғоягина жамият субъектларини бирлаштириш салоҳиятига эга. Тарихдан маълумки, бирлаштирувчи ғояга эга бўлмаган жамият, давлат

таназулга юз тутди. Шу сабабли, миллий ғоя ва миллий мафкура масаласи ҳар қандан жамият учун ҳаёт-мамонт масаласидир. Ҳозирги мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқининг миллий ғояси нафақат амалиётга татбиқ этилди, балки назарий ва амалий жиҳатдан ҳам ривожлантирилди. Юртбошимиз Ислоҳ Каримов томонидан «ғоявий бўшлиқ», «мафкуравий иммунитет», «мафкуравий полигон» каби илмий тушунчалар ишлаб чиқилиб, уларнинг мазмун-моҳияти очиқ берилди. Бугун ушбу тушунчалардан кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Иккинчидан, миллий ғоянинг икки таянчи - миллий ва умуминсоний қадриятлар - ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти талаби даражасига кўтарилди. Миллий ғоя, бир томондан, халқимизнинг азалий анъаналари, удумлари, тили, дини, руҳиятига, халқимизнинг дунёқараши ва тафаккурига, иккинчи томондан, замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқларга асосланиши эътироф этилди.

Бу талаб давлатнинг ўз қобилигига ўралиб, жаҳон ҳамжамиятидан ажралиб қолишдан асрайди, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга интеграциясини таъминлайди. Миллатчилик, шовинизм каби салбий ҳодисаларнинг олдини олади, Кўп қутбли дунёга йўл очади.

Учинчидан, бузғунчи, онгимизни заҳарлаётган, қарши рационал кураш усули ишлаб чиқилди.

«Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин», деган қоида мустақилликни мустаҳкамлаш қуролига айланди. Мустақиллик учун курашишнинг ушбу маърифий усули зўрлик, жангарилик, жосуслик, босқинчилик каби ноинсоний кураш усулларини инкор этиб, дунёдаги ҳар қандай муаммо ва зиддиятни тинч, сиёсий-дипломатик ва гуманитар воситалар орқали ҳал этиш мумкинлигини англатади. Бугун биз ҳар қандай бузғунчи ғояларга қарши тура оладиган, уни мағлуб эта оладиган миллий ғоямиз мавжудлигидан фахрланишимиз зарур.

Тўртинчидан, миллий ғоя тарихан янги шароитда, бир вақтлар онгимизни заҳарлаган сохта ҳукмрон ғоя таъсирида юришдан, эски қарашлар асоратидан, онгдаги куллик, мутелик, фикрсизликдан холос этувчи омилга айланди ва

жаҳондаги тараққий топган давлатлар қаторида бўлишимизни тезлаштирмоқда.

Янгича фикрлаш ва ишлаш замон талабидир. Шу боис мустақил Ўзбекистон фуқаролари миллий ғоя асосида фикрлаш ҳамда қонун ва ахлоқ - одоб измида амалий фаолият кўрсатишга бурчлидир.

Бешинчидан, миллий ғояни ўсиб келаётган ёш авлоднинг онги-шуурига сингдириш ҳамда ривожлантириш мақсадида ўзбек халқи тарихида илк бора ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида «Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар» фани пайдо бўлди. Ушбу фанга Ислом Каримов 2001 йилнинг 18 январдаги «Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар фанини республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисида»ги фармойиши билан асос солди. Ҳозир миллий ғоя фани республика таълим тизимининг барча босқичларида ўқитилмоқда. Миллий ғоя бўйича дарслик, ўқув қўлланмалар, рисола ва монографиялар нашр этилмоқда. Олимлар миллий ғоя йўналишида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилмоқдалар. Республиканинг нуфузли таълим муассасаларида миллий ғоя бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. 2006 йилда Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Маърифат тарғибот маркази ташкил этилиб, улар халқимизга муносиб хизмат қилишмоқда. Бундан ташқари, «Маънавий ҳаёт» журнали нашр этилмоқда.

Юқоридагиларнинг барчаси мустақиллик боис ўз миллий ғоямизга эгаллик қилиш ҳуқуқини қўлга киритганимиз шарофатидир.

Олтинчидан, миллий мафкурамизнинг бош ғояси ва унинг етти асосий ғоялари таснифланди. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт» - миллий мафкурамизнинг бош ғояси этиб белгиланди. XXI асда «демократия», «инсон ҳуқуқлари» тушунчалари инсоният томонидан умумэтироф этилган. Шу сабабли, бузғунчи кучлар «демократия», «инсон ҳуқуқлари» тушунчалари ниқоби остида ўзларининг ғаразли, ноинсоний мақсадларини амалга оширишмоқда. Ушбу кучлар одам ўлдириш, ҳокимиятни ноқонуний алмаштириш ва тўнтариш, ҳар хил рангли ва рангсиз инқилобларни, мақсадларига мос келса, демократия, инсон ҳуқуқлари дея аташмоқда, қонуний давлатларнинг талабла-

рини антидемократия, инсон ҳуқуқларини бузиш дея оммавий ахборот воситалари орқали бўҳтон ва ёлғонларни ташкиллаштириб, молиялаштирмоқда. Аслида, бундай кучларнинг ғояси, уларнинг номланишидан қатъи назар, битта – ҳокимиятга эгаллик ва ҳукмронлик қилиш. Мафкураси - зўрлик, уруш; инсонларнинг онгига бузғунчи ғояларни сингдириш орқали дунё тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солиш; дунёни урушлар гирдобига тортиш. Чунки тинчлик бузғунчи кучлар анатомиясига, манфаатларига мос келмайди. Қаерда нотинчлик, парокандалик, қўрқув, зўрлик бўлса, ўша жойда бузғунчи кучлар ва ғоялар кучаяди. Ўзбекистонда демократия, инсон ҳуқуқлари бош ғояга, яъни «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт» қуришга хизмат қилиши даркор. Бош ғоямизга зид бўлган бузғунчи ғоя ва сиёсий кучлар қонунга хилоф ҳисобланади. Бу талаб Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли моддаларида мустақамлаб қўйилган. Жумладан, 57-моддада «Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи кучларнинг фаолияти тақиқланади»². Мамлакатимизда демократия, инсон ҳуқуқларининг таъминланиши бир киши ҳаётини ҳам қурбон этишга сабабчи бўлмаслиги лозим. Аслида ҳам демократия, том маънодаги тинчлик ғоясидир. Демократиянинг талаби жамиятда яшаётган барча субъектлар манфаатларининг уйғунлигини таъминлаш орқали тинчлик, ривожланиш ва фаровонликка эришишдир.

Инсон ҳуқуқлари тарғиботидан кўзланган асосий мақсад ҳам инсоннинг табиий, ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини таъминлаш орқали тинчлик, ривожланишга хизмат қилишдир. Тинчликни бузишга қаратилган ҳар қандай ғоя ва саъй-ҳаракатлар демократия ва инсон ҳуқуқларига зид ҳодисалар деб баҳоланиши шарт. Дунёда энг ашаддий, авторитар ва тоталитар тизим дея тан олинган бошқарув тизими ҳам фақат тинчлик йўли билан (зўрлик, ҳарбий кучдан фойдаланмас-

дан) алмаштирилиши зарур. Акс ҳолда демократия, инсон ҳуқуқлари ғоялари халқ нигоҳида обрўсизланади, зўрлик мафқурасининг қурбонига айланади. Бу борада мустақил Ўзбекистон тажрибаси бутун дунёда ўрганишга арзийдиган ноёб ҳодисадир.

Миллий мафқурамининг Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, ижтимоий ҳамкорлик, комил инсон сингари асосий ғоялари нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда тинчлик ва ривожланишни таъминлашга хизмат қиладиган ғоялардир.

Ватан равнақи ғояси. Жамият ривожланишда бўлмаса, турғунликни келтириб чиқаради. Турғунлик одамларни бефарқликка ўргатади, уларни люперлаштиради, жамиятни таназзулга етаклайди. Таназзул эса нотинчлик манбаи. XXI аср интеллектуал индустрия асрида аграр индустриядаги каби ерга эгалик қилиш, саноат индустриясидаги капиталга эгалик қилиш бойлик манбаи эмас, аксинча, «илм», «интеллект» бойлик яратишнинг асосий манбаига айланган. Илм-фан, таълим ривожланмаган мамлакатда халқ, жамият ва давлат ҳеч қачон юксалмайди. Дунёнинг энг ривожланган еттиликка аъзо-давлатлари – АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Италия, Канада, Японияда фан, таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт тизимларини ривожлантиришга устуворлик берилади. Шу боис дунёда яратилаётган энг сўнгги технологияларнинг 85 фоизига ушбу давлатлар эгалик қилмоқда. Ўзбекистонда фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва иқтисодиёт тизимида амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам ривожланган мамлакатлар таркибидан муносиб ўрин эгаллашдир.

Ўзбекистоннинг келажакда технологияларни истеъмол қилувчи давлатдан уни ишлаб чиқарувчи давлатга айланиши шубҳасиздир.

Юрт тинчлиги ғояси. Тинчлик ғояси ўзбек халқининг «бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кетади», «оч қорним тинч қулоғим», «меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройли» сингари халқ ҳикматларида, одамларнинг ҳар кунги дуо, салом - аликларида, орзу – ният, мақсадларида ўз ифодасини топган. Ўзбекистон давлати - тинчликпарвар давлат. Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати мамлакатимиз ва дунёда тинчликни сақлашга

хизмат қилмоқда. Тинчлик ва меҳнат бир-биридан ажралмасдир. Жамиятни истеъмолчилар жамиятидан ишлаб чиқарувчилар жамиятига айлантириш тинчликни таъминлашнинг муҳим шартидир. Бугун мамлакатимиз ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим тизимида 265 та мутахассислик ва 700 та касб бўйича замонавий фикрлаш салоҳиятига эга янги авлод мутахассислари тайёрланмоқда, ишсизликка барҳам берилиб, иш ўринларини даромадли жойларга айлантириш муаммосининг ечими изланмоқда.

Кучли, профессионал армияга эга бўлиш, юрт тинчлигини таъминлашнинг муҳим омилларидандир. Миллий истиқлолни ҳимоя қилиш учун, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Ватанимизни кўз қорачиғидек асраш эл-юртимизни ҳар қандай хавф-хатардан сақлаш, бизга ёвуз ният билан кўз олайтириб қарайдиган ғаним ва душманларимизга қақшатқич зарба беришга қодир бўлган, қудратли Қуролли Кучларга эга бўлишимиз керак». Ҳозирги замон зиддиятли, мураккаб ўз мувозанатини излаётган, уруш учқунларига ўралган дунёдир. Ҳозир («Рим клуби» маълумотига кўра) жаҳонда йиғилиб қолган қурол-аслаҳалар захираси ер юзини 20 марта йўқ қилишга етади. Биринчи ва иккинчи жаҳон урушида 70 миллион киши қурбон бўлган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин шу кунгача 150 мингдан ортиқ маҳаллий этник низолар, тўқнашувлар содир бўлган. Кейинги ўн йил ичида дунёнинг 42 та, жумладан Афғонистон, Бирма, Колумбия, Бурундо, Конго, Сомали, Судан, Чад, Сурия мамлакатларида юз берган ҳарбий тўқнашувларда 300 минг нафар бола иштирок этган.

Ватанимиз тинч, халқимиз оқибатли, еримиз унумдор, сувимиз зилол. Уларни кўз қорачиғидек асраш ҳар биримизнинг Ватан олдидаги бурчимиздир. Мустақиллик шарофати туфайли Ўзбекистонда ҳар қандай ташқи қуролли таҳдидга муносиб жавоб бера оладиган профессионал армия вужудга келди. Қуролли Кучлар тизимида хизмат қилиш фахрли касбга айланди.

Уруш тўғрисидаги ғоялар инсон онгида пайдо бўлади, шунинг учун ҳам тинчлик тўғрисидаги ғояларни айнан инсон онгида шакллантириш лозим. БМТнинг Нью-Йоркдаги

қароргоҳи биноси пештоқига шарқлик буюк шоирлардан бири Саъдийнинг қуйидаги мисралари ёзиб қўйилган: «Олам аҳли бир тананинг турли аъзолари бўлиб, у бамисоли гавҳар каби яратилгандир. Ана шу тананинг бирор аъзосида дард пайдо бўлса, бутун танага оғриқ тарқалади».

Халқ фаровонлиги ғояси. Дунёга келган хар бир инсон тинч ва бахтли саодатли яшашга ҳақли. Халқ фаровонлиги ғояси инсоннинг жисмоний, маънавий эҳтиёжларини тўлатўкис қондириш жараёнини англатади. Жамият аъзолари ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланганлиги, сиҳат-саломатлиги, саводхонлиги, маданияти, узоқ умр кўриши, сув, ҳаво, озиқ-овқатларнинг экологик софлиги, эҳтиёжларни қондириш даражаси, даромади, тинч ва осойишта ҳаёт халқ фаровонлиги ғоясининг мезонидир. Дунёда 1 млрд. киши тоза ичимлик суви билан таъминланмаган. Бир миллиардга яқин киши озиқ-овқат етишмаслигидан азият чекапти, бир миллиард киши саводсиз, 200 миллион киши гиёҳвандликка берилган. Баъзи давлатларда умр кўриш муддати қисқариб бормоқда. Афғонистон каби айрим давлатларда аёл ва эркакларнинг ўртача умр кўриши 40-50 ёшни ташкил этмоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда халқ фаровонлиги йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Ҳатто, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида (2008-2012 йилларда) ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши 8,2 фоиздан кам бўлмади. Осиё тараққиёт банкининг маълумотига кўра, аҳоли даромадлари кейинги уч йилда уч баробар кўпайди. Ўзбекистон иқтисодиёти 3,7 баробар, аҳолининг реал даромади - киши бошига 7 баробар, ўртача пенсия миқдори 9 баробар, ойлик иш ҳақи 18 баробар кўпайди, одамларнинг умр кўриш даражаси 7 йилга узайди. Шунингдек, ёқилғи, ғалла, гўшт, сут ва бошқа истеъмол моллари билан ўзимизни ўзимиз таъминламоқдамиз. Дунё бўйича умумий саводхонлик даражаси 30-40 фоизни ташкил этади. Атиги 30 га яқин мамлакатда бу кўрсаткич 90 фоиздан ортиқ. Ўзбекистонда аҳолининг саводхонлик даражаси қарийб 100 фоизга тенг.

Ўзбекистон ёшларининг 92 фоизи Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти стандартларига тўла мос келади. БМТ, ЮНИСЕФ жамғармасининг маълумотига кўра дунёда 93 миллион

нафар ногирон бола ҳаёт кечирмоқда. Юқоридаги рақамлардан кўринадики, мустақиллик йилларида халқ фаровонлигини таъминлашда асрларга татиғулик ишлар амалга оширилди ва ушбу жараён давом этмоқда.

Миллатлараро тотувлик ғояси. Миллатлараро тотувлик ғояси сайёраимизда яшаётган 1600 дан зиёд этник гуруҳларнинг тенг ҳуқуқлилиқ, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик асосида тинч-тотув яшаш ғоясидир. Миллатлараро тотувлик ғояси миллатпарварлик ғоясидир. У барча миллат ва элатларнинг тили, урф-одати, анъаналари, байрамлари ривожланишини талаб этади. У миллатчилиқ, фашизм, миллий ва этник кўринишдаги урушларга қарши турадиган ягона маърифий ғоядир. Айниқса, бугун неофашизм бош кўтараётган цивилизациялараро тўқнашувлар содир бўлаётган шароитда миллатлараро тотувлик ғояси долзарб аҳамият касб этади. Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ғояси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига сингдирилган. Жумладан, бош қомусимизда «Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», деган муҳим қоида белгилаб қўйилган (8-м.).

Бугун Ўзбекистонда Республика «Байналмилал маданият маркази» (1992 й.) 145 дан зиёд миллий-маданий марказлар (Чингиз Айтматов ибораси билан айтганда кичик БМТлар) миллатлараро тотувлик ғоясини ҳаётга татбиқ этмоқда.

«Ягона оилада» («В единой семье») журнали нашр этилмоқда. Русларнинг «Масленница», татар ва бошқирларнинг «Сабантўй», уйғурларнинг «Сайил», байрамлари хитойларнинг «Чунузе» янги йили, корейларнинг «Соллер» ва «Оволь – тано» байрамлари нишонланмоқда. Ҳар йили республикаимиз миқёсида «Биз ягона оила фарзандларимиз», «Ватан ягонадир, Ватан биттадир», «Ўзбекистон - умумий уйимиз» шиори остидаги фестиваллар ўтказилмоқда. Ўзбекистонда етти тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, туркман, қирғиз ва қозоқ тилларида таълим олиб борилмоқда. Газеталар саккиз тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, туркман, қозоқ, инглиз, корейс тилларида) нашр этилмоқда. Радиоэшиттиришлар ўн битта тилда олиб бориляпти. Ислон Каримов ибораси билан айтганда, миллатлараро

тотувлик Ўзбекистоннинг душманлари кўра олмайдиган энг катта бойлигидир.

Ўзбекистон – кўп миллатли давлат. Уни мустақамлайдиган куч, шак-шубҳасиз, миллатлараро тотувлиқдир.

Динлараро бағрикенглик ғояси.

Динлараро бағрикенглик ғояси барча динларга нисбатан (уларнинг сони уч мингга яқин) ҳурмат ва ҳамкорликда бўлишни англатади. Диний экстремизм, миссионерлик, прозелитизм диний бағрикенглик ғоясига зид ҳодисалардир. Диний бағрикенглик, зўрлик, куч ишлатишни инкор этади. Диний бағрикенглик динлараро мулоқот ва ҳамкорликни таъминлашга қаратилган тинчлик ва ривожланиш омилидир. Диндан сиёсий мақсадларда, ҳокимиятни қўлга олиш, ҳукмронлик, бойлик орттириш йўлида фойдаланиш иймонсизликдир. Виждон эркинлиги диний бағрикенгликнинг шаклларида бири бўлиб, динга эътиқод қилиш ва қилмаслик ҳуқуқини англатади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда диний бағрикенглик ва виждон эркинлиги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда ўз аксини топди.

Собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистонда 89 та масжид, 2 та мадраса бўлган, ҳозир мамлакатимизда 2033та масжид 70та мадраса, Ислом университети, Ислом институти, 16 та диний конфессияга мансуб икки мингдан ортиқ диний ташкилотлар фаолият юритмоқда. Ўзбекистон аҳолисининг 88 фоизи ислом динига, 10 фоизидан зиёди бошқа динларга эътиқод қилади, 1,8 фоизи ҳеч қайси динга эътиқод қилмайди. Ҳар йили «ҳаж» сафарлари ташкиллаштирилмоқда. Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайити республика миқёсида нишонланяпти, диний журнал ва газеталар нашр этилиб, телевидение ва радиода диний мавзуларда махсус кўрсатув ва эшитиришлар олиб бориляпти. Қуръони Карим китоби 3000 минг нусхада ўзбек тилида нашр этилди. Имом Бухорий, Мотуридий каби диний уламоларнинг номлари тикланиб, уларга ҳурмат бажо келтириляпти. Ислом Каримов томонидан илгари сурилган «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» ғояси диндорларнинг кундалик ҳаракат шиорига айланди. Ўзбекистонда дин давлатдан, сиёсатдан ажратилган, аммо халқдан ажратилган эмас. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Дин ишлари бўйича қўмита» диндорлар эҳтиёжларини

қондиришга қўмаклашяпти. Юқоридаги саъй-ҳаракатлар туфайли Ўзбекистонда динлараро зиддият, тўқнашув ва жанжаллар кузатилмайди. 2007 йилда Ислом Конференцияси ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси – АИСЕСКО томонидан Тошкент Ислом маданиятининг пойтахти деб эълон қилинди. Бу Ўзбекистон давлатининг динга бўлган муносабати натижасидир.

Ижтимоий ҳамкорлик ғояси. Ижтимоий ҳамкорлик ғояси давлат ва жамият бошқарувида фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни ифода этади.

Аслида ҳам, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти фуқароларнинг ижтимоий ҳамкорлиги асосига қурилади. Ижтимоий фаоллик йўқ жойда фуқаролик жамияти яратиб бўлмайди. Ижтимоий ҳамкорлик ғояси фуқароларнинг юксак маънавиятга, сиёсий-ҳуқуқий маданиятга эга бўлишини тақозо этади. «Ижтимоий ҳамкорлик» кенг тушунча бўлиб, жамиятнинг барча соҳаларига тегишлидир. Ижтимоий ҳамкорлик шакллари сифатида маҳалла, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ижодий уюшма, жамғармаларни келтириш мумкин. Аждодлардан мерос қолган «ҳашар» ҳам ижтимоий ҳамкорликка киради.

Мустақил Ўзбекистонда ижтимоий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари Конституция ва тегишли қонунларида белгилаб қўйилган.

Бош қомусимиздаги «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар» (2-м.). «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» (7-м.) каби қоидалар халқимизни ижтимоий ҳамкорликка етакловчи омиллар.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган тўртта партия, учта ижтимоий ҳаракат, 6 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари, 7 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, диний конфессиялар, 1200 дан зиёд оммавий ахборот воситалари ижтимоий ҳамкорлик ғоясини таъминламоқда. Президентимиз Ислом Каримов томонидан, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да қонунчилик ташаббуси сифатида илгари сурилган «Ижтимоий шериклик тўғрисида», «Жамоат-

чилик назорати тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши ижтимоий ҳамкорлик ғоясини ривожлантиришнинг янги сифат босқичини бошлаб бериши шубҳасиздир.

Ижтимоий ҳамкорлик ғояси хорижий давлатлар ҳамда халқаро минтақавий ташкилотлар билан интеграция жараёнларини кучайтиришни ҳам англатади. Ўзбекистоннинг нуфузли БМТ, ЕХХТ, ШХТ, МДХ каби ташкилотларга аъзо эканлиги унинг очиқ жамиятга айланганидан далолат беради. Келажакда бу йўналишдаги ҳамкорлик янада ривожланади.

Комил инсон ғояси. Юқорида таъкидланганидек, инсонпарварлик халқимизнинг қонқонига сингиб кетган. Ислон Каримов ўзбек халқининг фазилатларига қуйидагича баҳо беради: «Агар мендан дунёдаги энг содда, энг оққўнгил ким деб сўраса, ўзбек миллати, ўзбек халқи деб айтган бўлар эдим»³. Бунга сабаб, ўзбек халқининг маънавий меросида инсонпарварлик ғоялари сингдирилган. Аждодларимиз инсонпарварликни фан даражасига кўтаришган. Форобий - «фозил инсон», Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Баҳроуддин Нақшбанд - «ориф инсон», Алишер Навоий - «комил инсон» таълимотларига асос солишган. Бугун ҳам, ўтмишда бўлганидек, инсонпарварлик борасида халқимиз бошқа халқларга сабоқ бериши мумкин. Оммавий маданият, ахборот хуружлари кучаяётган шароитда асосий муаммо ёт, бузғунчи ғоялар таъсирига тушмасдан, ғоявий бўшлиққа йўл қўймасдан, маънавий меросимизга, миллий ғоямизга содиқ қолишдир. Шу боисдан мустақиллик йилларида Ўзбекистонда комил инсон ғояси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Юртимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад ҳам ёшларимизни комил инсон этиб тарбиялашдир. Ислон Каримов асарларида комил инсон ғояси ривожлантирилди. Унда «комил инсон» тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: «Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори

билан ўзгаларга ибрат бўладиган, билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз»⁴.

Комил инсон ҳеч қачон ўз юртига сотқинлик қилмайди, у маънавият, ахлоқ, қонун доирасида фикрлайди, сўзлайди ва амалий фаолият кўрсатади. Яхши фикр, яхши сўз, яхши амал унинг ҳаёт мазмунидир. Комил инсонлари кўп юрт енгилмайди, тинч-осойишта ривожланади. Комил инсон пул, фаҳш, шон-шуҳратга сиғинмайди. Унинг сиғингани, ишонгани - Аллоҳ, суянгани билимдир. Бугун дунёнинг айрим ҳудудларида ҳеч нарсага ишонмай пул, фаҳш, шон-шуҳрат, ҳокимиятга ҳирс қўйганлар жамиятни ҳалокат ёқасига етакляпти. Биз бундай маънавий емирилишлардан ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз даркор. Шу ўринда юртбошимизнинг «мен ҳар қандай ёвузликни сотқинликда кўраман». эзгулик ва ҳақиқатга садоқати бўлмаган, уларга ишонмаган одам кўрқинчлидир», деган ҳикматли сўзларини эслаш ўринлидир. Комил инсон келажакка ишонч билан қарайди, бошқаларни унга ишонтиради, ўзининг кучи ва салоҳиятига суянади. Яратувчанлик унинг ҳаёт мезони ҳисобланади. Инсонларнинг онгини ўзгартирмасдан жамиятни ўзгартириб бўлмайди. Ҳамма гап қандай ғоялар асосида ўзгартиришда. Агар онга бузғунчи ғоялар сингдирилса, унинг оқибати инқироз, урушдир. Агар онга бунёдкор ғоялар сингдирилса, юрт тинч бўлади, Ватан равнақ топади, халқ фаровон яшайди, бу ҳам тарих ҳақиқати.

XXI асрда инсонга нима етишмаяпти деса, нефть, газ, озиқ-овқат, техника эмас, сўзсиз, ишонч етишмаяпти деб айтиш мумкин. Ўзбек халқининг миллий ғояси одамларни келажакка ишонтира оладиган, уларни бунёдкорлик йўлида бирлаштирадиган, халқ менталитетини мустаҳкамлайдиган, комил инсонни тарбиялайдиган буюк кучдир. Бундан кўринадики, миллий ғоянинг мустақилликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти беқиёсдир. Аслида ҳам миллий ғоя мустақиллик ғоясидир. Шу боис, уларнинг бирини иккинчисисиз тасаввур этиб бўлмайди.

¹ Каримов И. А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8.– Т., 2000. – Б. 465.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2002. – Б. 11.

³ Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8 – Т., 2000. – Б. 469.

⁴ Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз.Т.7. – Т., 1999. – Б.134.

Х.Т. Одилқориев*

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ – ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ТАЪСИРЧАН ОМИЛИ

Инсоният тараққиётининг ҳозирги палласи «Ахборот асри» деб эътироф қилинмоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, сўнгги ўн йилликларда сайёрамиздаги аксарият илғор ривожланаётган мамлакатларда «ахборот жамияти», «жамиятни ахборотлаштириш», «виртуал ахборот макони», «электрон ҳукумат» каби тушунчалар реал воқеликка айланиб, уларнинг ҳуқуқий асослари ҳам шаклланиб улгурди. Ўзбекистонда ҳам Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ахборотлаштириш соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли тадбирлар мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий этиш ва самарали қўллашга қўмаклашмоқда.

Бу борада давлатимиз раҳбари тақдим этган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»нинг алоҳида бўлими «Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш» деб номлангани ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Унда жамиятни демократлаштириш ва сиёсий модернизация жараёнларида аҳамияти тобора ортиб бораётган замонавий ахборот коммуникациялари тизимини ривожлантириш, ахборот технологияларидан давлат қурилиши соҳасида кенг фойдаланишнинг ниҳоятда долзарблиги таъкидланди. Мазкур стратегик мақсадга эришиш учун «Ўзбекистон Республикасида 2013-2020 йилларда телекоммуникация технологияларини, алоқа тизимлари ва инфраструктурасини ривожлантириш дастури» қабул қилиниб, изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Шунингдек, Вазирлар

Маҳкамаси 2013 йил 27 июнда «Ўзбекистон Республикасида Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилгани юқоридаги дастур ижросини таъминлаш механизмларини яратиб берди. Ҳукуматнинг 2012 йил 30 декабрдаги қарори билан эса «Интерактив давлат хизматлари кўрсатиш ягона портали» жорий этилиб, у давлат ҳокимиятини модернизация қилишга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Маълумки, давлат ҳокимияти ва бошқарувини оқилона ҳамда самарали ташкил этиш - мамлакат равнақи, давлат хавфсизлиги ва жамият барқарорлиги гаровидир. Ҳозирги глобаллашув шароитида дунё ҳамжамиятига аъзо барча давлатлар, бир томондан, йирик умумбашарий муаммоларга, бошқарув бобида жиддий ижтимоий зиддиятларга дуч келмоқда, иккинчи томондан, ижтимоий муносабатлар кўлами ортиши ҳамда мазмунан бойиши туфайли уларни ҳуқуқий тартибга солиш ва давлат йўли билан бошқариш тобора маракаблашиб бораётган вазиятда фаолият юритмоқда.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини эркинлаштириш мақсадида ислоҳ қилиш бошқа мамлакатлар қатори Ўзбекистон учун улкан сиёсий ҳамда тарихий-ижтимоий ҳодиса ҳисобланиб, у муайян моддий-молиявий харажатларни, ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни назарда тутди. Табиийки, давлат бошқарувини ислоҳ этиш ва модернизация қилиш Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган принциплар ҳамда талаблар асосида амалга оширилади. Шу билан бирга, бу борада фуқароларнинг яна бир муҳим ҳуқуқига эътибор қаратиш лозим.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.

Жумладан, 2005 йилда Европа Иттифоқида тасдиқлаш учун тақдим этилган Европа Конституцияси лойиҳасида инсон ва фуқароларнинг *ижобий бошқарувга бўлган ҳуқуқи* назарда тутилган. Унга кўра, ҳокимият органлари фуқаронинг мурожаатларини холис ва адолатли, пайсалга солмай, моҳияти бўйича кўриб чиқиши, сайлаб қўйилган вакиллар ва маъмурият аҳоли манфаатлари йўлида фаолият юритиши лозим.

Фуқароларнинг давлат бошқарувига кенг жалб этилиши, демократик давлат бошқаруви ғоялари бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида қуйидаги қоида эътироф этилган: «Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга ... Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим» (21-модда). Янги Европа учун Париж хартияси ЕХҲҚнинг 1990 йил 21 ноябрдаги Саммити ҳужжатида шундай сатрлар бор: «Демократик бошқарув эркин ва адолатли сайловлар пайтида мунтазам равишда ифодланадиган халқ хоҳиш-иродасига асосланади. Демократиянинг асосини инсон шахсига бўлган ҳурмат ва қонун устуворлиги ташкил этади».

Демократия тамойилларига таянувчи давлат ҳокимияти халқ манфаатини ифода этиб, жамиятни бошқариш ҳамда ривожлантиришга хизмат қилувчи бунёдкор куч сифатида намоён бўлади. Давлат ҳокимияти жамиятга сиёсий раҳбарлик қилиб, унга яхлитлик ва барқарорлик бахш этади. Ўзбекистонда ҳокимият идораларининг халқ манфаатларига бўйсундирилганлиги конституциявий принцип тарзида улар фаолиятининг асосий мезонига айланди. «Агар огоҳсен сен, шоҳсан сен» деган ҳикмат айти ҳокимиятнинг халқ кайфияти, талаб ва эҳтиёжларидан хабардор бўлишига ишорадир. Давлат ҳокимияти мамлакатдаги вазият хусусида тўла ва объектив ахборотга эга бўлса, у бошқарув бобида тўғри сиёсат юрита олади. Айти вақтда, мамлакат фуқаролари давлат органлари фаолиятдан имкон қадар очик ва ошкора хабардор бўлсалар, сиёсий ҳокимиятнинг ижтимоий таянчи, халқ

томонидан қўллаб-қувватланиши шунчалик кафолатланган бўлиши тайин.

Давлатимиз раҳбари «Концепция»да жамиятимизнинг истиқболли тараққиётини таъминловчи устувор йўналишларни белгилаш баробарида, бу борадаги муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламентни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг родини ошириш, ахборот олиш эркинлигини кафолатлаш ва ахборот-коммуникация инфраструктурасини шакллантириш, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини, шу жумладан оммавий ахборот воситалари, суд-ҳуқуқ тизими ва сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббусларини илгари сурди.

Мазкур ғояларнинг илгари сурилиши ўта муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлишининг конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат функцияларини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлашга доир ғоят долзарб чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини рационал ташкил этишда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий омиллардан ташқари уларнинг ишлаши хусусида ахборот олиш алоҳида аҳамият касб этади. Ахборот воситасида жамият аъзоларига, аҳоли онгига жиддий таъсир этиш мумкинлиги биз яшаб турган дунёда атрофимиздаги давлатлар (жумладан, Украина) мисолида яққол намоён бўлмоқда. Ҳозирги халқаро майдондаги воқеликларнинг гувоҳлик беришича, баъзан жамиятга ахборот етказиш ғайритабиий ҳолда амалга оширилмоқда. Бунда ахборотнинг ижобий, бунёдкор қудратига таяниш ўрнига, ундан ғаразли мақсадларга эришиш учун ахборотни салбий таъсир омилига айланттиришга уринаётган кучлар

хуружи намоён бўлмоқда. Оқибатда, у ёки бу мамлакатдаги реал ижтимоий-сиёсий вазият нафақат унинг аҳолисига, балки, бутун жаҳон афкор оммасига тескари мазмунда етказилмоқда. Муайян вазият хусусидаги маълумотни амалда бузиб етказиш, фактларни қалбакилаштириш, ўзига хос «ахборот урушлари»ни ташкил этиш усулларида, хусусан, ғарб давлатлари томонидан, Ироқ, Миср, Ливия, Сурия ва Яқин Шарқдаги бошқа давлатлардаги «рангли инқилоблар» чоғида кенг фойдаланилмоқда. Бундай ҳолатлардан тегишли ҳулса чиқариб, давлат бошқарувини демократик йўлга қўйишда, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ахборотнинг роли ва мазмунига алоҳида ўрин бериш, замонавий ахборот технологияларидан донишмандлик ва вазминлик билан фойдаланишга жиддий эътибор қаратиш лозим.

Замонавий ахборот майдонида пухта ўйлаб ҳаракатланиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини самарали ташкил этиш масаласи Ўзбекистон учун ҳам ниҳоятда долзарбдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқаролик жамиятини шакллантириш Концепциясида мазкур мавзу борасида қуйидагиларни таъкидлади: «Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантIRMасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз.

Маълумки, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарт, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади».

Мамлакатимизда мустақиллик йиллари мобайнида жамиятни ахборотлаштириш,

фуқароларнинг ахборот олиш (ундан фойдаланиш, тарқатиш) эркинлигини кафолатлаш, оммавий ахборот воситаларининг ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва мезонларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Бу даврда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига оид ахборотни фуқароларга етказишга, оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг мақсадли ва натижали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган ўндан зиёд қонунлар қабул қилинди. Булар орасида фуқаролар ва ташкилотларнинг, ахборот технологиялари ва тизимларини қўллаган ҳолда ахборот ресурсларидан фойдаланиш механизмлари ҳуқуқий мақомини белгилаб берган «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги ва бошқа қонунларнинг аҳамиятини алоҳида эътироф этиш ўринли.

Ҳозир вақтда Ўзбекистонда 1380 га яқин оммавий ахборот воситалари, глобал Интернет тармоғи, шунингдек, ўз таркибида 100 дан ортиқ электрон оммавий ахборот воситасини бирлаштирган Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва бошқа институтлар фаолият юритмоқда.

Юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳозирги босқичида давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролар ўртасидаги, шунингдек, давлат тузилмалари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабатларни демократик тарзда қонунлар воситасида ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш алоҳида устуворлик касб этаётганлиги табиий. Шу боис давлатимиз раҳбари ахборот тарқатиш тузилмалари ва воситалари фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизмларини жорий этиш ҳокимият ва маъмурий тузилмалар томонидан оммавий ахборот воситаларига маълум босим ўтказиш ҳолатларини истисно

этадиган қонунчилик кафолатларини яратишга жиддий эътибор қаратиб келмоқда.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ҳоқимият ва давлат бошқарувини эркинлаштириш борасидаги роли хусусида гап борганда, 2014 йил 5 майда имзоланган «Давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун ўта муҳим аҳамият касб этади. У фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини кафолатли таъминлаш имкониятини яратиш билан бирга, давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг демократик талаблар асосида фаолият юритиши, очиқлик ва ошкоралик принципларига оғишмай амал қилиши, улар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг сифатини янада мустаҳкамлаш борасидаги масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Маълумки, мазкур Қонун парламентимиз қонун ижодкорлигида биринчи марта ҳуқуқий эксперимент ўтказиш орқали қабул қилинди. Ушбу эксперимент 2013 йил 20 мартдаги Президент фармойиши асосида март-декабрь ойларида Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳоқимият идоралари базасида ўтказилди. Ҳуқуқий эксперимент тадбирларини амалга оширишда депутатлар, сиёсий партиялар вакиллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари фаол иштирок этадилар. Ҳуқуқий эксперимент жараёнида қонун лойиҳаси қоидаларини амалда ишлатиб кўриш, унинг давлат органлари фаолиятининг очиқлиги, шаффофлигини таъминлаш, улар фаолияти тўғрисидаги ахборотдан оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, аҳолининг кенг фойдаланишига доир нормалари самарадорлигини баҳолаш бўйича кенг кўламли ишлар бажарилди. Ҳуқуқий эксперимент давомида 200 яқин конференция, семинар ва «давра суҳбатлари» (жумладан 8 та халқаро) ва аҳоли билан 400 дан зиёд учрашувлар ташкил этилди. Миллий ва хорижий ОАВда мавзуга оид 1850 дан зиёд ахборот материаллари эълон қилинди. Жумладан, давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг 158 та очиқ коллегиял мажлисларида ОАВ, ННТ ва фуқароларнинг иштирок этиши давлат

органлари билан улар ўртасидаги алоқаларни яхшилаш имконини яратди.

Бу борада давлат органларининг ахборот хизматлари фаолиятини ташкил этиш ва расмий веб-сайтларни яратиш ҳам муҳим аҳамият касб этди. Агар эксперимент ўтказилишидан аввал 182 та ҳуқуқий эксперимент субъектларидан фақатгина 56 тасида расмий веб-сайтлар мавжуд бўлса, бугунги кунга келиб улар сони 166 тага етди, шу билан бирга, веб-сайтларнинг 100 дан ортиғи сўровларни электрон шаклда юбориш ва аҳоли билан қайта алоқани ўрнатишни таъминлайди.

Эксперимент жараёнида қонун лойиҳасида белгиланган норма ва қоидаларнинг самарадорлигини аниқлаш билан бир қаторда қонун лойиҳасини такомиллаштириш, уни самарали қўллаш тартиблари ва процессуал механизмларини яратиш, ҳуқуқий эксперимент усулларини қонун ижодкорлиги жараёнига кенг жорий қилиш бўйича 700 дан зиёд таклиф ва тавсиялар билдирилиб, уларнинг аксарияти қонуннинг якуний матнида инобатга олинди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу *қонуннинг мақсади* – давлат ҳоқимияти органлари фаолиятининг очиқлигини, улар фаолияти ҳақидаги ахборотлардан оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, аҳолининг (ахборотдан фойдаланувчиларнинг) кенг фойдаланишини таъминлашга қаратилган.

Қонуннинг *асосий вазифаси* - давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан жисмоний ва юридик шахсларнинг эркин фойдаланишини таъминлаш; давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти ҳақидаги ахборотларни олишга бўлган ҳуқуқини кафолатлаш; давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар учун жавобгарлигини ошириш; давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти ҳақидаги ахборотнинг тарқатилиши тартибини белгилашдан иборат.

Мамлакатимизда ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, давлат бошқаруви, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва теле-

коммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга нисбатан ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сонли «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган эди.

Мазкур фармонга мувофиқ замонавий, ишончли ва хавфсиз миллий маълумотлар ахборот базаларини яратиш, ахборот ресурслари ва хизматларининг бозорини ривожлантириш, ахборот алмашинувининг электрон шакллариغا изчиллик билан босқичма-босқич ўтиш, компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда уларнинг замонавий тизимларини жорий этишнинг биринчи навбатдаги энг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгиланди. Шунингдек, яқин ўн-ўн беш йил ичида давлат бошқарувида электрон технологияларни жорий этиш дастури ишлаб чиқилди. Шу асосда бугунги кунда юридик шахслар, тадбиркорлар ва хусусий ишбилармон субъектлар томонидан электрон тизимдан фойдаланган ҳолда ҳисоботларни топшириш ва солиқ тўловларини амалга ошириш йўлга қўйилди.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш учун муайян чора-тадбирлар амалга оширилди. Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида ахборот-коммуникация технологиялари фаолият кўрсатишининг муҳим иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий асосларини белгилаб берувчи қонунчилик базаси яратилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 256-сонли «Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги 2005 йил 22 ноябрь қарорида¹ Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш тартиби ва Давлат органларининг

ахборот тизимларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомлар тасдиқланди.

Давлатнинг демократик тамойиллар асосида ривожланиши, давлат органлари фаолиятининг фуқаролар учун ошкора эканлиги, инсонларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнида янада кенгроқ иштирокини эркинлаштириш ислохотларидан кутилаётган асосий натижалардан биридир. Ахборот-коммуникация технологияларининг давлат органлари ва фуқаролар муносабатларини яқинлаштириши туфайли фуқароларга ўзлари сайлаган депутатлар ва мансабдор шахслар фаолиятини кузатиш, ўз навбатида, жамоатчилик фикрини ўрганиш ва инobatга олиш имконини яратиши билан бирга, эркинлаштириш жараёнларига бевосита хизмат қилади.

Ўзбекистонда ахборот эркинлигини таъминлаш борасида қуйидаги устувор йўналишларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) ахборот тармоқларини ривожлантиришда глобал ҳамкорлик; 2) электрон кутубхоналарни шакллантириш; 3) электрон музейлар ва галереяларни яратиш; 4) атроф муҳит ва табиий ресурслар электрон базасини яратиш; 5) фавқулодда ҳолатларни электрон бошқариш; 6) соғлиқни сақлашда инфор­мацион технологияларни кенг қўллаш; 7) электрон ҳукуматни шакллантириш; 8) кичик ва ўрта бизнес учун виртуал бозорни яратиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонун ижодкорлик ишлари режасига мувофиқ Ҳукумат тузилмалари томонидан 2014 йил баҳорида «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги қонуннинг лойиҳаси тайёрланди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши, шубҳасиз, мамлакатимизда электрон ҳукуматнинг ташкил этилиши ва фаолият юритишини тартибга солишга, давлат органлари фаолиятининг самараси ва очиқлигини таъминлашга хизмат қилади. Унинг талқинига кўра, «электрон ҳукумат» деганда, – замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасини қамраб олувчи ва бошқарув жараёнларини автоматлаштиришга асосланган давлат бошқарув тизими тушунилади. Бу тизим воситасида давлат

идоралариаро ва бошқарув жараёнида иштирок этувчи субъектлар ўртасида электрон ҳужжат айланиши, автоматлаштирилган ахборот-маълумот тизими, интерактив давлат хизматлари кўрсатиш сервиси ҳамда ахборот ресурс базаларидан фойдаланиш амалга оширилади. Натижада, давлат бошқаруви тизимида маъмурий процедуралар ва давлат хизматларини кўрсатиш электрон шаклда амалга оширилиши йўлга қўйилади. Электрон ҳукумат қуйидаги принциплар асосида фаолият юритади: давлат органлари фаолиятининг очиқлиги, давлат хизматларининг ҳаммабоплиги, ахборотнинг муҳофазаланганлиги, маъмурий ахборотнинг электрон таҳлил этилиши, давлат органларининг ўзаро келишилган тарзда ҳаракатланиши, давлат органлари фаолиятининг сифат жиҳатидан муттасил яхшиланиши ва ҳоказо.

Электрон ҳукумат инфраструктурасида Интерактив давлат хизматлари кўрсатиш ягона портали амал қилмоқда. Қабул қилиниши мўлжалланаётган қонун электрон ҳукумат билан мулоқотга киришганда фуқаролар ҳуқуқларини таъминлашнинг кафолатларини

белгилайди. Алоҳида эътироф этиш жоизки, бугунги кунда Ягона портал 20 та йўналишда 170 дан зиёд интерактив хизматлар кўрсатиш имкониятига эга. У қисқа вақт фаолият кўрсатётганлигига қарамай, ўтган даврда фуқароларнинг 11,5 мингдан ортиқ мурожаатлари портал орқали давлат органларига етказилди. Мурожаатларнинг 88 фоизи кўриб чиқилиб, уларга жавоб қайтарилди. Келгусида ахборот технологиялари муттасил такомиллашуви туфайли ушбу кўрсаткич миқдор жиҳатидан янада юқори кўтарилишига ва сифат жиҳатидан ривож топишига умид боғлаш мумкин.

Шундай қилиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини эркинлаштириш, уларни халқ эҳтиёжлари ва манфаатларига яқинлаштириш, фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий ҳамкорлигини ривожлантиришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш, бир томондан, давлат органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиқлигини таъминлашга, иккинчи томондан, жамият ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтиришга янги имкониятлар яратади.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., – 2010 – Б.28.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги 2005 йил 22 ноябрь 256-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. – № 47-48.– 355-м.

Таянч иборалар: «ахборот жамияти», ахборот коммуникация технологиялари, давлат ҳокимияти, электрон ҳукумат, виртуал майдон, ахборот инфратузилмаси.

Мақолада ҳозирги глобаллашув шароитида фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқи ва сўз эркинлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини модернизация қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг аҳамияти, илмий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинади. Мавзуга оид қонунчиликни такомиллаштириш борасида мулоҳазалар баён этилади.

Key words: «information society», information and communication technologies, state authorities, e-government, virtual space, information infrastructure.

The article deals with the problems of guaranteeing of citizens' information rights and freedom of speech in the condition of globalization. The author considers the significance, scientific and practical aspects of modern information and communication technologies influence on modernization of the activity of the organs of state authority and governance, formulates his proposals on improving the respective legislation.

Ключевые слова: «информационное общество», информационно-коммуникационные технологии, государственная власть, электронное правительство, виртуальное пространство, информационная инфраструктура.

В статье рассматриваются проблемы обеспечения права на информацию и свободы слова граждан в условиях глобализации, рассуждается о значении, о научных и практических аспектах влияния современных информационно-коммуникационных технологий на модернизацию деятельности органов государственной власти и управления. Формируется предложения по совершенствованию соответствующего законодательства.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ХУСУСИЙ АЙБЛОВ ИНСТИТУТИ ВА УНИНГ КЕНГАЙТИРИЛИШИ

Жиноят процесси – жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига асосланган, муайян тартиб ва тизимга эга бўлган, жиноят ҳақидаги ариза ва бошқа хабарлар юзасидан текширув, тергов, судлов олиб бориш ҳамда ҳал қилув қарорларини қабул қилиш жараёнини, унда иштирок этадиган барча шахсларнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда улар ўртасида юзага келувчи ҳуқуқий муносабатларни ўз ичига олувчи фаолиятдир. Ушбу фаолият ва муносабатлар ихтиёрий равишда кечмайди, балки жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг нормаларига мувофиқ ва уларда белгиланган тартиб бўйича амалга оширилади. Бошқача айтганда, *жиноят процесси (жиноий-ҳуқуқий судлов) суриштирув органлари, терговчи, прокурор ва суднинг Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширадиган жиноятларни аниқлаш, очиш, айбдорларни фош этиш, уларга жиноий жавобгарлик (жазо) чораларини ёки бошқа чораларни қўллаш ва келгусида бу каби жиноятлар содир этилишининг олдини олиш фаолияти, шунингдек ушбу фаолият муносабати билан унда иштирок этувчи органлар ва шахслар ўртасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар тизимидир.*

Жиноят-процессуал фаолият инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига энг кўп даражада даҳл қилувчи жиноий жазони, шунингдек давлат мажбурлов чораларини (ушлаб туриш, тинтув ўтказиш ва ҳ.к.) қўллаш билан боғлиқ бўлиб, бу ҳол жиноятларни муваффақиятли очиш ва айбдорларнинг жавобгарликка тортилишини таъминлаш учун зарур¹. Шу сабабли ушбу фаолият одил судлов кафолатларини ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини яратувчи ҳуқуқий нормалар билан қатъий ва батафсил тартибга солинади.

Жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар, шунингдек ҳимоячилар ва вакиллар (айбланувчи, гумон қилинувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар) тегишли ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлган ҳуқуқ субъектларидир.

Жиноят процессининг мақсадидан келиб чиқувчи аниқ вазифалар ушбу субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга йўналтирилган ва қуйидагилардан иборат:

– жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, яъни жиноят содир этилганлиги фактини ва уни ким содир этганлигини аниқлаш;

– айбдорларни фош этиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахснинг жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги;

– қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлаш.

Жиноят процессининг вазифалари бажарилишини таъминловчи органлар ва шахслар фаолиятининг бош йўналишлари жиноят-процессуал функциялар сифатида намоён бўлади. Жиноят-процессуал функциялар ўз навбатида асосий ва қўшимчага ажратилади²:

Асосий функциялар: жиноятларни тергов қилиш; айблов; ҳимоя; жиноят ишини мазмунан ҳал қилиш;

Қўшимча функциялар: жиноятларнинг олдини олиш; ҳуқуқни тиклаш.

Айблов деганда, суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг жиноятни очиш, жиноят содир этган шахснинг жавобгарлиги ҳақидаги масала судда тўғри ҳал қилинишини таъминлаш мақсадида ушбу шахснинг айбдорлигини исботлашга қаратилган фаолияти тушунилади.

Айблов ким томонидан ва қандай шаклларда амалга оширилишига кўра уч турга ажратилади: хусусий айблов, оммавий (жамоат, давлат) айблов ва хусусий-оммавий (аралаш) айблов.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят процесси кафедраси доценти в/б, юридик фанлар номзоди.

Ҳозирги кунда айбловнинг асосий шакли давлат айблови бўлиб, уни прокурор амалга оширади ва жамоат бирлашмаси ёки жамоа вакили – жамоат айбловчиси қувватлаши мумкин. Жабрланувчининг айбловни амалга ошириши талаб этилмайди.

Хусусий-оммавий ишлар фақат жабрланувчининг шикоятни бўйича қўзғатилади, иш қўзғатилганидан сўнг айбловдан воз кечиш мумкин эмас, яъни бунга жабрланувчининг айбланувчи билан ярашуви натижасида тугатилиши мумкин бўлмаган ишлар тааллуқли. Айбловни қувватлаш ҳуқуқи жабрланувчи ва прокурорга тегишли.

Хусусий айблов фақат жабрланувчининг шикояти юзасидан қўзғатиладиган жиноят ишларини қамраб олади, Жиноят-процессуал кодекснинг 325-моддасига мувофиқ, айбловни фақат жабрланувчи қувватлайди³.

Хусусий айблов деганда жиноят ишларини юритишнинг махсус шакли сифатида фақат жабрланувчининг аризаси бўлганида қўзғатиладиган жиноятларга доир ишларни юритиш тартиби тушунилади. Яъни иш юритувини бошлаш (иш қўзғатиш) зарурлиги жабрланувчининг ихтиёрига қолдирилади. Жабрланувчи содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш қанчалик даражада ўзининг ҳуқуқларига таъсир қилганини ва бузилган ҳуқуқларини судлов орқали ҳимоя қилиниши кераклиги ёки йўқлигини ихтиёрий равишда ҳал этади.

Шу ўринда бундай ёндашув жиноят процессида диспозитивлик институтини юзага келтирганлигини эътироф этиш жоиз. Диспозитивлик (лот. *dispositio* – фармойиш сўзидан; инг. *disposition*)⁴ деганда, шахснинг ўз ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши ва таъминланишини талаб этишидаги ихтиёрийлик, бузилган ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини талаб этиш ёки талаб этмасликдан бирини танлашга оид ҳуқуқи тушунилади. Бошқача таърифлаганда, бу ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида иш юритувини бошлаш, ҳаракатлантириш ва тугатиш билан боғлиқ процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш эркинлигидир. Айнан диспозитивлик ҳуқуқи асосида хусусий айблов институтини қонунчиликда ўз ифодасини топган.

Хусусий айблов институтини фуқаролар ўртасидаги аҳамияти жиҳатидан муҳим бўлмаган ва жамиятга зарари тегмайдиган қилмишлар содир этилганда ёки шахснинг объектив ҳуқуқлари билан боғлиқ муносабат-

лар доирасида юз берган ҳаракатлар (оқибати) ушбу қилмиш иштирокчилари ихтиёрига кўра жиноят ёки жиноят ҳодисаси эмас, деб ҳисобланиши натижасида айблов даъвосини киритиш масаласи ҳал этилишини билдиради. Б.Б.Муродовнинг фикрича, бу ҳолатлар жиноят сифатида эътироф этилиши шарт⁵. Фикримизча, жабрланувчи иродасига асосан қилмиш жиноят ёки жиноят ҳодисаси эмас, дея баҳоланиши мақсадга мувофиқ.

Амалдаги қонунчиликка кўра жиноятдан жабрланган шахс берган ариза асосида жиноят иши қўзғатилганидан сўнг, у ўз даъвосидан воз кечган ҳолда айбловни тугатиш масаласи қонунда тўғридан-тўғри тартибга солинмаган. Аммо 2001 йилда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликка киритилган яраштирув институти орқали ушбу вазият муайян даражада ҳал этилиши мумкин. Бунда нафақат жабрланувчи, балки гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг розилиги ҳам талаб этилади.

Хусусий айблов институти амалдаги Жиноят-процессуал кодекснинг 1, 2, 11, 17, 64, 84, 116, 325, 329, 330, 333, 342, 372, 373, 401, 582-586-моддаларида тартибга солинган.

Хорижий давлатлар қонунчилигида хусусий жиноий таъқиб (айблов) алоҳида бобларда тартибга солинган. Жумладан, Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 3-боби, Арманистон Жиноят-процессуал кодексининг 4-боби, Қозоғистон Жиноят-процессуал кодексининг 3-боби, Қирғизистон Жиноят-процессуал кодексининг 3-боби, Беларусь Жиноят-процессуал кодексининг 3-боби (ундаги ўзига хосликлардан бири айрим турдаги жиноят ҳодисаси яқин қариндошига нисбатан содир этилганда, шахс ариза бермаса иш қўзғатилмаслигидир), Эстония Жиноят-процессуал кодексининг 9-бўлими хусусий айблов бўйича иш юритишга бағишланган. Эстония қонунчилигида кўра, жабрланувчи иш (даъво) қўзғатиш масаласида судга илтимоснома киритади ва илтимоснома кўриб чиқилиши учун суднинг ҳисоб варағига 30 кунлик иш ҳақиға тенг миқдорда тўлов (бож) тўлайди (суд тўловни камайтириш ёки ундан озод этиши ҳам мумкин).

Мамлакатимиз қонунчилигида хусусий айблов асосида иш юритиладиган жиноят турлари ЖПКнинг 325-моддасида кўрсатилган. Уларга: Жиноят кодекси 105-моддасининг биринчи қисмида, 109-моддасида, 110-моддасининг биринчи қисмида, 111-моддасида, 118,

119 ва 121-моддаларининг биринчи қисмида, 136-моддасида, 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 149-моддасида назарда тутилган жиноятлар тегишли.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 167, 170, 172, 173-моддаларида назарда тутилган ва устав фондида давлат улуши бўлмаган юридик шахсга нисбатан унинг ходими томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари фақат мазкур юридик шахс раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра қўзғатилади⁶.

Шу билан бирга, Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасида келтирилган ҳамда жиноят иши қўзғатилганидан сўнг жабрланувчи айбланувчи билан ярашганлиги туфайли жиноят ишини тугатиш мумкин бўлган жиноятлар бўйича иш юритувини тўлиқ хусусий айблов дейиш мумкин. Уларга қуйидагилар тегишли: Жиноят кодекси 105-моддасининг биринчи қисмида, 109-моддасида, 110-моддасининг биринчи қисмида, 111-моддасида, 121-моддасининг биринчи қисмида, 136-моддасида, 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 149-моддасида, 167-моддасининг биринчи қисмида, 170-моддасининг биринчи қисми ва иккинчи қисмининг «б», «в» бандларида, 172-моддасида ҳамда 173-моддасининг биринчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар.

Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасида кўрсатилган, лекин иш қўзғатилганидан сўнг ярашув асосида жиноят ишини тугатиш мумкин бўлмаган ҳамда 325-моддада кўрсатилмаган, лекин ярашув асосида жиноят ишини тугатиш мумкин бўлган жиноятларга оид ишларни юритиш хусусий-оммавий ёки аралаш айбловга мисол бўлади.

Маълумки, бугун барча мамлакатларда ҳуқуқ нормалари асосида муносабатлар тартибга солинади, дастлабки ҳуқуқ нормалари вужудга келган даврда жиноят ишларини юритиш хусусий айбловга асосланган. Чунки илк давлат ва ҳуқуқ пайдо бўлган даврларда фақат даъвогарнинг даъвоси асосида иш юритилиб, ҳукм ёки ҳал қилув қарорлари чиқарилган. Мусулмон ҳуқуқида ҳам шариат нормаларига асосан хусусий айблов кенг амалда бўлган.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг қабул қилинган 1994 йилдаги Жиноят-

процессуал кодексда ҳам дастлаб фақатгина оғирлаштирайдиган ҳолларда номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш жиноятлари учун хусусий айблов асосида (нотўлиқ шаклда) иш юритилган.

Хусусий айбловнинг кенгайтирилиши 2001 йилдаги Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларни либераллаштириш муносабати билан қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида амалга оширилди. Ушбу ўзгаришлар асосида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликда ярашув институти вужудга келди. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар натижасида бугунга қадар ярашув асосида тугатиш мумкин бўлган ишлар доираси кенгайтирилган. Ярашув асосида жиноят ишини тугатиш тартиби хусусий айбловнинг нотўлиқ шакли сифатида намоён бўлди. Чунки, 2012 йилнинг 5 январига қадар ярашувга тушадиган жиноятларга доир ишлар бўйича албатта жиноят ишини қўзғатиш талаб этилар эди.

Хусусий айблов асосида иш юритишнинг тўлиқ шаклдаги тартиби 2012 йил 5 январдаги Жиноят-процессуал кодексга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан боғлиқ ҳолда вужудга келди. Унга кўра, Жиноят кодекси 105-моддасининг биринчи қисмида, 109-моддасида, 110-моддасининг биринчи қисмида, 111-моддасида, 121-моддасининг биринчи қисмида, 136-моддасида, 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 149-моддасида назарда тутилган жиноятлар бўйича ҳам айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб фақат жабрланувчи берган шикоят аризаси бўлгандагина иш қўзғатилиши белгилаб қўйилди.

Хусусий айблов асосида иш юритишнинг кенгайтирилиши 2012 йил 29 декабрдаги Жиноят-процессуал кодексга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга асосан амалга оширилди. Ушбу нормаларга асосан Жиноят кодекси 167, 170, 172, 173-моддаларида назарда тутилган ва устав фондида давлат улуши бўлмаган юридик шахсга нисбатан унинг ходими томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар фақат мазкур юридик шахс раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра қўзғатилади.

Жиноятга оид судлов соҳасида хусусий айблов институтининг кенгайтирилиши дав-

латнинг жиноий-ҳуқуқий сиёсатида, жамият ҳаётида муайян даражада аҳамият касб этади. Жумладан, унинг аҳамияти қуйидагиларда кўзга ташланади:

1) шахс хоҳиши ва талабларининг, фуқаролар (халқимиз) фикрининг биринчи навбатда ҳисобга олиншини таъминлайди;

2) жиноят ишини юритиш жараёнида демократик ва инсонпарварлик принципларига тўла амал қилинишига хизмат қилади;

3) кам аҳамиятли ёки самарасиз бўлган жиноий таъқибни тугатишга (бошламаслик) хизмат қилади;

4) давлатнинг куч ва воситаларини тежаш ҳамда ҲМҚО фаолияти самарадорлигининг ошишига олиб келади;

5) жиноят ёки ҳодиса оқибатлари тез ва самарали бартараф этилишига эришиш имконини беради;

6) жиноий жавобгарлик натижасида шахс ҳуқуқларини чекловчи оқибатлар келиб чиқшининг олди олинади;

7) давлатнинг жиноятга оид сиёсати либераллаштирилишининг ифодаси ҳисобланади;

8) жиноят ҳодисаси билан боғлиқ низоларни қисқа муддатларда ҳал этиш имкони яратилади;

9) жиноят ва жиноят-процессуал қонунчи-

ликни замон ва халқаро талабларга мувофиқлашувини таъминлайди;

10) кечириш тамойили асосида салбий ҳуқуқатворга эга фуқароларни ахлоқан тузатиш ва тарбиялаш жараёнларига ижобий таъсир қилади.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётига 2001 йилдан бошлаб ярашув институти киритилди ва у самарали фаолият кўрсатмоқда. Ярашув институтининг талабига кўра, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноий қилмишни содир этган шахс жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилмайди. Мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда ўзбек халқининг раҳмдиллик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайиб боришига асос бўлди»⁷.

Хулоса қилиб айтганда, хусусий айблов институтининг кенгайтирилиши суд-ҳуқуқ ислохотларининг таркибий қисми сифатида жиноятга оид судлов фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш билан бирга жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш ҳамда мамлакатимизда жиноий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этишда қонунийлик, адолат, ҳолислик ва беғаразликни таъминлаш мақсадига йўналтирилган.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (2013 йил 1 февралгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан): Расмий нашр. – Т., 2013. – Б. 4-14.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси: ИИБ Олий таълим муассасалари учун дарслик / Б.А. Миренский, А.Х. Раҳмонқулов, Д. Камалходжаев ва бошқ.; – Т., 2012.– Б.16.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. – Т., 2000. – Б. 434.

⁴ Қаранг: Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ.. – Т., 2010. – Б. 140.

⁵ Қаранг: *Муродов Б.Б.* Жиноят процессида айблов институтини такомиллаштириш истиқболлари // Ўзбекистон Республикаси Академиясининг Ахборотномаси. – Т., 2012. – № 3. – Б. 22.

⁶ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (2013 йил 1 февралгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан): Расмий нашр – Т., 2013. – Б. 180-181.

⁷ *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Халқ сўзи. – 2010. – 13 нояб.

Таянч иборалар: жиноят процесси, тергов, айблов, ҳимоя, хусусий айблов, жиноят ишини кўзғатиш, жиноят иши кўзғатишни рад этиш, жабрланувчи, гумон қилинувчи, жиноят ишини тугатиш.

Мақолада жиноят процессида жабрланувчининг аризаси асосида жиноят ишини кўзғатиш, яъни хусусий айблов институтини тартибга солувчи жиноят-процессуал қонун нормалари таҳлил этилади.

Key words: criminal procedure, investigation, accusation, protection, private prosecution, institution of criminal proceedings, denial of institution of criminal proceedings, victim, suspect, dismissal of criminal proceedings.

The article deals with the analyses of norms of criminal-procedure law related to institution of criminal proceedings under the victim's statement and regulating the institute of private prosecution in criminal procedure.

Ключевые слова: уголовный процесс, следствие, обвинение, защита, частное обвинение, возбуждение уголовного дела, отказ о возбуждении уголовного дела, потерпевший, подозреваемый, прекращение уголовного дела.

В статье анализируются нормы уголовно-процессуального права, связанные возбуждением уголовного дела по заявлению потерпевшего, – регулирующие институт частного обвинения в уголовном процессе.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ФУҚАРОВИЙ ДАЪВОНИ ҲАЛ ЭТИШ ЧОРАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов: «Аҳолимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини янги юксак босқичга кўтариш, шу мақсадда мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларини демократик янгилаш, либераллаштириш ва модернизация қилиш, ушбу жараёнларнинг суръатини имкон даражасида тезлаштириш – биз учун энг мақбул йўлдир»¹ – дея таъкидладилар.

Бу чора-тадбирлар мамлакатимизда ҳуқуқий ҳаёт соҳасини эркинлаштириш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини демократик ҳуқуқий давлат принципларига мослаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади ва Ўзбекистонда ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, унинг барча тармоқларининг либераллаштирилиши ижтимоий-тарихий зарурият эканлигини кўрсатмоқда.

Содир этилган жиноят нафақат қонун билан қўриқланадиган муносабатларга, балки инсон манфаатларига ҳам маълум даражада зарар етказиб, у жисмоний, маънавий ва мулкий шаклларда намоён бўлади. Умумэтироф этилган принципларга асосан етказилган зарар тўлиқ қопланиши ёки бартараф этилиши лозим. Бу вазифа фуқаролик ҳуқуқидаги зарар институти, жиноят процессида жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш институти орқали амалга оширилади. Жиноят процессуал кодекси (ЖПК)нинг бешинчи бўлимида тартибга солинган жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш механизмида фуқаровий даъво институти муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 275-моддасида таъкидланганидек, бевосита жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида

фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган мулкий зиённи қоплаш, шунингдек жабрланувчини дафн этиш ёки унинг стационарда даволаниш харажатларини ҳамда суғурта тариқасида унга тўланган пул, нафақа ёки пенсия пулини ундириш тўғрисидаги фуқаровий даъволар жиноят процессида кўрилади.

Шу билан бирга бугунги кунда юқорида келтирилган институтни қўллаш орқали жиноят натижасида етказилган моддий зарарнинг тўла қопланишига эришилмаганлигини, бу жараёнларда муайян, ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигини эътироф этиш керак.

Амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари суд ва давлат органлари зиммасига жиноят ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида шахсга етказилган мулкий зарарни ундириш имкониятини таъминлаб беришни юклайди. Таъкидланганидек, фуқаровий даъво кўзғатиш мулкий зарарни ундириш шаклларида бири ҳисобланади. Шу боис, судгача бўлган вақт мобайнида даъво аризасини бериш ва жиноят процессида фуқаровий даъво таъминлаш бўйича суриштирув органлари, терговчи ва прокурорнинг фаолиятини тўғри ташкил этиш муҳим амалий аҳамиятга эга. Дастлабки тергов босқичида фуқаровий даъво кўзғатиш ва таъминлаш механизмнинг аниқлаб олиниши, унинг процессуал тартибини такомиллаштириш омилларидан биридир.

Фуқаровий даъво кўзғатиш ва уни ҳал этиш жараёнини тўғри англаш ва мантиқий тадқиқ этишда уни дастлабки ва кейинги босқичларга ажратиб ўрганишни лозим топдик. Бу тариқа босқичларга ажратиш процессуал ҳаракатларни муайянлаштиришга ёрдамлашади ва жиноят процессида суд жараёнигача фуқаровий даъво

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси фуқаролик-ҳуқуқий фанлар кафедрасининг катта ўқитувчиси.

қўзғатиш ва таъминланиш жараёнини тартибга солишга имкон беради.

Биз С.В. Кравцованинг дастлабки тергов босқичида даъво аризасини ҳал этиш жараёнининг икки босқичга бўлиниши тўғрисидаги фикрларини мантиқан тўғри деб ҳисоблаймиз. Бунда:

1) етказилган зарарнинг тўлиқ миқдори ҳамда жиноят содир этган шахс номаълум бўлганда, фуқаровий жавобгарни ва етказилган зарарнинг аниқ миқдорини кўрсатмаган ҳолда даъво қўзғатиш. Бу жиноят процессида фуқаровий даъвогарнинг ўз вақтида жалб этилишига ёрдам беради ва фуқаровий даъво бўйича далилларни тўплашнинг фаоллашувига кўмаклашади;

2) тергов жараёнида жиноят содир этган шахс ва етказилган зарарнинг миқдори аниқланганда (яъни, дастлабки тергов тамомлангунча), фуқаровий даъвони фуқаролик-процессуал қонун ҳужжатларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда қайтадан тузиш. Одатда, дастлабки тергов ниҳоясига етгунига қадар даъво қўзғатиш учун барча зарур ҳолатлар аниқланган бўлади. Бунда бошланғич даъво ҳужжатларини ҳам ишга қўшиш, яъни тикиб қўйиш лозим бўлади².

Юқоридаги тартибда масалани босқичларга ажратиш ҳал этиш муҳим амалий аҳамиятга эга. Ҳақиқатан ҳам, дастлабки босқичда етказилган зарарнинг аниқ миқдори ва жиноят содир этган шахс номаълум бўлганда, даъво аризасининг шакли ва мазмуни бошқа кўринишда бўлади. Кейинги босқичда, яъни жиноят содир этган шахс ва етказилган зарарнинг аниқ миқдори аниқланганида ва фуқаровий жавобгарнинг мавжудлигида фуқаровий даъво аризаси бошқа шаклда бўлиши талаб этилади. Ишни судга қадар юритишда фуқаровий даъвони қўзғатиш жараёнини шундай тартибда босқичларга ажратиш уни амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаш, терговчиларнинг амалий фаолиятида улардан фойдаланиш, фуқаровий даъвони қўзғатиш ва таъминлашни такомиллаштиришга кўмаклашади. Шунингдек, терговчининг қонун талабларига мос равишда тузилган даъво аризаси бўйича жиноят тўғрисида етказилган зарарнинг

миқдори тўғрисида далилларни йиғиши берилган даъвони таъминлаш ва бошқаларда фойдаланиши учун осон бўлади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг нормаларини, шунингдек, тергов ва суд амалиётини таҳлил қилиб, хулоса қилиш мумкинки, ҳозирги пайтда жиноят процессида фуқаровий даъвони қўзғатиш ва таъминлаш борасида бир қатор камчиликлар мавжуд.

Хусусан, дастлабки тергов ва суриштирув органлари фаолиятини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ қилар эканмиз, шу ҳолат аниқ бўлдики, Республика ички ишлар органларининг терговчилари ва суриштирувчилари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси ИИВ давлат ахборот ресурсларидан деярли фойдаланмайдилар³. Ушбу ресурслардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси давлат архивининг фондларидаги ахборотлардан дастлабки тергов ва суриштирув органларининг фойдаланиш ҳолати ачинарли аҳволда бўлиб, бу ўғирланган буюмларни қидириш, фуқаровий даъвогарларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, айниқса, хусусий мулк ўғриликларида доир қисқа муддатларда олиш мумкин бўлган электрон ахборотдан фойдаланиш талабига жавоб бермайди.

Фуқаровий даъвогарнинг ҳуқуқлари таъминланишининг процессуал муаммолари орасида жиноятдан жабр кўрган шахсни фуқаровий даъвогар сифатида эътироф этиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш долзарб бўлиб турибди. Фикримизча, жинойий қилмишдан жабр кўрган шахсни фуқаровий даъвогар сифатида эътироф этиш тўғрисидаги ЖПК нормалари етарли даражада такомиллаштирилмаган, чунки, терговчи содир этилган жиноят натижасида шахсга моддий зарар етказилганлигини кўриб турса-да, унга фуқаровий даъво қўзғатиш ҳуқуқи борлигини тушунтириб беришга мажбур эмас. Ушбу ҳолат жиноятдан жабр кўрган шахслар ҳуқуқларининг камситилишига олиб келади. Демак, амалий жиҳатдан бу ҳолатни тартибга солувчи нормаларни такомиллаштириш талаб этилади.

Амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида жиноят процессида фуқаровий

даъво кўзғатиш ва таъминлашни тартибга солишни кўзда тутувчи аниқ нормалар мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси ЖПК 276-моддасининг учинчи қисмига кўра, фуқаровий даъво ҳам ёзма, ҳам оғзаки шаклларда кўзғатилиши мумкин. Оғзаки шаклда берилган даъво баённомага ёзиб қўйилади. Ушбу ҳолат бўйича фуқаролик процессидаги даъво аризасига ўхшаш аризанинг муайян шаклини белгилаб олишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу, ўз навбатида, судгача бўлган иш юритишда жиноят процессидаги фуқаровий-ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўртасидаги муносабатларнинг тартибга солинишини таъминлайди.

С.В. Кравцова жисмоний ёки юридик шахснинг фуқаровий даъво кўзғатишига тегишли қуйидаги фикрни билдирган: «юридик шахс ёки жисмоний шахс томонидан унга етказилган мулкӣ зарар бўйича кўзғатилган фуқаровий даъволар бир-биридан фарқ қилмайди. Юридик шахснинг ишчанлик обрўсига етказилган зарар билан боғлиқ ишларда эса даъвонинг ҳал қилиниши бир-мунча қийинлашади. Бундай ҳолларда жиноят процессида фуқаровий даъвони кўзғатиш масалалари етарли даражада тартибга солинмаган»⁴.

Юқоридаги фикрга қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, юридик муаммоларнинг ечимлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида ҳам ўз аксини топиши керак. Чунки, ҳозирда бозор муносабатларининг ривожланиши мулкнинг турли шаклларини юзага чиқарди ва бу юридик шахс мақомига эга субъектлар сонининг кўпайишига олиб келди. Корхона, муассаса, ташкилот, бирлашма ва фирмаларнинг хўжалик ва бошқа тижорат ишларини олиб бориш фаолияти улар эришган ишчанлик обрўсига ҳам боғлиқдир. Содир этиладиган жиноятлар натижасида ушбу соҳага ҳам етарлича зарар етказилиши табиий. Шу боис, биз Ўзбекистон Республикаси ЖПК 275-моддасининг биринчи қисмига «юридик шахснинг хўжалик ва ишчанлик обрўсига етказилган зарар», деган қўшимчани киритиш мақсадга мувофиқ.

Агар хорижий давлатлар қонунчилигидаги тажрибаларга мурожаат қилсак, Норвегия ЖПКнинг 214-§да кўрсатилишича, жиний

қилмиш туфайли ўз мулкидан ажраган ҳар қандай шахсга жиноятчининг мулки, агар мусодара қилиш муддати ўтган тақдирда ҳам олиб берилиши лозим⁵. Эстония ЖПКнинг 413-моддасида кўзда тутилган «Чет мамлакатларга мулкни хатлаб, уни эгасига бериш бўйича илтимоснома билан чиқиш»⁶ деган қонунчиликнинг имплементация қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ушбу моддага кўра, «Чет мамлакатга мулкни хатлаб, уни эгасига бериш тўғрисидаги илтимоснома адлия вазири ёки у тайинлаган юридик ташкилот томонидан берилади». Ушбу янгиликнинг қонунларимизга татбиқ қилиниши давлатнинг қонуний манфаатларини, жумладан фуқаровий даъвогар манфаатларининг муҳофаза қилинишига ижобий таъсир кўрсатган бўлар эди.

Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 75-моддасида, қуйидаги қоида белгиланган: «Жабрланувчига жиноят туфайли етказилган мулкӣ зарар, шунингдек, суд, дастлабки терговда ўзи ва вакилининг иштироки натижасида қилинган харажатлар ҳам қонунда ўрнатилган тартибда ундирилиши таъминланади. Жабрланувчининг унга етказилган маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъвоси ҳам жиноят процессида кўриб чиқилади. Агар жиноят ишида бундай даъво кўзғатилмаган ёки кўриб чиқиш қолдирилган бўлса, жабрланувчи уни фуқаролик-процессуал тартибда кўзғатишга ҳақлидир»⁷. Шунингдек, мамлакатимиз қонунчилигида яраштирув институтининг жорий этилганлиги бошқаларга ўрнатилган бўлиши мумкин⁸. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 584-моддасида жиноят ишини судга юбориш тартиби кўрсатилган бўлиб, унда жумладан, суриштирувчи, терговчи, прокурор жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) ёки унинг қонуний вакилининг ярашув тўғрисидаги аризасини олгач, етти суткадан ортиқ бўлмаган муддатда гумон қилинувчининг, айбланувчининг розилиги билан ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқаради, дейилган. Аммо фикримизча, ЖПКнинг моддаларида фуқаровий даъводан воз кечишнинг тартиби батафсил ифодаланиши керак. Қонун ҳужжатларига киритилган ушбу янгиликлар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва тарбиявий ишлар-

нинг самарадорлигини оширишга, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофазасини кучайтиришга, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чоралари, жумладан, маъмурий жазо чораларини қўллашнинг имкониятини кенгайтиради.

Аммо таъкидлаш жоизки, янги нормаларни яратиш, амалдаги ҳуқуқий нормаларга ўзгартишлар киритиш ва уларни ҳозирги замон талабларига мослаштириш жиноятчиликка қарши курашнинг сусайиши ҳамда ижтимоий хавфли жиноят содир этган шахсларга нисбатан талабчанликнинг камайишини билдирмайди. Шу муносабат билан, жиноят ишининг қуйидаги ҳолларда тугатилиши маълум қизиқишларни келтириб чиқаради. Башарти ишни тергов қилиш ёки судда кўриб чиқиш пайтига келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган ёхуд вазият ўзгариши оқибатида бу шахс ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлмай қолган деб эътироф этилса; биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахс жиноят содир этилганидан кейин етказилган зарарни бартараф этган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятни фош қилишга фаол кўмаклашган бўлса (ЖПК 84-м. 5-қ. 1,2-б).

Етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф этиш Ўзбекистон Республикаси ЖК 55-моддасининг «б» бандига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлардан биридир. Ушбу қоида ўз айбини тўғри англаган шахсга нисбатан қонунчиликнинг демократик ва инсонпарварлик принципларини намойиш қилади. Етказилган зарар ихтиёрий равишда бартараф этилишининг қонунда эътироф этилишига қарама-қарши, етказилган мулкий зарарни тўлашдан қатъий бош тортган шахсга нисбатан қонунда чоралар кўрилиши кўзда тутилмаган. Жумладан, агар ишни тергов қилиш ёки судда кўриб чиқиш пайтига келиб, жиноят қисман ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган ёхуд вазиятнинг ўзгариши туфайли жиноятчи шахс ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлмай қолган деб эътироф этилган тақдирда, қонун бундай шахсларга нисбатан

ишнинг тугатилишини тақиқламайди. Жиноят-процессуал ва жиноят қонунларининг ушбу нормалари жиноят содир этиб, мулкий зарар етказган шахс қонунга итоаткор бўлса ва у жиноят ишини тергов қилишга тўсқинлик қилмаган тақдирда, қўлланиши мумкин. Аммо у ноқонуний хатти-ҳаракатлари билан мулкий зарар етказиб, уни тўлашдан бош тортиб, суд ва терговдан ўзини олиб қочаётган вазиятлар ҳам учраши мумкин. Бу ҳолда жиноят ишини тергов қилиш жараёнида «зарарни қоплашдан бош тортиш» тушунчасига аниқлик киритиб олиш зарур бўлади.

Юқорида баён этилган фикрларни инобатга олиб ва уларга таянган ҳолда, назаримизда, бош тортиш ҳолатига қуйидагича таъриф бериш мумкин: мулкий зарарни тўлашдан бош тортиш – жиноят туфайли етказилган мулкий зарарни тўлашдан атайлаб, қасддан бош тортишдан иборат шахснинг ҳаракати ва ҳаракатсизлигидир.

Мулкий зарарни тўлашдан бош тортиш деганда, хатланиши лозим бўлган мулкни яшириш ёки уни сотувдан олиб қолиш, ҳақиқий маошини ёки бошқа даромадларини яшириш каби ҳаракатлар тушунилади. Айбдорнинг мулкий зарарни тўлашдан атайлаб бош тортиши ижтимоий хавфли қилмишдан гувоҳлик беради, шу боис у ишнинг тугатилишида истисно тариқасида хизмат қилиши ва бу ишни тугатиш ваколатига эга орган томонидан ҳисобга олиниши лозим. Шу сабабли, биз, айбдор шахснинг етказган мулкий зарарини тўлашдан атайлаб бош тортган ҳолатларни ҳисобга олувчи Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси бешинчи қисмининг биринчи бандига ишнинг тугатилишини тақиқловчи нормани киритишни таклиф қиламиз.

Т.Р. Галимов жиноят процессида фуқаровий даъвони исботлаб бериш ҳолатларида прокурорнинг иштироки тўғрисида тўхталар экан, жиноят процессида унинг вазифаси: 1) дастлабки терговда фуқаровий даъвонинг таъминланиши юзасидан терговчи (суриштирувчи) фаолиятида қонунийликка риоя қилиниши устидан прокурор назоратини амалга ошириш; 2) айблов томоннинг вакили сифатида фуқаровий даъвони исботлашда, жумладан, жиноят процессида фуқаровий

даъвони қўзғатиш ва қўллаб-қувватлашдан иборатлигини қайд этади⁹. Ушбу фикрларга қўшилиш мумкин, чунки Б.Х. Пўлатов ҳам судларнинг мустақиллиги шаклланаётган, тарафларнинг тенглиги ва тортишуви принципи амалга оширилаётган ҳозирги шароитда, прокурор дастлабки тергов органлари тақдим этган бошланғич материаллар билан танишиб-

гина қолмай, унинг ўзи далилларни текширишда фаол иштирок этиши ва судда иштирок этиб, қонуний асосланган қарор қабул қилинишига эришиши лозим, деб ҳисоблайди¹⁰.

Бу, ўз навбатида, жиноят туфайли етказилган мулкӣ зарарнинг ҳақиқӣ таъминланиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлайди.

¹ Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т.20. – Т., 2012. – Б.12.

² Қаранг: Кравцова С. В. Уголовно-процессуальный статус гражданского истца и гражданского ответчика на стадии предварительного расследования: понятие, сущность и основания возникновения: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2003. – С.13.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 майдаги «Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 87-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. – 2008. — №5. – 15-м.

⁴ Қаранг: Кравцова С.В. Уголовно-процессуальный статус гражданского истца и гражданского ответчика на стадии предварительного расследования: Понятие, сущность и основания возникновения: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – СПб. 2003. – 24 с.

⁵ Қаранг: Web-ресурс: Norge.ru.

⁶ Қаранг: Web-ресурс://yurotdel.com/zakony/ugolovno-processualnyi-kodeks-estonii. html.

⁷ Қаранг: Web-ресурс: www. Balazan.kz.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 254-II-сонли 2001 йил 29 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. - 2001. — 9-10-сон. – 165-м.

⁹ Қаранг: Галимов Т. Р. Субъекты доказывания гражданского иска в российском уголовном судопроизводстве: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Челябинск: Институт права, социального управления и безопасности – УдмГУ, 2006. – С. 17.

¹⁰ Қаранг: Пўлатов Б. Х. Суд муҳокамаси – изланиш, таҳлил қилиш, фикрлаш ва англаш жараёни: Давлат айбловчиси учун илмий-услубий қўлланма. – Т., 2003. – Б. 4.

Таянч иборалар: фуқаровий даъво, жиноятдан келтирилган мулкӣ зарарни қоплаш, терговчи, судга қадар иш юритувида фуқаровий даъвони таъминлаш.

Мақолада жиноят процессида фуқаровий даъвони ҳал этилишига оид чораларнинг қўлланилишини такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқӣ тавсифи, аризани қабул қилиш хусусиятлари, фуқаровий даъвонинг дастлабки терговда таъминланиши, жиноятдан кўрилган зарарнинг бартараф этилиши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади. Процессуалист олимларнинг суддан аввалги иш юритувида фуқаровий даъвони кўриб чиқиш ва уни таъминлаш билан боғлиқ фикрлари баён қилинади.

Key words: civil claim, compensation of property damage caused by crime, investigator, security for a civil claim at pretrial proceedings.

The article is concerned with questions related to improvement of the procedure of solution of civil claims in criminal procedure. The author discloses legal characteristics and peculiarities of procedural order of reception of applications, security for a civil claim at preliminary investigation, compensation of property damage caused by crime; gives scientists' opinions concerning the consideration and security for a civil claim at pretrial proceedings.

Ключевые слова: гражданский иск, возмещение имущественного вреда причиненного преступлением, следователь, обеспечение гражданского иска в досудебном производстве.

В статье рассматриваются вопросы, связанные с совершенствованием мер разрешения гражданского иска в уголовном процессе, дается правовая характеристика, особенности процессуального порядка принятия заявления, обеспечения гражданского иска на предварительном следствии, возмещения имущественного вреда причиненного преступлением и мнения ученых процессуалистов относительно рассмотрения и обеспечения гражданского иска в досудебном производстве.

С. Б. Хўжақулов*

ШАХСНИНГ ИЖТИМОЙ ХАВФЛИЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲОЛАТЛАРНИНГ ЖИНОЙ-ҲУҚУҚИЙ ИНСТИТУТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТУТГАН ЎРНИ

Азалдан жиноят ва жиноятчи шахс, уларнинг келиб чиқиши ва шаклланиши, жамиятга нисбатан зарарли оқибатлари ва бу оқибатларни сезиларли даражада камайтириш масалалари инсоният томонидан ижтимоий воқелик сифатида ўрганилиб, уларнинг мазмун ва моҳиятига нисбатан турлича қарашлар шаклланган. Илк қарашлар диний мазмунда бўлиб, жамиятга зид ҳаракатлар оғир гуноҳ, уни содир этувчи шахслар эса шайтон йўлдан урган кимсалар деб тушунилган. Мазкур қарашлар асрлар давомида ўзгариб, сайқалланди ва сўнги асрларда жиноятчилик ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида ўрганила бошлади. Аммо бугунги кунда ҳам жиноятчиликка оид сиёсатни юргизишда, шунингдек, жиноят-ҳуқуқий институтларни шакллантиришда терминологик ҳамда мазмуний хатоликлар ва ноаниқликлар кузатилмоқда.

Шу пайтгача криминалог олимлар томонидан «жиноятчи шахси» хусусида турли фикр ва қарашлар мавжуд бўлиб, ягона тўхтамга келинмаган, бошқача айтганда, бундай тўхтамга келиш имконияти чегараланган. Сабаби, баъзи олимлар жиноятчи шахс деб топиш даврини шахс суд томонидан айбдор деб топилди, чиқарилган ҳукм асосида жазони ўтаб бўлгунига қадар вақт оралиғи билан ифодаласа¹, айримлар ушбу муддатни жазо муддатининг тугаши ёки маҳкумнинг озод этилиши билан кифояланмасдан, шахс жазони ўтаб бўлгандан кейин ҳам тузалиш йўлига кирмагунича давом этади², деб ҳисоблайдилар. Бошқалар эса, шахсни жиноятчи деб топиш даврининг бошланишини суд ҳукмининг чиқарилиши билан эмас, жиноятнинг содир этилиши билан изоҳлашса, баъзилар эса, нафақат жиноят, балки ижтимоий хавфли қилмиш ҳисобланмаган бошқа турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир

этилиши билан ҳам боғлайдилар. Уларнинг ҳам айримлари муддатни бундан ҳам илгарироқ бўлган, яъни шахсда жамиятга, шахсга, умуман ижтимоий муносабатга нисбатан салбий хулқ-атворнинг пайдо бўлган ва шакллана бошлаган даври билан белгилайдилар³. Бироқ криминалогиядан фарқли ўлароқ жиноий-ҳуқуқий тушунчалар аниқликни, тўлиқликни ва барчага бирдай тушунарли бўлишни талаб этади ва мантиқийлик қонуниятларига асосланади. Аммо бугунги кунда баъзи жиноий-ҳуқуқий институтларни ўзида ифода этувчи термин (тушунча)ларни ушбу талабларга тўлиқ жавоб беради деб ҳисоблаш мушкул.

Чунончи, ЖКнинг 14-моддасида нафақат жиноят қонунчилигининг, балки бутун одил судловнинг асосини ташкил қилувчи «жиноят» тушунчасига «Ушбу Кодекс билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади» дея таъриф берилган. Қизиқарли томони шундаки, мазкур моддада ижтимоий хавфли қилмишларга жиноят деб қаралиши таъкидланиб, ушбу оқибат қачонки жазо қўллаш таҳдиди мавжуд бўлса юзага келади, яъни жавобгарлик ёшига етган, ақли расо жисмоний шахс томонидан содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш жиноят қонунида кўрсатилган объектларга дахл қилсагина жиноят саналади. Бу мазмун эса, ЖКнинг Махсус қисмида кўрсатилган қилмишлар ижтимоий хавфлилик хусусиятига эга, бошқа ҳар қандай қилмиш, гарчи у ижтимоий хавфли оқибатни келтириб чиқарса ҳам ижтимоий хавфли ҳисобланмайди деган хулосага келишга асос яратади.

Шу ўринда савол туғилади, ижтимоий хавфлилик ва унинг даражаси нима билан, яъни қилмишнинг қайси хусусиятлари ёки

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноятларнинг олдини олиш кафедраси ўқитувчиси.

мезонлари асосида белгиланади ва у ким томонидан амалга оширилади?

Ижтимоий хавфлилик давлатнинг жиноят-ҳуқуқий сиёсатининг тузилиши ва юритилиши учун восита бўлиб хизмат қилади деб таъкидлайди профессорлар Э.Х.Нарбўтаев ва Р.Кабуловлар. Ва шу боисдан ижтимоий хавфлилик баҳона қилиниб, Ўзбекистоннинг 1959 йилдаги Жиноят кодексида фуқароларнинг нормал хулқ-атвори, ҳаракатлари, жумладан тижорат воситачилиги, хусусий тадбиркорлик ва яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиш, қаратэни ўргатиш, кўп қаватли уй қуриш, қурилиш материаллари сотиб олиш ва шу кабилар жиноятлар тоифасига киритилган. Бу вазиятда қонун умумижтимоий манфаатни эмас, балки давлатнинг бошқарув манфаатини ўзида ифодалайди деб ҳисоблашади. Уларнинг назарида, умумэтироф этилган ижтимоий қадриятлар, принциплар ва ҳалқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги жиноят қонунида аниқ ифода этилиб, ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлансагина мавжуд қонун ўзида умумижтимоий манфаатни ифодалайди⁴.

Олимларнинг фикрича, демократик давлатнинг жиноий-ҳуқуқий сиёсати ижтимоий хавфлиликка сиёсатнинг тузилиши ва юритилиши учун хизмат қиладиган восита эмас, балки умумижтимоий манфаатни ҳимоя қилувчи мезон сифатида ёндашмоғи лозим.

Ижтимоий хавфлиликни мазмунан тўғри талқин қилишга қаратилган бу ёндашув масаланинг *бир томони*. *Иккинчи томони шундаки, биринчидан*, ҳар доим ҳам жиноят ижтимоий хавфли қилмиш билан белгиланавермайди. Бироқ, қонун чиқарувчи жиноятнинг асосий ва бирдан-бир белгиси сифатида ижтимоий хавфли қилмишни олади ва уни ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан ифодалаб, қуйидаги бир қатор муаммоли ҳолатларни келтириб чиқарган:

биринчиси, гарчи ЖКнинг 14-моддаси ҳамда унинг атамаларга бағишланган саккизинчи бўлими ва юридик энциклопедияда «қилмиш» ҳаракат ва ҳаракатсизликни ифодаласа-да, ўзининг этимологияси бўйича «қилинган иш, ҳаракат, фаолият»ни, шунингдек, «ножўя иш, ҳаракат, қилғилик»ни англатади⁵. Кўришиб турибдики, мазкур изоҳ қилмишнинг фақат механик ҳаракатдан иборатлигини англатиб, ўз таркибига ҳаракатсизликнинг киритилишини истисно этади. Бу эса, ижтимоий хавфли қилмиш доираси сунъий равишда кенгайтирилиб, ўз ичига ҳаракатсизликни ҳам қамраб олган, деган хулосага келишга ундайди;

иккинчиси, амалдаги жиноят қонунчилигига кўра маълум бир воқеа, ҳодиса ёки жараёни жиноят деб тан олиш учун ҳамма вақт ҳам ижтимоий хавфли қилмишнинг мавжудлиги талаб этилавермайди.

Мазмуни бўйича қилмишдаги ҳаракатнинг маълум бир даврда бошланиб, маълум бир даврда тамомланишини ва ижтимоий оқибатни келтириб чиқаришини кузатиш мумкин. Баъзида қонун чиқарувчи реал хавфнинг мавжудлигини эътиборга олиб, оқибатнинг келиб чиқишини талаб этмайди ва уни суиқасд ёки жиноятга тайёргарлик кўриш деб баҳолаб, жавобгарлик масаласини тамом бўлган жиноятники каби ҳал этади. Бироқ ушбу вазиятда гарчи жиноий ният тўлиқ амалга оширилмаган, ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқмаган ва шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳаракат тўхтатилиб, охирига етказилмаган бўлсада, қонун чиқарувчининг назарида жиноят таркиби келиб чиқади. Ва жиноий қилмишнинг ҳаракатда ифодаланишини тайёргарлик, суиқасд ёки жиноий ниятга етишиш билан алоқадорликда эмас деб тушуниб, барча ҳолатда жиноий ниятга эришишдан қатъи назар ижтимоий хавфли оқибатнинг келиб чиқишини объектив зарурий ҳодиса деб изоҳлайди. Яъни ҳар қандай жиноий ниятни қамраб олган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ижтимоий хавфли оқибатни келтириб чиқаради ёки шундай оқибатнинг келиб чиқиш хавфини вужудга келтиради.

Савол туғилади, агар ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқмаса, унда қандай қилиб қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятига эга бўлади? Масалан, ўғрилиқ жиноятини содир этмоқчи бўлган шахс жиноят устида қўлга олинди, унинг қилмиши тугалланмади ва ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқмади. Бу ҳолатда қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятига эгами? Ёки бошқа бир мисолда, шахс жиноятга тайёргарлик кўриш жараёнида қўлга олинса, албатта ижтимоий хавфли қилмиш деб баҳоланиб, унинг жинояти тугалланмаган жиноят каби эътироф этилади. Сабаб сифатида эса, унинг ижтимоий хавфли қилмишни содир этишни онгли равишда хоҳлаганлиги ва ҳаракатни бошлаганлиги олинади. Бироқ ҳар икки ҳолатда ҳам, мантиқан олганда, қилмишни ижтимоий хавфлиликка йўйиб бўлмайди, чунки, шахс жиноятга тайёргарлик кўриш жараёнида ёки содир этиш жараёнида ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда қилмиш (ҳаракат) тўхта-тилганда ёки охирига етмай қолганда, ижтимоий

хавфли оқибат келиб чиқмайди. Бу эса ушбу вазиятда ҳодисанинг жиноят деб топилиши ижтимоий хавфли қилмиш билан эмас, балки шахснинг ижтимоий хавфлилиги билан баҳоланиши лозимлигини тақозо этади.

Ҳолатни бу каби талқин этишимизга сабаб, агар шахс жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтса, унда бу жавобгарликни истисно этувчи ҳолат тариқасида тушунилади (ЖК 26-м. 1-2 қ.). Эътиборли томони шундаки, ушбу ҳолатда ҳам жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилишдаги каби ҳаракат тўхтатилади, бироқ шахснинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда эмас, балки унинг ихтиёри, хошиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда амалга ошади. Шу боис, мазкур ёндашув қонун чиқарувчининг жиноят тушунчасига фақат ижтимоий хавфли қилмиш нуқтаи назаридан қарашни номақбул деб ҳисоблашга асос яратади. Чунки, баъзи бир жиноятлар қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги билан эмас, балки шахснинг ижтимоий хавфлигидан келиб чиқиб баҳоланади. Натижада, ЖКнинг 70-моддасида шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ҳақида бежизга фикр юритилмаганлиги намоён бўлади.

Маълумки, қилмишнинг ижтимоий хавфли хусусиятга эгалиги бир турдаги ҳуқуқбузарликни бошқа бир турдаги ҳуқуқбузарликдан (масалан, маъмурий ҳуқуқбузарликларни жиноий ҳуқуқбузарликлардан) фарқлаш учун хизмат қилса, ижтимоий хавфлилик даражаси эса, унинг оғирлик даражасини белгилайди (ЖК 15-м.).

Шу муносабат билан, МЖТК 52-моддасининг 2-қисмида белгиланган («енгил тан жароҳати етказиш») маъмурий ҳуқуқбузарлиги ЖК 109-моддасининг 2-қисмида белгиланган жиноий ҳуқуқбузарлик (соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказиш)дан қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги, яъни ижтимоий хавфли оқибатни келтириб чиқариш хусусияти билан фарқланади. Бироқ ЖК 109-моддасининг 1-қисми (соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга оғир шикаст етказиш ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилганлиги)ни МЖТК 52-моддасининг 2-қисми (қасддан енгил тан жароҳати етказиш, бу ҳаракат соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қоби-

лятини унча кўп давом этмайдиган турғун тарзда йўқотишга олиб келмаганлиги)дан қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги билан фарқланади деб ҳисоблаш мушкул. Зеро, шахс МЖТКнинг 52-моддасининг 2-қисмида белгиланган маъмурий ҳуқуқбузарликни бир йил мобайнида нафақат икки, балки уч ёки ундан кўп маротабалаб содир этса ҳам қилмиш ижтимоий хавфли хусусиятга эга бўлмайди. Чунки соғлиқнинг бузилиши 6 кундан ошмайди.

Демак, хулоса шуки, ЖК 109-моддасининг 1-қисми МЖТК 52-моддасининг 2-қисмидан қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги билан эмас, аксинча шахснинг ижтимоий хавфлилиги билан фарқланади ва бу ҳолда шахс биринчи қилган қилмишидан гарчи жазоланган бўлса-да, пушаймон бўлмаган, тўғри хулоса чиқармаган ва бу каби қилмишларни содир этишни оддий ҳол деб қабул қила бошлаган бўлади.

Кўриниб турибдики, юқорида келтириб ўтилган ҳолатлар қонун чиқарувчи томонидан ЖКнинг 14-моддасида белгилаб ўтилган жиноят ҳақидаги тушунчада жиноятнинг асосий белгисини айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) билан чегараламасдан, тўлиқ мазмунни қамраб олиши учун шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини ҳам назарда тутиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Акс ҳолда бу ҳолат ЖКнинг 14-моддасидаги жиноят тушунчаси унинг Махсус қисмида белгиланган жиноятларни тўлиқ қамраб олмасдан, қонунда мавҳумликнинг бўлишига шароит яратади.

Мазкур шароит шу кунгача бир қатор кўнгилсизликларнинг келиб чиқишига олиб келган. Чунки, назария ва амалиётда анъанавий тарзда жиноий ҳодиса, воқеа ва жараёнга нисбатан ижтимоий хавфли қилмиш нуқтаи назардан ёндашилган ва шахснинг тақдири ҳал этиб келинган. Аниқроғи, Жиноят қонунининг Махсус қисмида билгиланган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)нинг элементлари мавжудлигидан келиб чиқилган ва жиноятга нисбатан баҳо берилиб, шахснинг хусусиятлари эътибордан четда қолган. Бу борада мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов қуйидаги мисолларни куйиниб келтириб ўтган эдилар: Жумладан, Фарғона вилоят, Охунбобоев тумани суди томонидан 20 ёшли Моргунов болалар боғчаси ошхонасидан 8600 сўмлик идиш-товоқ ўғирлаганлиги учун, гарчи бу нарсаларни эртаси куниёқ қайтариб олиб келган бўлса-да, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Тошкент шаҳар,

Шайхонтохур туманида балоғат ёшига етмаган Р.Абдуллаев ўғай онасининг 3300 сўм пулини ўғирлагани учун қамоққа олинган. Навоий вилоят, Хатирчи туманида эса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан фуқаро Ш.Исматов харидордан 190 сўм ортиқча олгани учун жиноий жавобгарликка тортилган ва ҳукм қилинган бўлса, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани тергов идоралари томонидан 19 ёшли Ҳожирасулов 25 кг гилос ўғирлаганлиги учун қамоққа олинган ва жиноий жавобгарликка тортилган⁶.

Иккинчидан, ҳар доим ҳам қилмишнинг ижтимоий хавфлилигига ҳаракат ёки ҳаракатсизлик таъсир этайвермайди ва буни онгли равишда асосий хусусият деб тан олиш терминологик ва мазмуний жиҳатдан хатоликни келтириб чиқаради. Чунки, жиноят фақатгина ижтимоий хавфли қилмиш билан эмас, балки шахс билан ҳам алоқадор. Зеро, ижтимоий хавфли қилмиш шахс ички дунёсининг ташқи ифодасидир.

Шу боис мазкур масалада жиноий ҳодисага ижтимоий хавфли қилмиш билан бир қаторда шахснинг ижтимоий хавфлилиги хусусияти узвий боғлиқлик асосида ёндашилиши мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатининг мавжуд позицияси мазкур фикрни қуйидаги омиллар билан асослантириш имконини беради:

Криминологик омил. Криминологияда «жиноятчи шахси» мавзуси энг муҳим мавзулардан бири саналиб, унда шахснинг ижтимоий-демографик, жиноят-ҳуқуқий, биофизиологик жиҳатлари билан бирга, маънавий-руҳий белгилари атрофлича ўрганилади. Муайян жиноят содир этиш механизмида шахснинг ўрни, яъни унинг эҳтиёжлари, манфаатлари, мотив ва мақсадлари, ушбу мақсадга эришиш учун йўл, усул ва восита танлаш ёки қарор қабул қилиш, шунингдек қилмишни содир этиш давридаги руҳий ҳолатига алоҳида эътибор қаратилади. Бошқача айтганда, криминология жиноятчи шахсининг ижтимоий хавфлилик даражаси, мазкур ижтимоий хавфлилик хусусиятининг илк пайдо бўлиши ва ривожланиш қонуниятларини бир қатор илмий назариялар асосида ўрганади. Шунингдек, жиноятчи шахс билан боғлиқ муаммоларни ўрганишда эса, асосий эътибор шахсни ижтимоий-салбий хулқ-атвордан қайтариб, ижобий турмуш тарзига йўналтиришга қаратилади. Бинобарин, жавобгарликка тортишдан мақсад ҳам, уни жазолаш эмас, ахлоқан тузатишдир. Шу боис, криминологик тадқиқотларнинг асосини бежизга вояга етмаган, аёл

ва рецидив жиноятчилар ташкил этмайди. Бу эса, ижтимоий хавфли қилмишни эмас, балки уни содир этганнинг шахсини, ижтимоий-руҳий ҳолатини, жамиятга бўлган муносабатини ўрганиш ва шу асосда ижобий хулқ-атворини шакллантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, амалиётга тадбиқ этиш ва амалга ошириш лозимлигини тақозо этади.

Жиноий-ҳуқуқий омил. Маълумки, қонун чиқарувчининг ўзи жиноят ҳодисасини баҳолашда ижтимоий хавфли қилмишни эмас, балки ЖКнинг баъзи нормаларида шахснинг хусусиятларини, чунончи агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилигини англамаган, англаши мумкин ва лозим бўлмаган ёки унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етмаган ва ишнинг ҳолатларига кўра кўзи етиши мумкин ва лозим бўлмаган ҳолда қилмишни содир этганда (ЖК 24-м.) ёки жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатда қилмиш содир этилган вазиятларда эътиборга олиншини назарда тутган.

Бошқа бир мисолда, қонун чиқарувчи қасддан одам ўлдириш, баданга оғир ва ўртача оғир шикаст етказилганда шахс кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида бўлса, шахснинг бу ҳолатини енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, келиб чиққан жиноий оқибатга эмас, балки шахснинг хусусиятига урғу берган. Аммо шахснинг бу хусусиятини қасддан баданга енгил шикаст етказиш жиноятига татбиқ этмаган.

Жиноят-процессуал омил. Агар жиноий ҳодиса сифатида ижтимоий хавфли қилмиш тан олинар экан, унда содир этилган ҳодисанинг квалификациясини ва жавобгарликка тортиш масаласини ижтимоий хавфли қилмиш бўйича амалга оширмақ лозим. Бу эса, ижтимоий хавфли қилмиш (жиноят) содир этган ҳар қандай шахс жавобгарликка тортиши кераклигини англатади (ЖК 10-м.). Бироқ қонун чиқарувчининг бу борада шахснинг хусусияти бирламчи эканлигини қонуннинг бир қатор моддаларида қайд этиб ўтилган.

Чунончи, шахс жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтганда (ЖК 26-м.), ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганида (ЖК 65-м. 2-қ.) ёки чин кўнгилдан пушаймон бўлганида (ЖК 66-м.), шунингдек, ЖКнинг 67-моддаси (касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилиш), 70-моддаси (шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиш муносабати билан уни жазодан озод қилиш), 71-моддаси ва (Айбдорни чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш),

72-моддаси (шартли ҳукм қилиш)да кўзда тутилган ҳолатлар бўйича жинойий ҳодисани квалификация қилишда ва жавобгарлик масаласини ҳал этишда асосий белги тариқасида шахснинг хусусиятлари тан олинади. Буни яраштирув институтининг қўлланиш жараёнида ҳам кузатиш мумкин. Чунки, бунда шахс қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши, келтирилган зарарни қоплаши ва жабрланувчидан кечирим сўраши лозим ва бу талаб шахснинг жамиятдаги ўрни ҳамда шахсий хусусиятларини аниқлаш имконини беради. Агар ушбу вазиятда бирламчи белги сифатида ижтимоий хавфли қилмиш олинса, унда ҳар қандай вазиятда шахснинг жавобгарликка тортилиши лозимлиги талаб этилади. Бирламчи белги тариқасида шахс хусусиятининг олиниши эса, яраштирув институтини қўллаш орқали *аввало*, айбдор шахсни жавобгарликдан озод этиш ва тўғри йўлга йўналтириш, *иккинчидан*, тарафлар ўртасидаги низони бартараф этиб, ижобий муносабатларни тиклаш, *учинчидан*, тарафлар ўртасидаги мавжуд адоват орқасидан яна жинойят содир этилишининг олдини олиш каби имкониятларни беради.

Бироқ амалиётда шундай ҳолатлар учраб турадики, унда шахснинг тақдири унинг хусусияти билан эмас, балки содир этилган қилмиши, ҳатто процесс иштирокчиларининг ҳаракатлари билан боғлиқ ҳолда ҳал этилмоқда. Масалан, терговчи билимининг етарли эмаслиги сабабли эксперт олдиға кўйилиши лозим бўлган асосий саволнинг берилмаслиги натижасида ҳақиқий ҳолат тўлиқ ойдинлашмаган ёки худди шундай эксперт «енгил», «ўртача» оғирликдаги ёки «оғир» тан жароҳати деб хулоса бериши асосида жавобгарлик масалалари кўриб чиқилмоқда. Эътиборли томони шундаки, бугунги кун амалиётида ушбу берилган хулоса қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, шу асосда жавобгарлик ва жазо доирасини аниқлашнинг асосий белгиси бўлиб хизмат қилади. Ваҳоланки, ҳар доим ҳам етказилган тан жароҳати шахс томонидан тўғридан-тўғри (зўравонлик, тамагирлик каби мотивлар асосида) амалға оширилавермайди, бунга жабрланувчининг салбий ҳаракатлари (виктимологик омиллар) ҳам сабаб бўлиши мумкин, бироқ иккала ҳолатдаги шахсларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини бир хил деб баҳолаб бўлмайди.

Келтириб ўтилган ҳолатлар бевосита жинойят-процессуал қонунда исботлаш воситалари

орқали асосий эътибор содир этилган қилмишда жинойят таркиби мавжудлигини эмас, балки шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини аниқлаштиришға қаратишни талаб этади.

Жинойят-ижроия омил. Шахснинг хусусияти нафақат жинойятларнинг олдини олиш, содир этилган жинойий қилмишини квалификация қилиш ёки жинойят содир этган шахсга нисбатан жавобгарлик масаласини ҳал этишда, балки суд томонидан белгиланган жазонинг ижросини таъминлашда ҳам бирламчи ҳисобланади. Сабаби, агар жазо шахсга қилмишнинг ижтимоий хавфлиликдан келиб чиқиб тайинланган бўлса ва жазонинг ижроси ҳам шу нуқтаи назардан таъминланиши лозим бўлса, унда шахс белгиланган жазони ўз вақтида, тўлиқ ўташи (Масалан, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган маҳкум жазони тўлиқ ўташи) талаб этилади. Ваҳоланки, қонун чиқарувчи бу борада ҳам шахс хусусиятларининг устунлигини тан олади ва буни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш, қаттиқ тартибли жазони ижро этиш муассасасидан сақлаш шароити енгил жазони ижро этиш муассасасига ўтказиш ёки бир муассасада маҳкумларни турли шароитларда сақлаш каби тартибларни жорий этиш билан изоҳлаш мумкин.

Шу боис, жинойят-ижроия қонунчилигининг барча институтларини шакллантиришда жазолаш эмас, балки шахсни ахлоқан тузатиш тамойилига асосланиш шарт ҳисобланади.

Кўриниб турибдики, ҳуқуқ соҳаларининг биргаликдаги мажмуаси жинойятчиликка қарши курашишнинг мазмунини ташкил этади ва уларни бир-бирисиз алоҳида тасаввур этиб бўлмайди. Уларни бирлаштириб турувчи асос эса, «жинойят» ҳисобланади. Жинойят тушунчаси эса жинойят қонунида қилмиш нуқтаи назаридан талқин қилинган. Хулосаларимизға кўра, «жинойят» фақат ижтимоий хавфли қилмишдан иборат эмас, унинг юзаға келиши ва мавжудлигига шахснинг ижтимоий хавфлилиги ҳам бевосита таъсир кўрсатади ва шу боис қонунда «жинойят» тушунчасига янги таъриф бериш лозим.

Бироқ ижтимоий хавфли қилмиш содир этган «шахс»нинг ҳаракатини жинойят деб топилиши мантиққа зиддир, шунинг учун бу вазиятни қилмишни содир этиш реал хавфини келтириб чиқарган ёки ўзининг содир этган қилмишлари ёхуд ҳаракатсизилиги билан ижтимоий жиҳатдан хавфли хусусиятға эға бўлган «шахснинг ҳолати» деб эътироф этишни

мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки, бу борада ҳам қонун чиқарувчи илк қадамни қўйди. Буни 2010 йил 29 сентябрь куни қабул қилинган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунда кузатиш мумкин. Қонуннинг «Асосий тушунчалар» деб номланган 3-моддасида «ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган»га таъриф берилган бўлиб, унда бевосита вояга етмаганнинг «ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этаётган»лигига ҳам алоҳида урғу берилган.

Мазкур хулоса жиноят тушунчасининг мазмунини ўзгартирган ҳолда амалдаги ЖКнинг 14-моддасини қуйидагича янги таҳрирда бериш мумкинлигини талаб этади: *«Ушбу Кодекс билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш, шунингдек, шу каби қилмишни содир этиш реал хавфини келтириб чиқарган ёки ўзининг содир этган қилмишлари ёхуд ҳаракатсизлиги билан ижтимоий жиҳатдан хавфли хусусиятга эга бўлган шахснинг ҳолати жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади.*

Ушбу Кодекс билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади.

Жиноятга тайёргарлик кўрган ва жиноят содир этишга суиқасд қилган шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш реал хавфини келтириб чиқарган шахс деб топилади.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда ижтимоий хавфли ҳисобланмаган, аммо бошқа қонун нормалари билан тақиқланган бир неча қилмишларни содир этган шахс ижтимоий хавфли хусусиятга эга бўлган шахс деб топилади».

Афсуски, жиноят қонунида масалага шахснинг алоқадорлиги асосида ёндашиш муаммоси «жиноят» тушунчаси билан чегараланмасдан, «рециди» институтининг шакллантирилганлик ҳолатида ҳам мавжудлиги кузатилади. Сабаби, қонун чиқарувчи ЖК 34-моддасининг 1-қисмини «Шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади» мазмунида бериб, тушунарсиз ҳолатни келтириб чиқарган. Ва мазкур тушунмовчилик «рецидив» мазмуни шахсга эмас, балки жиноятга нисбатан талқин этилганлиги билан ифодаланади. Ваҳоланки, маълум бир жиноят илгари судланган битта ёки бир неча шахслар томонидан бир-

бирдан мустақил равишда бир неча марта-балаб содир этилса ҳам жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги ёки унинг таркибини ўзгаришига таъсирини кўрсатмайди. Мисол учун, «Х» исмли шахс алоҳида-алоҳида уч марта ўғирлик жиноятини содир этиб ҳар бири учун алоҳида-алоҳида бир мартадан, жами уч марта судланди дейлик. Ушбу ҳолатда «ўғирлик» жинояти ўзгармай қолаверади. Чунки, жиноят ўзгармас тушунча бўлиб, жиноят таркиби ўз ҳолича қолади. Шу боисдан жиноятга нисбатан рецидив тушунчасини ишлатиш мантиққа зид ҳисобланади.

Аслини олганда, «рецидив» тақрорийлик белгисини англашиб, назария ва амалиётда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланади. Бироқ айтиб ўтганимиздек, маълум бир турдаги жиноятни шахс судланмасдан ёки судланиб ўн мартабалаб содир этса ҳам «қилмиш»нинг ижтимоий хавфлилик даражаси ошмайди, зеро бу ҳолатда жиноят содир этишга кўникма ҳосил қилган ва бу фаолиятни одат тусига айлантирган «шахс» ижтимоий хавфли тусга эга бўлади. Буни қонун чиқарувчининг ўзи ҳам маълум даражада тан олади, чунки у ЖКнинг 34-моддаси 4,5,6,7-қисмларида рецидив тушунчасини ушбу модданинг 1,2,3-қисмлардаги каби жиноятга эмас, балки шахсга нисбатан ишлатган ва шу орқали бу борадаги ноаниқликни бартараф этишга ҳаракат қилган бўлса-да, бироқ бу уришиш модданинг қисмлари ўртасида зиддиятга олиб келиб, модданинг мазмунини тушунишда чалкашликларни келтириб чиқармоқда.

Демак, жиноят ҳамда уни содир этган шахснинг хусусияти ва мазмунидан келиб чиқиб ёндашилганида рецидив тушунчасини жиноятга нисбатан эмас, балки уни содир этган шахсга нисбатан қўллашнинг мантиқан тўғри эканлиги ойдинлашади. Шунинг учун ҳам бежизга қонун чиқарувчи ЖКнинг махсус қисмларида қилмишдаги оғирлаштирувчи ҳолатни рецидив жиноят билан ифодаланмасдан, хавфли рецидивист ёки ўта хавфли рецидивист мазмунига эга бўлган шахс билан тавсифлаганлиги фикримизни яна бир бор тасдиқлайди. Аммо эътиборли томони шундаки, қонун чиқарувчи гарчи содир этилган жиноятнинг оғирлаштирувчи ҳолати сифатида хавфли рецидивист ёки ўта хавфли рецидивист шахс ибораларидан фойдаланган бўлса-да, бироқ ЖК 34-моддасининг 1,2,3-қисмларида хавфли ва ўта хавфли рецидивист шахс эмас, балки жиноятнинг рецидивлиги, хавфли

ва ўта хавфли рецидивлиги тушунчаларига таъриф берган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қонунчиликдаги рецидив белгиси билан боғлиқ ушбу зиддиятли ҳолатни «рецидив» белгисини жиноятга нисбатан эмас, аксинча шахсга нисбатан қўллаб бартараф этиш мумкин ҳисобланади.

Хуллас, суд-ҳуқуқ соҳасида ислоҳотлар амалга оширилаётган, замон талабларига мослаштириб такомиллаштирилаётган бу даврда жиний-ҳуқуқий институтлар мазмунини акс эттирувчи терминларнинг мантиқий қўлланилиши, қолаверса, қилмишни квалификация қилиш, шахснинг айбдорлигини фош этиш, айбдорга нисбатан жазо тайинлаш ва унинг ижросини таъминлаш ҳамда шу асосда жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилиги институтларини шакллантиришда устувор мезон сифатида содир этилган қилмиш эмас, балки уни содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини белгилаб

олиш талаб этилади. Ва бу талаб *биринчидан*, жиноят-ҳуқуқий терминларнинг қайта ўрганилиши ва таҳлил этилишини; *иккинчидан*, қонун нормаларида жиноят-ҳуқуқий терминларнинг қайд этилишида мавҳумликка ва зиддиятли ҳолатларга чек қўйиб, аниқликка риоя этишни; *учинчидан*, маълум бир жиноят-ҳуқуқий институтнинг мазмунини акс эттирувчи жиноят-ҳуқуқий терминларни қонунчиликка жорий этишда аввало, ўша институтнинг ўзини ва терминнинг мазмунини, қолаверса, ушбу институтга алоқадор бўлган бошқа институтларнинг мазмунини чуқур ўрганлиши ва бири-бирига монанд бўлишини, *тўртинчидан*, жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилиги институтларини устувор мезон сифатида содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш эмас, балки уни содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятига асосланиб, шакллантириш ва тизимлаштириш лозимлигини қамраб олади.

¹ Зарипов З.С., Исмаилов И. Криминология.: Дарслик. – Т., 1996. – Б. 89.

² Ўша манба. – Б. 88.

³ Ўша манба. – Б. 89.

⁴ Э.Х.Нарбўтаев, Р.Кабулов. Жиноятчиликка қарши кураш сиёсати ва унинг ички ишлар органлари фаолиятида амалга оширилиши: Ўқув қўлланма. – Т., 2004. – Б. 89.

⁵ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А. Мадвалиев таҳрири остида. Бешинчи жилд. – Т., 2008. – Б. 291.

⁶ Қаранг: Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т. 10.–Т., 2002.– Б. 34.

Таянч иборалар: жиноят, жиноят содир этган шахс, рецидив, ижтимоий хавфлилик.

Муаллиф мақолада жиноят-ҳуқуқий тушунчаларни таҳлил қилиш асосида мазкур тушунчаларни шакллантиришда жиноят содир этган шахснинг тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритган. Жумладан, жиноят қонунидаги «жिनий» ва «рецидив» тушунчаларини бевосита бирламчи мезон сифатида жиноят содир этган шахснинг хусусияти билан алоқадорликда шакллантириш лозим деб эътироф этган. Шунингдек, мақолада у жиноят содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилик белгисига таянган ҳолда «жिनий» тушунчасига янгича таъриф берган.

Key words: crime, person who commits crime, relapse, social danger.

The article deals with the criminal legal notion, the role and significance of identity of the offender in formulation of these conceptions. Particularly, the author establishes the necessity of reprocessing the notions «Crime» and «Relapse» used in the criminal legislature by their content as separate criteria, significance of characterizing the identity who commits crime. The author offers the new definition for the content «crime» that is used as a sign of social danger of the person who commits crime.

Ключевые слова: преступление, лицо совершившее преступление, рецидив, общественная опасность.

Автор в статье на основании анализа уголовно-правовых понятий рассматривает роль, место и значение личности преступника в формировании этих понятий. В частности, обосновывается необходимость переработки используемых в уголовном законодательстве понятий «преступление» и «рецидив» непосредством включения в их содержание, в качестве отдельного критерия, особенностей характеризующих лицо совершившее преступление. Таким образом в статье предлагается новая редакция понятия «преступление», в котором используется признак социальной опасности лица, совершившего преступление.

ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ҲАҚИДА

Хуфиёна иқтисодиёт тўғрисида фикр юритилганда шуни таъкидлаш лозимки, бу ҳодиса кишилиқ жамиятининг ривожланиши билан боғлиқ юзага келган. Ўтган даврлар мобайнида унинг кўриниши, шакли, усуллари жамият ривожланишига мослашиб ўзгариб бормоқда.

Хуфиёна иқтисодиётнинг илк юзага келиши, унинг сабабларига нисбатан турли иқтисодчи ва сиёсатшунос олимлар, экспертлар томонидан билдирилган турлича фикрлар, қарашлар мавжуд. Жумладан, хуфиёна иқтисодиёт тарихини тадқиқ этган Россиялик олим В. В. Лунеев коррупция ва хуфиёна иқтисодиёт салбий ижтимоий ҳолат сифатида кишилиқ жамияти юзага келган пайдан бошланганини маълум қилади¹.

Шунингдек, тарихдан маълумки, қадимги давлатлар эрамиздан аввалги учинчи – иккинчи минг йилликларда Миср, Месопотамия, Хитой давлатларининг қонунчилик тўпламлари қабул қилинган бўлиб, ушбу тўпламларда ҳам иқтисодий, шу жумладан хуфиёна иқтисодий фаолиятга нисбатан жиноий жавобгарлик чоралари белгиланган.

Ўрта асрлардаги Араб мағрибида фаолият юритган жаҳонга машҳур олимлардан Ибн Халдун (1332-1406) тарихда биринчи бўлиб, қалбаки пул ясовчилар тўғрисида ўзининг илк фикр-мулоҳазаларини қолдирганлиги маълум. Ҳудди шунга ўхшаш ҳолат эрамиздан аввалги иккинчи асрда қадимги Парфияда қалбаки пуллар ясалганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Эрамиздан аввалги VI асрда Сулаймоншоҳ қонунларида ноқонуний равишда қалбаки пулларни ишлаб чиқариш билан шуғулланувчиларга нисбатан ўлим жазоси белгиланган².

Россиялик олим Ю.В.Латов хуфиёна иқтисодиёт тарихи, жиноятчилик шу жумладан иқтисодий жиноятчиликни инсоният жамиятининг бошланиши билан боғлаб, бу тушунчалар кейинчалик илмий доирага киритилганини маълум қилади³.

Иқтисодий жиноятчилик ва унга нисбатан жазо тўғрисида илк асар Англиялик Бернард Мандевиль томонидан 1705 йилда ёзилган. Мазкур асар шеърӣ услубда яратилган бўлиб, у «асаларилар ёки жисмоний шахсларнинг жамият фойдаси учун хизматлари» деб номланган. Тез орада бу асар кенг омма томонидан эътироф этила бошланган. Асарнинг бош ғояси оддий ва кутилмаган бўлиб, унда айрим индивидларнинг жиноий фаолияти жамиятнинг умумий фаровонлиги учун хизмат қилиши тўғрисида фикр юритилган. Шу асар ғоясидан кейин илмий адабиётларга «Мандевиль парадокси» деган тушунча кириб келган. Ушбу асарда муаллиф ғоявий эксперимент сифатида нотўғри фикрни илгари суриб, ўзининг илгари сурган гипотезаси нотўғри эканлигини исботлаб берган.

Хуфиёна иқтисодиётни тадқиқ этишнинг кейинги даври *иккинчи илмий мактаб сифатида эътироф этилади* ва у 1960 йиллар билан боғланади. Бу даврда машҳур АҚШлик олим Гэри Беккер ўзининг илмий асарида мамлакат иқтисодиётини ҳар томонлама мақсадли таҳлил қилиб боришни таклиф этади (1992 йилда олим ўзининг иқтисодий ғоялари, яъни «мамлакат миқёсида микроиқтисодий таҳлил ишларини ҳар томонлама юритиб бориш мамлакатнинг иқтисодий фаровонлигини таъминлашда индикатор вазифасини бажаради» каби ғоялари билан Нобель мукофотига созовар бўлган). Олимнинг инсон капитали, иқтисодий оилалар, жамият танлови назарияси каби муаммолардан ташқари, айнан унинг муаллифлигида жиноий гуруҳлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига оид бир қатор фундаментал тадқиқот асарлар ҳам яратилган. Ушбу фундаментал тадқиқотлар орқасидан неонституционализм шаклланди дейиш мумкин.

Сўнгра 1968 йилда Г.Беккер томонидан Ф.М.Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо»

* Ўзбекистон Республикаси Давлат бошқаруви академияси мустақил тадқиқотчи-изланувчиси.

романига бағишланган «Жинойят ва жазо: иқтисодий ёндашув» дастурий мақоласи чоп этилди. Ушбу асар тез орада бутун ғарб иқтисодчи олимларининг илмий тадқиқотининг марказий ғояларидан бирига айланди.

Натижада, замонавий иқтисодиёт тарихида иқтисодий жиноятлар ва унга нисбатан жазолар бўйича илмий изланишлар кўпайиб борди. Жумладан ушбу масала юзасидан тадқиқот олиб борган Нобель мукофотиغا сазовор бўлган ғарблик олимлардан – 1976 йилда М.Фридман, 1982 йилда Д.Стиглер, 1986 йилда Дж.М.Бьюкенен каби машҳур олимлар ҳам бу борада илмий асарлар яратганлар. Бугунги кунда АҚШ ва Ғарбий Европа давлатларида иқтисодиёт назарияси билан бирга иқтисодий-криминологик тадқиқотлар ҳам олиб борилди. Бу борада ҳали МДХ доирасида илмий тадқиқотлар олиб борилиши тўғрисида маълумотлар жуда кам эди.

Хуфиёна иқтисодиёт тарихига нисбатан замонавий қарашлар яъни, 1990 йиллардан кейинга даврларга назар солинадиган бўлса, бу борада ҳам олимлар, экспертлар томонидан турлича фикр-мулоҳазалар билдирилган. Жумладан, Байкалорти Давлат университети (Забайкальский Государственный университет) антикризис бошқарув, молия ва кредит кафедраси мудирининг иқтисод фонлари номзоди Ю.В.Буров томонидан олиб борилган тадқиқотларда келтирилишича, 90-йилларда дунёнинг ривожланган давлатларида хуфиёна иқтисодиётнинг ҳажми ЯИМга нисбатан ўртача 12 фоизини ташкил этган. Ўтиш даври иқтисодиётига хос бўлган давлатларда ЯИМга нисбатан 23 фоизни, ривожланаётган давлатлар иқтисодиётида эса ЯИМга нисбатан 39 фоизни ташкил этиши маълум қилинган⁴.

Экспертлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, дунё бўйича барча мамлакатларда ЯИМнинг ўсиши билан биргаликда хуфиёна иқтисодиёт ҳажмларида ҳам ўсиш тенденциялари кузатилмоқда, деган хулосага келинган. Хусусан, 1970-1975 йилларда АҚШ миллий иқтисодиётида хуфиёна иқтисодиётнинг тутган ўрни мамлакат ЯИМга нисбатан 4 фоиз деб берилган бўлса, ушбу кўрсаткич 1997 йилга келиб 8,9 фоизни ташкил этган, 2000 йилга келиб эса 12 фоизни ташкил этганлиги маълум қилинади. Шундай ўсиш

тенденцияси бошқа давлатларда ҳам кузатилган. Жумладан, Германияда 5 фоиздан 12,5 фоизга, Италияда 11 фоиздан 24 фоизга қадар ошганлиги маълум қилинган⁵.

Хуфиёна иқтисодиёт бўйича Д.Кауфман ва А.Калиберд томонидан 1989,1992,1995 йилларда дунёдаги мамлакатлар миллий иқтисодиётида хуфиёна иқтисодиётнинг тутган ўрнини аниқлаш борасида олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, шу давр мобайнида собиқ Совет иттифоқи республикалари орасида хуфиёна иқтисодиёт ҳажмининг кескин камайиш ҳолати Ўзбекистон Республикасининг миллий иқтисодиётига тегишли эканлиги кўрсатилади. Яъни 1989 йилда республикада хуфиёна иқтисодиёт ҳажми ЯИМга нисбатан 12 фоизни ташкил этган бўлса, 1992 йилга келиб ушбу кўрсаткич 11,7 фоизни, 1995 йилга келиб эса 6,5 фоизни ташкил этганлиги маълум қилинади⁶.

Бошқа олим М.Ласко эса айнан шу даврда Ўзбекистон миллий иқтисодиётида хуфиёна иқтисодиётнинг мамлакат миллий иқтисодиётида тутган ўрни ошиб борганлигини маълум қилади. Яъни эксперт томонидан 1989 йилда Ўзбекистон миллий иқтисодиётида хуфиёна иқтисодиёт ҳажми ЯИМга нисбатан 12 фоизни ташкил этган бўлса, 1992 йилда 26,4 фоизни, 1995 йилда 29,5 фоизни ташкил этганлиги маълум қилинади⁷.

Шу давр оралиғида икки тадқиқотчи гуруҳнинг бир-биридан фарқига назар солинадиган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётида Д.Кауфман, А.Калибердлар томонидан 1989 йилга нисбатан 1992, 1995 йилларда хуфиёна иқтисодиёт кўламидининг камайиб бориш тенденцияси кузатилса, яъни 1992 йилда 1989 йилга нисбатан 0,3 фоизга, 1995 йилда 1989 йилга нисбатан 5,5 фоизга камайганлиги кўрсатилса, М.Ласко томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаси бунинг аксини кўрсатди, яъни ушбу даврда Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида хуфиёна иқтисодиёт ҳажмининг ошиб бориши кузатилади. Жумладан, 1992 йилда 1989 йилга нисбатан 14,4 фоизга ошган бўлса, 1995 йилда 1989 йилга нисбатан 17,5 фоизга ошганлиги маълум қилинган.

Фикримизча, иқтисодиёт назарияси нуқтаи назаридан қаралганда хуфиёна иқтисодиётнинг вужудга келиши ибтидоий жамоа

тузумидан бошланган. Бу ҳол энг аввало қабила (уруғ) бошлиғи қабила томонидан бойликни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида қабила бошлиғи ушбу бойликни бошқаларга нисбатан ўзига кўпроқ тақсимлаш имкониятига эга бўлганлигидан пайдо бўлган. Айнан шу жараёнда у ҳоҳ давлат арбоби бўлсин, ҳоҳ жамоа бошлиғи ёки хўжалик бошлиғи бўлсин, у табиий ресурслар, пул маблағлари, молиявий ресурсларни тақсимлашда бошқаларга нисбатан юқори имкониятга эга бўлган ва айрим ҳолларда мазкур имкониятлардан ўз манфаатлари учун фойдаланганлар.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, хуфиёна иқтисодиёт тарихининг ривожланиш босқичлари инсоният жамияти пайдо бўлиб,

унинг биринчи уруғ-қабилалари ташкил топган даврларданоқ, яъни иқтисодий муносабатларнинг шаклланиш жараёни бошланган даврларданоқ юзага келган, ривожланган. Давр ўтиши билан хуфиёна иқтисодиётнинг кўриниши, шакли, намоён бўлиш соҳалари ўзгариб келган. Мавзу доирасида олиб борилган тадқиқотлар натижасидан шу нарса аён бўлдики, хуфиёна иқтисодиёт мамлакатлар миллий иқтисодиётининг ажралмас «соя»си сифатида намоён бўлган. Давлатлар томонидан фақатгина мамлакат миқёсида хуфиёна иқтисодиёт кўламини минимал даражага тушириш ёки уни маълум бир даражада ушлаб туриш учун турли ҳил воситалар, жумладан, ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа механизмлар ёрдамида амалий чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

¹ <http://jurnal.amvd.ru/indviewst.php?stt=107&SID=>

² <http://www.proza.ru/2009/03/25/757>

³ <http://ecsocman.hse.ru/text/19193046/> Латов Ю.В. Экономика вне закона. (Очерки по теории и истории теневой экономики). М.: Московский общественный научный фонд, 2001. – 156 с.

⁴ «Вестник-экономист» 2012 №4 (Электронный научный журнал). www.vseup.ru/static/articles/Burov_2.pdf

⁵ *Schnaider F., Enste D.* Increasing Shadow Economies All Over the World – Fiction or Reality? A Survey of the Global Evidence of their Size and of their Impact from 1970 to 1995. <http://www.economics.uni-linz.ac.at/Members/Schneider/EnstSchn98.html>

⁶ *Kaufmann D., Kaliberda A.* Integrating the Unofficial Economy into Dynamics of Post-Socialist Economies: A framework for Analysis and Evidence // Development Discussion Paper № 558. Harvard Institute for International Development. 1996.– P. 81-120.

⁷ M. Hidden economy - an unknown quantity? Comparative analysis of hidden economies in transition countries, 1989-1995 // Economics of Transition. 2000. – Vol. 8.– № 1.– P.117-145.

Таянч иборалар: хуфиёна иқтисодиёт, иқтисодий жиноятчилик, қалбаки пул яшаш, инсон капитали, иқтисодиёт тарихи, иқтисодий-криминологик тадқиқотлар, антикризис бошқарув

Мақолада хуфиёна иқтисодиётнинг юзага келиши, тарихий ривожланиш босқичлари, хуфиёна иқтисодий фаолиятга қарши курашда дастлабки давлатлар тарихидан маълумотлар берилган. Шунингдек, хуфиёна иқтисодиёт бўйича илмий тадқиқот олиб борган бир қатор олимларнинг фикр-мулоҳазалари келтирилган.

Key words: shadow economy, economical crimes, counterfeiting of coins, human capital, history of economy, economical and criminological investigation, anti-recessionary management.

In the article the author investigates historical stages of origin and development of shadow economy, discloses the main reasons of its existence in modern society, forms and methods of states' struggle against shadow economy. On the bases of critical analyses of materials of foreign and domestic scientific literature the dynamics and the main trends of development of shadow economy of some developed and developing countries are explored.

Ключевые слова: теневая экономика, экономической преступление, фальшивомонетничество, человеческий капитал, история экономики, экономико-криминологические исследование, антикризисной управление,

Статья посвящена процессам исследования исторических этапов формирования и развития теневой экономики. Автор раскрывает основные причины возникновения и развития теневой экономики. Исследуются вопросы борьбы государств с теневой экономикой. Автором изучены и обобщены результаты научных исследований многих зарубежных и отечественных ученых и различных школ. Кроме того в статье анализируется динамика теневой экономики некоторых развитых и развивающихся стран. Критически изучены расчеты экспертов мира а также различие научных подходов ученых методики расчетов теневой экономики.

БАДАНГА ТАН ЖАРОҲАТИ ЕТКАЗИШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ТАВСИФИ ТЎҒРИСИДА БАЪЗИ ФИКРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «Бугунги кунда ички ишлар идораларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва уларни мустаҳкамлаш борасида юсак малакали, профессионал кадрлар тайёрлаш масаласи муҳим аҳамият касб этади». Мазкур талаб ички ишлар идоралари учун тергов, тезкор-қидирув, эксперт-криминалистик ва жиноятларнинг олдини олиш фаолияти йўналишлари бўйича мутахассис-кадрлар тайёрлашга бевосита тааллуқлидир. Бунда бўлажак мутахассисларнинг криминалистика фанини чуқур ўрганиши, жиноятларни тергов қилиш методикасининг мазмуни ва ҳозирги замон босқичида ривожланиш тенденциялари ҳақидаги билимларга эга бўлишлари талаб қиланади.

Жиноят ишлари бўйича ҳақиқатни аниқлаш ва жиноят содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлигини таъминлашда криминалистиканинг ўрни биқиёсдир. Чунки кўрсатилган вазифанинг ижросини таъминлаш учун ҳар бир мутахассис келажақда қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар жиноятнинг криминалистик тавсифини билиши шарт. Шунинг учун у терговчи, суд, эксперт-криминалист, тезкор ходимнинг жиноятларни очиш, тергов қилиш ва судда жиноят ишларини ҳал этиш фаолиятида юзага келувчи объектив қонуниятларни ўрганади.

Жиноятларнинг криминалистик тавсифи — ўз ичига унинг ахборот моделини қамраб олади ва умумлаштирилган ҳолда жиноятнинг типик жиҳатлари ва хусусиятларини акс эттиради. Криминалистик тавсифида айнан бир турга кирувчи жиноятларнинг, масалан, босқинчиликларнинг нима учун бир-бирига ўхшаш эканлиги ўрганилади ва бу ўрганишнинг мақсади уларни муваффақиятли очиш ва тергов қилишга қаратилади. Бошқача айтганда, бу жиноятнинг илмий моделди бўлиб, унинг мазмуни амалий аҳамият касб этади.

Фикримизча, жиноятнинг криминалистик тавсифига қуйдагиларни киритиш мумкин: 1) жабрланувчи шахсининг типик тавсифи; 2) жиноятни содир этиш ва унинг изларини яширишнинг типик усуллари, шунингдек жиноятни содир этиш вақти ва жойи; 3) жиноятчи шахсининг типик тавсифи; 4) жиноят субъектив томонининг типик тавсифи киради.

Криминалистикага оид адабиётларни ўрганиш жиноятнинг криминалистик тавсифига асосан жиноят таркиби элементлари ЖПКнинг 82-моддасида қайд этилган ва исботланиши лозим бўлган ҳолатларга типик тергов вазиятлари, жиноятнинг типик излари жабрланувчи ва жиноятчининг шахсига оид маълумотлар киритилганини кўриш мумкин.

Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган барча жиноятлар ўзининг криминалистик тавсифига эга бўлиб, ҳар бир алоҳида турдаги жиноятларнинг криминалистик тавсифи қуйидаги элементларни ўз ичига олади: жиноят тўғрисидаги дастлабки маълумотларнинг типик тавсифи, у дастлабки ахборотнинг маълумотлар тизими сифатида ифодаланади, яъни: жиноятни қандай йўл билан содир этиш усуллари ва изларни яшириш усуллари, жиноятчи шахсининг эҳтимол тутилган жиноятни қандай мақсадларда содир этганлиги, жиний тажовузнинг типик жабрланувчисига оид маълумотлар, жиноятнинг қандай ҳолатлар ва шароитларда (жойи, вақти, содир этиш усули бўйича) содир этилиши тўғрисидаги ахборотдан ташкил топади ва ҳоказо. Юқорида кўрсатилган барча элементлар маълум тизимни ташкил қилади, яъни улар бир-бири билан боғлиқ бўлиб, ўзаро тобалик алоқаларига эга.

Шундай қилиб, жиноятнинг криминалистик тавсифи — бу барқарор бир хил хусусиятга эга бўлган алоҳида турдаги жиноятларнинг очилиши ва тергов олиб борилишига ёрдам берувчи аломатлар йиғиндиси. Жиноятлар криминалистик тавсифининг таркибий қисми

* Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси жиноят процесси кафедрасининг ўқитувчиси.

— бу жиноятнинг содир этилиш вақти ва жойи, жиноят содир этилишига тайёргарлик кўриш ҳолати, мақсади ва сабаби, жиноятнинг криминалистик белгиси— изларнинг ўзига хослиги, кенг маънодаги изларнинг пайдо бўлиши механизми, жиноятларни содир этиш ва изларни яшириш ҳисобланади.

Криминалистик тавсифни билиш терговчиларнинг суриштурув органлари билан ҳамкорлик шаклини, кечиктириб бўлмайдиган бир қанча тергов ҳаракатлари комплексини танлашни, жиноятчи шахс ҳақида тусмолларни илгари суришни, жиноят ишини қўзғатмасдан олдин ҳал қилиниши керак бўлган масалаларни аниқлашга ёрдам беради. Муайян жиноят турининг типик хусусиятидан келиб чиқиб тергов қилиш жараёнида терговчи ўзига аниқ тегишли бўлган айрим саволларни ажратиб олиши ва процессуал мустаҳкамлаши шарт. Жиноят ишини тергов қилишнинг типик дастурига исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар киради.

Соғлиққа оғир ва ўртача оғир даражадаги тан жароҳатни етказиш ҳар хил услубда амалга оширилади, бунда жароҳат етказишда қўлланиладиган қурол турлари таснифини ва жароҳат етказиш вақтидаги вазиятни аниқлаш лозим бўлади. Тан жароҳати электр токи, олов, қайноқ сув, кислоталар, ўқотар қурол, оҳак эритмалари, тўмтоқ буюм ва ҳоказолар натижасида етказилиши мумкин. Энг кўп тан жароҳатлари кесувчи ва тўмтоқ буюмлар билан етказилади. Аксарият ҳолларда бу жиноятни содир этишга тайёрлик кўрилмайди, аксинча, бу жиноят кўккисдан пайдо бўладиган оиладаги жанжаллар ёки жанжал қатнашилари-нинг жамоат жойларида (кўчада, дискотекада, ресторанда ва ҳоказо) спиртли ичимликлар, гиёҳванд ва психотроп моддалар исъте-мол қилиши натижасида келиб чиқади. Жанжалли зиддиятларнинг келиб чиқишига арзимас баҳоналар сабаб бўлиши мумкин, яъни ҳужум қилувчига нимадир ёқмаслиги, иштирокчиларнинг бирига кўпроқ эътибор қаратилиши, кўпол ҳаракатланиши, ножўя ҳаракати учун билдирилган фикр, ўйламай айтилган сўз. Зиддиятли ҳолатлар туфайли юзага келган жанжаллар айрим ҳолларда мушталашига айланиб кетади, яъни бундай ҳолларда қатнашчиларнинг ўрни ўзгариб жанжаллашувчи ҳимояланувчига айланиб қолиши мумкин. Бундай вазияларда қўлга тушган ҳар қандай пичоқ, тош, ёғоч, курси,

отверка ва шу каби бошқа буюмлар ишлатилиши мумкин. Бу турдаги жиноятлар асосан кечки пайт содир этилганлиги сабабли, жиноят изларини яшириш имкони йўқ. Соғлиққа шикаст етказиш жинояти кўрқитиш, қасос олиш мақсадида ҳам содир этилиши мумкин. Бу вазиятда жиноят куннинг ҳар хил вақтиларда, одамлар кам ёки умуман йўқ жойларда содир этилади. Жиноятчи ўзининг қурбонини қўлга тушириш мақсадида айрим ҳолларда пистирмада ётади ёки уни кузатиб юради. Асосан ҳужум қутилмаган ҳолатда бўлганлиги сабабли жабрланувчи зарурий мудофаа чораларини қўллаш имкониятига ҳам эга бўлмай қолади. Баъзан қутилмаган ҳолатда ҳужум қилинишидан катъи назар, ҳужум қилинувчига қаршилик кўрсатиш ҳоллари ҳам учраб туради. Барча ҳолларда ҳодиса содир бўлган жойдаги ашёвий далиллар орқали кейинчалик жабрланувчи ва ҳужум қилувчининг танасида, кийимларида жиноят қуролининг муайян излари борлигини аниқлаш мумкин. Бу турдаги жиноятнинг содир этилишида пайдо бўладиган излар бадандаги тан жароҳатлари, қон, кийимларда пайдо бўлган нуқсон излари ва микроизлар (тан жароҳати натижасида баданнинг юзасига етказилган муҳрсимон жароҳатлар, қурол изида бўлган ўзига хос белгиларни жабрланувчининг танасида зарба орқали акс эттирилгани, қатламсимон зарар, қурол қатламларидан узилиб тушган қатламли зарралар, баданнинг юза қисмига қуролдан ажралиб кириб қолган зарарлар) буюмлардаги тирналган, тилинган, санчиб тешилган ва хоказо турдаги жароҳатлар ҳодиса содир бўлган жойда бўлган одамларнинг излари, одам танасининг қисмлари (динамик ва статик), қўллар, оёқлар излари, олиб кетилган ва қолдирилган буюмлар ва бошқа ҳар хил нарсаларнинг излари. Босқинчилик туридаги жиноят ишини тергов қилиш давомида жиноятчининг шахси жиноят содир этишдан олдин ва кейин ўзини тутишдаги жамиятга қарши қаратилган ҳулқи билан таърифланади. Бу турдаги жиноятларни тергов қилиш методикаси юқорида таъкидланган ўзига хос хусусиятлар орқали аниқланади.

Жиноятнинг криминалистик белгилари — жиноят таркиби элементлари ва криминалистик тавсиф элементлари мавжуд воқеа, ҳаракат ва ҳодисаларни кўрсатадиган ҳолат. Улар тергов қилиш жараёни ва жиноят ишини қўзғат-

тиш масаласини ҳал қилишда қўлланилади. Шахси маълум ва номаълум шахслар томонидан муайян қурол ёрдамида соғлиққа оғир ва ўртача оғир тан жароҳати етказиш ҳолатини кўриб чиқиладиган жиноят турининг криминалистик белгилари деб айтиш мумкин. Жиноятнинг содир этилганлиги суриштирув ва тергов органларига айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз, фуқаро ва шахслардан келиб тушган аризалар, тиббиёт муассасаларига мурожаат қилган жабрланувчилардан маълум бўлади. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 324-моддасида фуқароларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда жиноят ҳақидаги аризаларни расмийлаштириш тартиби ва уларни қабул қилиш шартлари кенгайтирилган.

Амалиётда учрайдиган вазиятларда жиноят ишини кўзғатиш масалаларини ҳал қилиш жараёнида баъзи бир қанча хато ва камчиликларни кузатиш мумкин.

1. Оғир ва ўртача оғир даражада тан жароҳати етказилгани маълум шахс томонидан содир этгани кўриниб туради, лекин текширув ўтказилиши жараёнида бу фактлар тасдиқланмай қолади. Масалан, жабрланувчи касалхонага ички органи жароҳатланиши билан келиб тушади, суд-тиббиёт экспертизаси орқали соғлиққа зарар етказилишини аниқлаш даражасига кўра, бу соғлиққа оғир тан жароҳати етказилиши ҳисобланади. Жабрланувчи ўзига тан жароҳати етказган шахсни аниқ кўрсатади. Текширув натижасида жабрланувчининг чўнтагида пичоқ бўлгани, муштлашиш ва ёқалашиш вақтида зарба билан урилиб, жароҳат етказгани аниқланади. Жабрланувчи ўзига тан жароҳати етказган шахсни кўрсатишда хатоликка йўл қўйган ёки буни қасддан, тўхмат қилиш мақсадида амалга оширган. Бундай ҳолатлар тергов ходимларининг асоссиз хулоса чиқармаслиги учун тан жароҳати етказилиши вазиятини олдиндан синчиковлик билан ўрганмай, жиноят ишини кўзғатишга шошмаслиги керак деган фикр уйғотади. Бундай хулоса жиноят ишини кўзғатиб, тергов ҳаракатларини ўз вақтида олиб бориш ўрнига аксарият ҳолларда вақтнинг узоқ ва натижасиз текширувга сарф бўлишига олиб келади.

2. Бахтсиз ҳодиса натижасида жабрланувчининг соғлиғига зиён етказилган деган даслабки хулоса тергов олиб бориш жараёнида соғлиққа оғир ёки ўрта даражадаги тан жаро-

ҳати етказишга суиқасд ёки қасддан жароҳат етказиш бўлиб чиқади. Шундай жароҳатларга овда ов милтиғидан, ўрмонда, тоғда, саёҳатда ҳар хил буюмларнинг таъсиридан олинган тан жароҳатлари киради.

3. Дастлабки терговни олиб боришга имкон бермайдиган ҳолатлар, яъни соғлиққа зарар етказиш хабарини текшириш жараёнида соғлиққа етказилган зарарнинг даволаш натижаси энгил тан жароҳати бўлиши эҳтимоли бор.

Айрим амалиётда ишлайдиган ходимлар худди шундай вазиятда жиноят ишини кўзғатишга шошилмайдилар. Кўпгина жиноят изларини жабрланувчининг аҳволи жуда оғир аҳволда бўлган ёки вафот этганда аниқлаш анча мураккаб кечади. Жиноят ишини кўзғатиш масаласини ҳал қилишда тергов қилишнинг келгуси ютуқларини ҳисобга олиш билан бир қаторда жабрланувчининг қизиқишлари ва қонун талабларига қатъий амал қилиш зарурлигини унутмаслик керак. ЖКнинг 104-моддасига биноан қасддан баданга оғир шикаст етказиш аломатларига қуйидагилар, яъни содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавfli бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига, руҳий касалликка чалинишга ёки умуман соғлиғи бузилиб, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига ёки ҳомиланинг тушиши ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлиши; ЖКнинг 105-моддасига асосан қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш аломатларига: содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавfli бўлмаган ва ЎзР ЖК нинг 104-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, лекин соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоизидан ўттиз уч фоизигача йўқолишига сабаб бўлиши ҳолатлари киритилган.

Кўп ҳолларда тан жароҳати олиш фактлари йўл-транспорт ҳодисалари натижасида ҳам вужудга келади. Аммо бу жароҳатлар кўпинча эҳтиётсизлик оқибатида содир бўлади. Лекин баъзи ҳолларда ҳайдовчи шахс атайлаб бошқа бир шахсга қасддан тан жароҳати етказиши мумкин, лекин бу жиноятни яшириш

мақсадида автоуловда эҳтиётсизлик оқибатида уни уриб кетганлиги билан боғлиқ кўрсатувлар беради. Бу ҳолатни исботлаш учун терговчининг суд-психологик экспертизасини тайинлаши керак бўлади. Айнан шу экспертиза натижасида жиноятнинг субъектив томони аниқланади. Афсуски, амалиётда терговчилар бундай экспертизани тайинламайдилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги 2011 йил 15 ноябрдаги, 303-сонли Низомига асосан тиббиёт муассасалари томонидан йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида тан жароҳати олган ва ҳалок бўлган шахслар ҳақида ҳисоботларни олиб бориш, маълумот йиғиш ва таҳлил қилиш, маълумотларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини назорат қилиш учун мазкур Низомга 4-иловадаги шаклга асосан тиббиёт муассасаларида йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида тан жароҳати олган ва ҳалок бўлган шахслар ҳамда улар ҳақидаги маълумотларни қайд этиш китоби юритилади.

Тиббиёт муассасаларида йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида олган тан жароҳати туфайли тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган ёки муассасага келтирилган ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларида ҳалок бўлган шахслар ҳисобга олинади.

Тиббиёт муассасалари:

транспорт воситалари томонидан етка-

зилган тан жароҳати сабабли ёрдам сўраб мурожаат қилган шахслар;

йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида тан жароҳати олганлиги туфайли бошқа тиббиёт муассасаларига юборилганлар;

йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида тан жароҳати олганлиги туфайли ҳодиса юз берган кундан бошлаб ўттиз сутка ичида вафот этган шахслар;

йўл-транспорт ҳодисаларида тан жароҳати олган ва ҳалок бўлган шахсларни олиб келган транспорт воситаси, унинг ҳайдовчиси, бирга келган бошқа шахслар тўғрисидаги маълумотларни зудлик билан ички ишлар органларига хабар қилишлари шарт.

Тиббиёт муассасалари ички ишлар органларининг сўровномаларига асосан йўл-транспорт ҳодисалари туфайли даволанишга ётган, меҳнат қобилиятини йўқотган ёки биринчи тиббий ёрдамдан сўнг қатнаб даволаниши белгиланган шахслар ҳақидаги маълумотларни солиштириш учун имкон яратадилар ва тегишли ҳужжатлар (маълумотномалар)ни тақдим этадилар.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, баданга шикаст етказиш жиноятларининг криминалистик тавсифи бу ўзига хос тизим бўлиб, у жиноят содир этиш усули, механизми ва жиноятга алоқадор хусусиятлари ва уни содир этиш шароитларидан иборат бўлган ҳолда бундай жиноятларнинг очилиши ва тергов қилинишига ёрдам беради.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ички ишлар органлари ходимларига байрам табриги // Халқ сўзи.—2007.—25 окт.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Йўл-транспорт ҳодисаларини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2011 йил 15 ноябрдаги 303-сонли қарори //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.— 2011.— №45-46. — 476-м.

Таянч иборалар: криминалистик тавсиф, тан жароҳати, жиноят ишини кўзғатиш, дастлабки тергов, жиноят содир этиш усули, баданга шикаст етказиш турлари.

Мақолада баданга тан жароҳати етказишнинг криминалистик тавсифи тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилади. Муаллиф ўзининг тезисида баданга шикаст етказишнинг тўғри криминалистик тавсифининг алоҳида аҳамиятга эгаллигига эътибор қаратади.

Key words: criminalistics characteristic, physical injuries, criminal case excitation, preliminary investigation, a way of commission of crime, kinds of drawing of a physical injury.

In article questions criminalistics characteristics of crimes of the physical injuries connected with drawing are considered. The author proves the thesis that correct криминалистическая the characteristic has special value for qualitative investigation of the facts of drawing of physical injuries.

Ключевые слова: криминалистическая характеристика, телесные повреждения, возбуждение уголовного дела, предварительное следствие, способ совершения преступления, виды нанесения телесного повреждения

В статье рассматриваются вопросы криминалистической характеристики преступлений связанных с нанесением телесных повреждений. Автор обосновывает тезис о том, что правильная криминалистическая характеристика имеет особое значение для качественного расследования фактов нанесения телесных повреждений.

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Бутун дунёда XXI аср – ривожланган технологиялар асри дея эътироф этилмоқда. Бунинг нечоғлик тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатмоқда. Зеро, айна вақтда жаҳон аҳолисининг катта қисми, айниқса ёшлар замонавий компьютер технологияларидан фойдаланишни моҳирона ўзлаштириб олганлиги барчамизга кундек равшан. Бу жараёни нафақат корхона, идораларда, балки оддий болалар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Чунки мактаб ўқувчисининг қўлида ҳам сенсорли мобил алоқа воситаларини кўриш ҳаммамиз учун одатий ҳолга айланиб улгурди. Бундан энди ҳеч ким ҳайратланмайди.

Ушбу жараён мамлакатимизда ҳам тезкорлик билан ривожланиб бораётганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида ҳам «рақамли революция»нинг энг янги ва замонавий кўринишларидан фойдаланиш тобора оммалашмоқда. Бу биринчи навбатда ходимларга ишлаш учун қулай шароит яратиб берса, иккинчидан, бирор масалада мурожаат қилувчи фуқаронинг оғирини шунчаки тезлик эмас, зудлик билан енгил қилишга хизмат қилади. Бунинг яна бир муҳим сабабларидан бири эса замон талаби.

Ҳозир ривожланган замонавий «рақамли» ахборот технологиялари ижро ҳукуматининг ҳар қандай органи фаолиятини ахборотлаштириш ва уни янада такомиллаштириш борасида муҳим омилга айланиб бораётганлигини кўриш мумкин. Ривожланаётган ва тобора такомиллашиб бораётган технологиялар таълим, тиббиёт, оммавий ахборот воситалари каби соҳаларда кенг қўлланилмоқда ва ўзининг ижобий натижасини бериб келмоқда. Шундай экан, бу жараёндан четда

қолмай, «тезкорлик» воситаларини Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам янада кенгроқ қўллаш мақсадга мувофиқ. Чунки электрон хизматлар ёрдамида транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш учун навбатга туриш, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини ва ҳайдовчилик гувоҳномасини, янги кўринишдаги паспорт-виза ҳужжатларини олиш, йўл ҳаракати соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш, электрон кўринишда жиноят содир этилганлиги юзасидан ариза бериш, фуқаронинг шахсини, яшаш манзилини воқеа жойидаёқ аниқлаш ва бошқаларни амалга ошириш, шунингдек, жарималарнинг ҳар қандай кўринишини «интернет» орқали тўлаш имкониятини яратиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, юқорида санаб ўтилганларни ҳар бир фуқаро ўз мобил телефони ёки компьютери ёрдамида амалга ошириши мумкин. Бир сўз билан айтганда, фуқаронинг вақти, маблағи тежалади, қоғозбозликнинг олди олинади.

Шу ўринда мамлакатимиз ички ишлар органларида замонавий алоқа ва компьютер технологияларини қўллашнинг предмети бўлган ахборот тизими, уларни олиш ва фойдаланиш, бир сўз билан айтганда, ахборот-таҳлил фаолиятининг бугунги ҳолати ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Ички ишлар органларида фойдаланиладиган ахборот жиноятчилик ҳолати ва унга қарши курашнинг натижалари, тизимдаги бўлинмалар, куч ва воситалар ҳақидаги маълумотларни ўзида акс эттиради. Навбатчилик қисмлари, тезкор аппаратлар, эксперт-криминалистика бўлимлари, паспорт-виза аппаратлари ва бошқа бўлимларнинг, шунингдек ҳудудий профилактика инспекторларининг бирламчи ҳужжатлари, ҳисобга олиш

* Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг мустақил тадқиқотчиси.

журналлари ва бошқа манбаларда тезкор-қидирув ҳамда тезкор-маълумотлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

— содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар ҳақида;

— ҳуқуқбузар ва жиноятчилар ҳақида;

— автотранспорт воситалари ва уларнинг эгалари ҳақида;

— ўқотар куруллар ва уларнинг эгалари ҳақида;

— жиноий характерга эга далилий ашё, предмет ва воқеалар ҳақида ҳамда бошқа ахборотлар.

Юқорида санаб ўтилган маълумотлардан бўлинмалар фаолиятини ташкил этиш ва жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларга қарши амалий чоралар кўришда фойдаланилади.

Ички ишлар органларини ахборот билан таъминлашда жиноятлар ва уларни содир этган шахслар ҳақидаги бирламчи маълумотларни ҳисобга олиш асосий ўринни эгаллайди. Ҳисобга олиш – жиноят содир этган шахслар, жиноятлар ва улар билан боғлиқ далилий ашё ҳисобланган нарсаларни рўйхатдан ўтказиш ва сақлашдир.

Ахборот маркази хизматлари – ИИВ тизи-мидаги энг йирик тезкор-маълумот ва ахборотларни жамловчи, уларни қайта ишловчи ва қидирув базаси ҳисобланади. Ушбу марказ зиммасига ички ишлар органлари ва муассасаларини статистик, қидирув, тезкор-маълумот, жиноий, иқтисодий, ишлаб чиқариш, илмий-техник, архив каби турли йўналишлардаги ахборотлар билан таъминлаш вазифаси юклатилган. Бу ноёб, кўп тармоқли марказлашган ахборотлар тўплами – ҳисобга олинган ҳужжатлардир.

Ахборот марказлари ички ишлар органларини ахборот билан таъминлашнинг энг муҳим бўғинларидан ҳисобланади. Айнан уларга ички ишлар органларида жиноятлар қидирувини амалга ошириш ва фош этиш, жиноятчиларни қидириш жараёнида ахборот (статистик, тезкор-маълумот, тезкор-қидирув, криминалистик, архив ва бошқа ахборотлар) билан қўллаб-қувватлаш борасида энг оғир юк тушади.

Қайдлар ёрдамида жиноят-қидирув ишларини амалга ошириш, уларни фош этиш ва жиноят ҳақида огоҳлантириш, жиноятчиларни

қидириш, номаълум фуқароларнинг шахси ва уларга тегишли буюмлар аниқланади. Бундай маълумотлар туман, шаҳар ИИБлари статистик гуруҳлари томонидан шакллантирилиб, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот маркази хизматлари асосида маълумотлар банкига жамланади. Бундан ташқари, ҳисобга олиш ишлари паспорт аппаратларида ҳам амалга оширилади.

Шу билан бирга, ички ишлар органларида эксперт-криминалистика марказларида (ЭКМ) ташкил этилувчи ва сақланувчи марказий эксперт-криминалистик тўпламлар ва карто-текалар олиб борилади.

Асосий қидирув ва тезкор-маълумот ахборотлари шаҳар ва туман органларида шакллантирилади. Уларнинг бир қисми ўша жойда қолдирилса, қолгани ИИВ Ахборот марказига ягона маълумотлар базасини шакллантириш учун юборилади.

Дактилоскопик қайдлар жиноятчилар, қамоққа олинганлар, қўлга олинганлар, шунингдек номаълум беморлар ва шахси номаълум жасадларнинг шахсини аниқлашда ёрдам беради.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоят ИИБлари ахборот марказларида жамланган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот маркази томонидан марказлашган ҳолда тўпланиб борилади. Айни вақтда, ахборот марказларига келиб тушган мурожаатлар доирасидаги қидирувлар компьютер техникаси ва картотекалар ёрдамида амалга оширилиб, эҳтиёжлар қондирилади.

Ахборот марказлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилдаги «Маъмурий жазога тортилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги 39-сонли қарори ва ИИВнинг 2011 йил 25 ноябрдаги 165-сонли буйруғига мувофиқ, ўз ишини олиб боради. Ушбу ҳужжатларга асосан, сўнгги йилларда бошқа давлат ҳокимияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан аниқланган жиноят ва ҳуқуқбузарликка доир маълумотлар ҳам марказлаштирилган ҳолда жамлаб бориш ҳамда улардан ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашда самарали фойдаланишга доир чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирларга қарамай, ИИВ тизимида жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятларни иссиқ изидан тез ва сифатли очишда зарур ахборотларни олиш имконини берувчи ягона ва тезкор-мобил маълумотлар базаси мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот марказида бу борада зарур бўлган барча маълумотлар ҳам жамланмаган. Биргина ҳолат – шубҳа уйғотиб ушланган фуқарони яшаш манзили бўйича текширишнинг бугунги кунда манзил маълумотлар бюроси орқали амалга оширилиши ушбу соҳадаги маълумотларнинг ягона базага жамланмаганини яққол кўрсатади.

Қолаверса, таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот марказида тўпланадиган маълумотлар ҳажмининг катталиги сабабли, уларни ўз вақтида қайта ишлаш ва гуруҳлаштириб бориш мураккаблиги сабабли, амалиётда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар, автотранспорт воситалари ва уларнинг эгалари, ўқотар қуроллар ва уларнинг эгалари тўғрисидаги ва бошқа айрим маълумотларни ҳудудий ИИВ-ИИББ–ИИБ–ТИИБ ахборот марказларидан олиб, фаолиятда фойдаланиш кўпроқ самара бермоқда.

Жиноятчиликка қарши кураш ички ишлар органлари томонидан олиб бориладиган профилактика, кузатув ишларини тезкорлик билан ташкил этиш билан ўлчанади. Ўз навбатида, бу ишларнинг сифати ахборот қўллаб-қувватлашнинг сифати билан бевосита боғлиқ. Зеро, жиноятни текшириш, фош этиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш ёки бошқа ҳар қандай ҳаракат зарур ахборотларни олиш билан чамбарчас алоқадор. Айнан мана шу функция ва вазифалар ички ишлар органларини ахборот билан таъминлайди.

Замонавий ахборот технологияларини ички ишлар органлари амалий фаолиятига жорий этишнинг жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, жиноятларни иссиқ изидан тез ва сифатли очишга самарали хизмат қилишини инобатга олиб, ушбу тизимда мазкур соҳадаги ишларни жадаллаштириш талаб этилади. Фикримизча, бу борада қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва унинг қуйи тизимларида замонавий ахборот технологияларини қўллаш, фойдаланишни амалга ошириш ҳамда қизиқтираётган ахборотнинг олинисида тўлиқликни ва сифатни таъминлаш учун Ички ишлар вазирлиги тизимининг асосий вазифалари: ахборот ва телекоммуникация технологияларини янада такомиллаштириш, шунингдек ахборот тизимини автоматлаштириш, замонавий рақамли алоқа тизимини ривожлантириш, техник разведкага қарши кураш, ахборотларни техник жиҳатдан ҳимоя қилиш, ахборот ресурсларини шакллантириш ва амалга киритиш, идоралараро тезкор ахборот алмашиш, ахборотлаштириш соҳасида давлат ва идоралар дастурларини амалга ошириш, давлат органлари хизматларини электрон шаклда тақдим этиш ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотларни ҳимоя қилиш бошқармасини ташкил этиш айна муддао. Бошқарманинг ташкил этиладиган ИИВ Ахборот-таҳлил бош бошқамаси қошида ва у билан узвий ҳамкорликда иш олиб бориши унинг фаолиятининг муҳим шартларидан биридир.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоят ИИБлари, шаҳар ва туман ИИБларда келиб тушадиган ахборотларни йиғувчи, умумлаштирувчи, таҳлил қилувчи ҳамда ушбу ахборотларни орган ёки хизмат ахборот базасига киритувчи махсус ахборот-таҳлил гуруҳларини ташкил этиш керак (чунки ахборот маркази ички ишлар органларига тегишли барча ахборотларни тўпламайди). Бу тизим ахборот алмашинувини, бошқарув қарорларини қабул қилишда тезкорликни, аниқлик ва мақбулликни оширишга ҳисса қўшади.

Ушбу жараёнда, биринчи навбатда, Вазирлик тизимидаги хизматлар тезкорлигини таъминлаш ҳамда тезкорликка эришиш мақсадида, бутун эътиборни ходимларга ИИВ ахборот ресурсига кира олиш имкониятини берувчи технологик инфраструктуранини ташкил этишга қаратиш лозим.

Учинчидан, идоравий технологик инфраструктура ташкил этилганидан ва ички ишлар органлари бўлинмалари муҳим техник уску-

налар билан таъминланганидан, шунингдек ахборотлар техник ҳимояланганидан сўнг эса аҳоли билан ишловчи барча бўлинмалар ва уларнинг ходимлари учун базага маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган мобил телефони ёки компьютер орқали масофадан туриб кириш имкониятини берувчи тизимни ишлаб чиқиш зарур бўлади. Ушбу тизим ходимларга ИИВ ахборот тизимидан қидириладиган фуқаролар, автомобиллар тўғрисидаги маълумотларни ёки соҳага оид ҳар қандай ахборотни ишончли тарзда тезкорлик билан олиш имкониятини беради. Бу тизим жорий этилиб, тезкор ахборотнинг ўз вақтида олиниши натижасида минглаб жиноятларни иссиқ изидан фош этишга шароит яратилади.

Демак, ушбу тизимни жорий этиш орқали нафақат ходимларга, балки фуқароларга ҳам бир қанча қулайликлар яратилади. Яъни яқин келажакда фуқаро ўз шахсини тасдиқлаши учун милиция бўлимига бориши талаб этилмайди. Профилактика инспектори ёки патрул гуруҳи бу ишни воқеа жойининг ўзида амалга ошириши мумкин. Масалан, бозор ёки кўчада бирор шахс шубҳа остига олиниб, тўхтатилади ва ундан шахсини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилинади. Бироқ фуқаронинг ёнида ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Ана шу пайтда ходим унга бириктирилган компьютер воситаси орқали фуқаро айтган маълумотларни қидирувга беради. Агар бу фуқаро ҳақидаги маълумот ягона ахборот базасига киритилган бўлса, у республиканинг қайси ҳудудида истиқомат қилишига қарамай, бу маълумот шу заҳоти экранда пайдо бўлади ва профилактика инспектори ёки патрул гуруҳи ва албатта, фуқаро ҳар қандай «бош оғриғи»дан кутулади. Бу жараёнда шахс ва у тўғридаги маълумотлар ҳимояланган бўлади ёки бошқача айтганда, унинг шахсий маълумотлари албатта сир сақланади.

Бинобарин, бугунги кунда амалдаги қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига кўра Ахборот марказларининг фаолияти фақат Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБларида йўлга қўйилгани ва шаҳар ҳамда туман ИИБларида ахборот марказларининг фаолияти ташкил этилмаганлиги сабабли ички ишлар органлари ходимларининг битта талабнома учун ҳам

ИИВ–ИИББ–ИИБларга келиб-кетишини талаб қилмоқда. Бу эса уларнинг айрим туманлардан вилоят марказига 200 км.дан келиб кетишига, ортиқча вақт ва маблағнинг сарфланишига олиб келмоқда.

Таклиф этиладиган тизимни яратиш ва шакллантиришда *ахборот хавфсизлиги* муҳим ҳисобланади. Чунки вазирлик тизимидаги маълумотлар ахборотларни сақлашга оид турли қонунлар ва норматив ҳужжатлар билан ҳимояланади. Бу давлат сири ёки фуқаролар ҳақидаги шахсий маълумотлар бўлиши мумкин. Асосий мақсад – ахборотларни, хусусан маълумотларнинг барча турларини янги ва техник жиҳатдан энг сўнги даражада сифатли ҳимоя қилишдир. Шу боис ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида фуқароларнинг қонун доирасида тегишли маълумотларни олиш механизмини кафолатлаш энг асосий жиҳатлардан бири ҳисобланади.

Идораларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини жорий этиш нафақат, Вазирлик маълумотлар базасини ташқи ҳуқуқбузарлардан, балки «ички» қонунбузарлардан ёки бошқача айтганда, «хафа бўлган» ходимлардан ҳам ишончли ҳимоя қилади. Айнан шундай ҳимоя механизмини ташкил этиш, уни йўлга қўйиш ва замон талаби ҳамда техника ривожланишига мутаносиб равишда доимий равишда такомиллаштириб бориш ўта муҳимдир.

Ушбу тизимнинг ўзаги хавфсизлик нуқтаи назаридан ички ишлар органлари ходимлари учун тизимга тўлиқ кириш ва тақдим этиладиган ахборотларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш имкониятини чегаралаб қўйишдир. Бундай ҳуқуққа фақатгина махсус ходимларнинг эга бўлиши янада тўғри бўлади. Аниқроқ айтганда, ҳар бир ИИВ ходимининг у ёки бу маълумотга, ходимнинг ахборот манбаига қилган мурожаатини ва ушбу ахборотни олишга бўлган муносабатини кузатиб боришни қатъий регламентга асосан белгилаб қўйиш зарур. Бу жараёни куйидагича изоҳлаш мумкин: Вазирлик тизимидаги ҳар қандай маълумот ягона ахборот базасига келиб тушади ва белгиланган қоидаларга асосан каталог кўринишида сақланади. Масалан, энг аввало бирор фуқаро тўғрисидаги базавий маълумотлар, яъни бу фуқаронинг

объектив маълумотлари киритилади. Шундан сўнг эса бу база кейинчалик ушбу фуқаро томонидан амалга оширилган ҳар қандай қонунга зид хатти-ҳаракатлар билан бойитиб борилади. Республиканинг исталган ҳудудида фаолият юритувчи ички ишлар органи томонидан бу фуқаро ҳақида маълумот қидирувга берилганида эса нафақат у ҳақидаги базавий маълумотлар, балки унинг айнан шу йўналишдаги барча ҳаракатлари тўғрисидаги ахборотлар тақдим этилади.

Тўртинчидан, ушбу жараёнда ИИВ ҳудудий бошқармаларининг тезкор-хизмат фаолиятини таъминловчи ҳамда амалдаги милиция ходимининг ахборотдан фойдаланиш ва уни тўлдиришида чалкашликка йўл қўймаслик мақсадида техник-дастурни ишлаб чиқишни ҳам унутмаслик керак.

Ягона ахборот базасининг бой ва етарли равишда маълумотларга эга бўлишини таъминлаш учун эса ИИВнинг ҳар бир бўлимининг Интернет билан жиҳозлаш, ҳимояланган алоқа каналига боғлаш, барча ахборотлар базасини ягона стандартда ишлаб чиқиш, ҳудудларда мавжуд бўлган тизимни умумлаштириш, барча вилоятларда қабул қилинувчи ҳудудий даражадаги дастурларни ишлаб чиқиш, ИИВ фаолиятини таъминловчи ягона ахборот-таҳлил тизими – глобал марказини ташкил этиш лозим. Бу ўзига хос архитектурага эга бўлган тизим Республика маълумотларни сақлаш, қайта ишлаш ва таҳлил маркази фаолиятини йўлга қўйишни назарда тутди. Бу фаолият давомида оддийликка эмас, балки айнан таҳлилга кўпроқ эътибор қаратилади деганидир. Яъни, қандай маълумот тўплангани, ким учун мўлжаллангани, қаерга юборилиши, қандай ҳимояланиши ва ҳоказо. Бу жараёнда биринчи ўринга, албатта, таҳлил, логистика ва бошқа масалалар чиқарилади.

Ички ишлар органлари фаолиятини маълумотлар билан таъминловчи ягона ахборот-таҳлил тизимини ташкил этишнинг негизи замонавий фойдаланиладиган яхлит умумлаштирилган маълумотлар базасидир. Тизимнинг шаклланиши ИИВнинг барча функциялари тақсимланган, ҳалокатларга чидамли маълумотларни қайта ишлаш марказида автоматлаштириш ҳисобланади.

Шундай қилиб, яхлит умумлаштирилган маълумотлар базасини шакллантириш

босқичи, энг аввало, идорага тегишли барча маълумотларнинг умумлашган шаклини яратиш ҳамда умумий кириш имкониятини яратишга қаратилган идораларнинг ягона маълумотлар базаси фаолиятини йўлга қўйиш билан бошланиши зарур.

Ушбу маълумотлар базаси ҳисоботларни яхлит ҳолга келтириш, ходимларга маълумот олиш ҳуқуқини бериш, ички ишлар органларининг махсус функцияларини бажаришларини таъминлаш керак. Тезкор-муҳим сўралаётган шахс ёки қидирилаётган объект ҳақида «шахсий йиғмажилд» шаклида комплекс маълумотларни тақдим этиш, шунингдек, жиноятчиликка қарши кураш, биринчи навбатда, жиноятни фош этишга йўналтирилган бўлиши талаб этилади.

Бундай усул қизиқтираётган объект ҳақида батафсил маълумотлар олиш имкониятини беради. Қўшимчасига, турли хизматлар томонидан тақдим этилган ахборот оқимини таҳлил қилишга ҳам кўмаклашади.

Тезкор-маълумот, қидирув, криминалистик, профилактик ва рўйхатга олинган қайдлар, маъмурий амалиёт ҳамда озодликка чиқарилган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатишни ўзлаштириш юқорида таъкидланган Комплексни ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини самарали амалга оширишнинг ахборот асосини таъминлайди.

Шахсларни, ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар ва уларни амалга оширганларни, уюшган жиноятчилик характерида эга ҳолатларни, экстремистик ҳаракатлар, ташкилотлар ва уларнинг иштирокчилари ҳақидаги тезкор аҳамиятга эга фотосуратлар базасини яратиш ва уларни умумлаштириш ИИБ органлари, хавфсизлик хизмати, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда махсус гуруҳларнинг жиноятчиликка қарши кураш ва антитеррор фаолиятида ўзаро ахборот асосларини шакллантиришни таъминлайди.

Давлат ва идоралар статистик ҳисоботларини шакллантиришда, жиноятчилик аҳолининг таҳлили, маъмурий амалиёт натижалари ва бошқарув тизими раҳбарияти қарорлари ижросини таъминлаш учун профилактик ишларни олиш боришда ривожланган таҳлил тизимини йўлга қўйиш зарур.

Бешинчидан, жамоат жойлари, хусусан кўчалардаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, шунингдек жамоат транспортида ўғрилиқ сонини камайтириш мақсадида, видеокузатув учун янги технологияларни жорий этиш, спутник кузатув-мониторинг тизимини йўлга қўйиш керак. Бу ҳам зарур ахборот билан таъминлашдек муҳим вазифага ўз ҳиссасини қўшади. Мисол учун, давлат ҳокимияти ва масъул идоралар фаолиятида профилактика, қидирув ва жинойтчиликни фош этиш ҳамда бошқа ҳуқуқбузарлик ҳаракатларининг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини қўллаб-қувватлаш ва шаҳар кўринишидаги аҳоли яшаш ҳудудларида жамоат тартибини сақлашда фойдаланилувчи техник, муҳандислик ва бошқа моддий воситалар Комплексини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу Комплексининг асосий муаммоси бу – инсон омилдир. Чунки оператор доимий равишда видеокамера ва бошқа тизимлардан келиб тушадиган ва маълум вақтда ўзгариб турадиган ахборотларни бир вақтнинг ўзида кузатиб туриш имкониятига эга эмас. Бу ҳолат эса ўз навбатида, келиб тушган ахборотга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вақтида муносабат билдирмаслиги ҳамда қутилмаган ҳолатлар фоизининг янада ортишига олиб келади. Инсон омил таъсирини камайтириш мақсадида кузатув тизимига вазиятни англаб етиш, видеокамералар кузатиш ҳудудида тезкор қарор қабул қилиш ва тегишли хулосалар чиқаришни талаб этиш вазифасини киритиш зарур.

Автоматлаштирилган «ақлли» тизим ўз кўриш майдонида юзага келган вазиятни Комплексга келиб тушувчи ахборотни доимий кузатиб боровчи оператордан ҳоли равишда автоматик ва узлуксиз тарзда таҳлил қилиш имкониятига эга. Шундай қилиб, тизим фавқулдда ҳолатни аниқлаган пайтда эксперт сифатида қатнашувчи ва ушбу ахборотни тасдиқловчи ёки рад этувчи операторга хабар беради. Агар шубҳали объект (инсон, одамлар гуруҳи, автомобил ва бошқалар) аниқланса, тизим автоматик тарзда уни кузатишни ва аниқлик киритишни бошлайди.

Ушбу Комплекс йўналишлари бўйича аниқ мисолларни келтириб ўтаемиз:

1-мисол. Дактилокартотека.

Тўпланиб қолган барча қоғоз кўринишидаги дактилокарталарни электрон шаклга ўтказиш ҳамда уларни ягона форматда ИИБ Республика маълумотларни сақлаш, қайта ишлаш ва таҳлил марказига жойлаштириш. Бу жинойт жойида дактилокарта ва қўл изларини текшириш имкониятини бериш билан бирга, бармоқ изларини, шахс ва номаълум жасаднинг кимлигини аниқлаш имконини ҳам беради. Натижада жинойтчини текшириш ва уни фош этиш тезлиги ортади.

2-мисол. Фото-идентификация. Бу – транспорт йўл тармоқлари ва бошқа хавфлилик даражаси юқори бўлган объектларда фуқаролар оқимини автоматик тарзда аниқлашга хизмат қилади. Шахснинг юзини таққослаш ИИБ Республика маълумотларни сақлаш, қайта ишлаш ва таҳлил марказидаги «жинойт» характерга эга шахслар базаси билан назорат-қидирув ёрдамида амалга оширилади.

Электрон кузатиш машинаси кириш назорат эшигига ўрнатилган юқори сифатли камерадан келаётган видеотасвирни дастлабки қайта ишлаш учун қабул қилади. Қабул қилинган видеоматълумотдан шахснинг юзи ажратиб олинади ва кейинги ишлаш учун серверга юборилади. Тасвирларда қидирилаётган шахс аниқланадиган бўлса, объект хавфсизлигини таъминлаш хизмати постига ҳамда ИИБ навбатчи ходимига хабар берилади.

Шу билан бирга, замонавий ахборот технологияларини параллел равишда таълим соҳасида ҳам қўллаш керак. Чунки ўқув юртларида ҳам бир қанча вақтдан сўнг амалиётга мутахассис кадр бўлиб чиқадиган фуқаролар билим олмоқда. Хавфсизлигимиз уларни қандай ўқитганимиз, уларга қандай таълим берганимизга боғлиқ. Барча энг яхши, замонавий усуллар фаолият йўналишига қараб, ҳамма ўқув юртларига мажбурий тарзда жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

Маълумки, «анъанавий» жинойтлар маст ҳолда ёки наркотик модда қабул қилган ҳолда амалга оширилади. Жинойтчиликнинг олдини олиш мақсадида турли операциялар ўтказиш бўйича услубий қўлланмалар сони етарлича. Бироқ «ахборот хуружи» («internet-addiction», «pathological internet use») тушунчасининг мавжудлиги ҳаммага ҳам маълум эмас.

Интернет тармоқларида гиёҳвандликка чақириш «қобилияти»га эга махсус ишлаб чиқилган мусиқалар («psychedelic music»), компьютер ўйинлари («psychedelic software») очикдан-очик таклиф этилмоқда. Мантиққа мос келмайдиган турли далиллар тўпланмоқда. Агар инсон гиёҳвандлик воситаларини одатий йўллар билан тарқатса, унга қарши амалдаги Жиноят кодексининг тегишли моддалари асосида жиноят иши қўзғатиш мумкин, ammo Интернет ёрдамида бу усулнинг аналоги амалга оширилганда эса, бу ҳолат жазосиз қолади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг кўпчилик қисми ҳатто, ахборотнинг қанчалар бузғунчилик имкониятларига эга эканлигини ҳам билишмайди. Баъзи яширин фаолият олиб борувчи секталар (гуруҳ) замонавий ахборот технологияларидан инсон ақли ва онгига таъсир ўтказишда усталик билан фойдаланмоқда.

Бугунги кунга келиб интернетга боғланиб қолиш муаммоси ҳақиқий муаммолар қаторига қўшилди дейиш мумкин. Чунки бу ҳолат доимий алкоголизм ёки турли ўйинларга бўлган ишқибозлик каби инсонда, унинг оиласи, иши, ўқишида асорат қолдиради, баъзи ҳолатларда эса уни жиноят содир этишга ундайди.

Питсбург университети профессори Кимберли Янг фикрига кўра, АҚШда интернетга боғланиш муаммоси эпидемия кўринишига бориб етган ва бундан ташқари, улар («сетеголиков») сони борган сари ўсишда давом этмоқда. Рухий касалликлар халқаро классификациясига (Diagnostic and Statistical Manual of Mental Disorders - Fourth Edition «DSM-IV», American Psychiatric Association, 1995) «кибернетик бузилиш» касаллиги киритилган.

Мамлакатимизда юқоридаги каби жиноятларнинг олдини олиш мақсадида ички ишлар органлари тизимида ахборот-таҳлил фаолиятини шакллантириш, уларни янада такомиллаштириш, ахборот марказлари (кейинчалик эса таклиф этилаётган ИИВ Ахборот-таҳлил бош бошқармасига бўйсунувчи Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси фаолиятини замонавий ахборот технологиялари билан таъминлаш зарур бўлади. Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш орқали аҳоли, айниқса ёшларнинг ахборот-технологик йўналишдаги онгини ўстириш, уларга интернет ва ундан фойдаланишнинг салбий оқибатлари ҳақида етарлича маълумотлар бериш, улар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш имконияти туғилади.

Антопольский, А.А. Правовое регулирование информационных объектов [Текст] / А.А. Антопольский // Проблемы информатизации. – 1999.– №3.

Информациология и информационная политика [Текст] / под. ред. Л.Г. Попова. – М., 1999.– С. 132.

Колин, К.К. Информационная глобализация общества и гуманитарная революция [Текст] / К.К. Колин // Alma mater (Вестник высшей школы). - 2002. - №8.

Основы управления в органах внутренних дел. Учебник / Под ред. д-ра юр. наук, проф. А. П. Коренева.– М., 2003.

Ипакян А.П. Организация и методика слежения за оперативной обстановкой, ее изучение и оценка. – М., 1989.

Таянч иборалар: ахборот хавфсизлиги, ахборот технологиялари, сенсорли мобил алоқа, ахборот-ресурслари, ахборот-қидирув базаси.

Мақолада ички ишлар органлари фаолиятида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишга доир маълумотлар берилди. Шунингдек, ИИВ тизимида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, Ахборот марказлари ишини ва ундаги ахборот базасини такомиллаштириш борасида тавсиялар келтирилади.

Key words: information security, information technologies, touch-sensitive mobile communication, information resources, information search base.

The article deals with problems of application of modern information technologies in the activity of the organs of internal affairs. Recommendations on guaranteeing information security in the system, improving the work of information centers and their infobase are given.

Ключевые слова: информационная безопасность, информационные технологии, сенсорная мобильная связь, информационные ресурсы, информационно-поисковая база.

В статье представлена информация, касающаяся применения в деятельности органов внутренних дел современных информационных технологий. Сформулированы рекомендации по обеспечению информационной безопасности в системе, совершенствованию работы информационных центров и их информационных баз.

ТЕРРОРЧИЛИККА ҚАРШИ ОПЕРАЦИЯ ЎТКАЗИЛАДИГАН ЗОНАДА БЕЛГИЛАНГАН ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Терроризм замонамизнинг энг хавfli ва мураккаб ҳодисаларидан бири бўлиб, тобора таҳдидли тус олмоқда. Ушбу ҳодиса одатда кўплаб инсонлар қурбон бўлишига, баъзида тикланмайдиган моддий ва маънавий бойликларнинг йўқ бўлишига олиб келади.

Терроризм ижтимоий-салбий ҳодиса сифатида давлат ва жамиятнинг ривожига ўта салбий таъсир кўрсатади. Террористик ҳаракатлар мамлакатдаги тинч ва осуда ҳаёт тарзини издан чиқаради, қанчадан-қанча бегуноҳ шахсларнинг бевақт ўлимига, давлат ва фуқаролар мулкининг нобуд бўлишига, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилишига, мамлакатдаги ялпи нотинчликка сабаб бўлади.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тўғри таъкидлаганидек, бугун терроризм «...ҳақида бутун жаҳон ҳамжамияти қайғурмоғи лозим»¹.

Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунида жойнинг ёки акваториянинг алоҳида участкалари, ҳаво бўшлиғи, транспорт воситалари, бинолар, иморатлар, иншоотлар, хоналар ҳамда террорчиликка қарши операция ўтказиладиган доирадаги уларга туташ ҳудудлар *террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зона* деб тан олинган². Қонуннинг 18-20-моддалари террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зонада ҳуқуқий тартиб (режим)га оид қоидаларни белгилаб беради.

Маълумки, бугунги кунда «ҳуқуқий режим» тушунчаси юридик фан соҳасида тобора мустаҳкам ўринга эга бўлмоқда. Ҳуқуқ тизимини ўрганиш давомида ҳар бир тармоқнинг ўзига хос тартибга солиш режими

бўлиши ҳамда айнан шу режимда тармоқнинг юридик ўзига хослиги мужассам эканлиги аниқланиши билан кўриб чиқиладиган тушунча ҳуқуқий воқеликнинг муҳим жиҳатларини ифодалаши равшан бўлиб қолади. Бундан ташқари, «ҳуқуқий режим» деб ном олган институтнинг мавжудлиги, ҳуқуқий воқеликда унинг аҳамияти ҳуқуқнинг институционал тузилма сифатида кўп мезонлилиги, кўп қирралилигидан, ҳуқуқни тавсифлашда нормативликнинг муҳим аҳамияти фақат биргина «нормалар тизими»дан иборат эмаслигидан гувоҳлик беради³.

Агар ҳуқуқни доимий динамик ҳолатда бўлади, деб ёндашадиган бўлсак, бунда у ўз институционаллигининг янги қирралари ҳамда жиҳатлари билан тўла намоён бўлади. Бундай ҳолатда ҳуқуқий тартибга солишни, унинг механизм, усул, тур каби жиҳатларини, шу жумладан, ҳуқуқий режимларни ҳам ҳар томонлама ўрганиш зарурати туғилади. Таъкидлаш жоизки, юридик адабиётда ушбу институтнинг мазмун ва моҳияти юзасидан муайян қарашлар мавжуд. Хусусан, ушбу тушунчага С.С.Алексеев қуйидагича таъриф беради: «Энг умумий тарзда уни тартибга солиш усули сифатида тавсифлаш мумкин. Мазкур тартибга солиш усули ўзаро бир-бирига таъсир этувчи ижозатлар, тақиқлар, позитив мажбурият юклашларнинг махсус бирикмасини билдирувчи ҳамда тартибга солишнинг алоҳида йўналишини ташкил этувчи ҳуқуқий воситалар мажмуида ифодаланади»⁴. Фикримизча, мазкур тушунчани мавжуд барча ёндашувларни умумлаштирган ҳолда ўрганиб, унга муайян объектнинг белгиланган ҳолати, ундан фойдаланиш, эгаллик қилиш, тасарруф этиш ҳамда тегишли

* Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари махсус фанлар цикли катта ўқитувчиси.

соҳада юзага келадиган муносабатларнинг тартиби, деган таърифни бериш мақсадга мувофиқдир.

Демак, ҳуқуқий режим – давлат томонидан ҳуқуқ нормалари кўринишида ўрнатиладиган ва давлат мажбурлов кучи билан таъминланадиган ҳуқуқий тартибга солишнинг махсус усулидир. Юқоридаги таърифдан ҳам кўриниб турибдики, ҳуқуқий режим муайян тартибнинг мавжудлиги билан боғлиқдир. Ўз навбатида, тартиб ўзида бир ҳаракатдан кейин бошқа ҳаракатни амалга оширишнинг технологик кетма-кетлигини намоён этади. Бу борада А.В.Малько ва О.С.Родионовлар тўғри таъкидлаб ўтганларидек, ҳуқуқий режимлар ижтимоий ҳаётнинг муайян соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар гуруҳини барқарор норматив тартибга солишни таъминлайдилар ҳамда муайян объектлардан самарали фойдаланишга кўмаклашадилар⁵.

Юқорида кўрсатиб ўтилган таҳлиллар бизга, ҳуқуқий режимни ўрнатиш учун муайян ҳаракатларни амалга оширишда технологик кетма-кетликка амал қилиш лозимлигини ва ушбу тартиб бузилган тақдирда ҳуқуқий нормаларнинг мавжуд воқеликка мос бўлмаслик ҳолатини келтириб чиқариши мумкинлиги тўғрисида фикр юритишга имкон беради.

Ҳар қандай ҳуқуқий режимнинг самарали фаолият юритиши биринчидан, мантиқий асослантирилган, иккинчидан, олдинги ҳаракатдан кейин қонуний ва кетма-кетлик асосида ҳаракат қилиш зарурлигини кўзда тутаяди. Масалан, техник жиҳатдан мураккаб тузилишга эга бўлган у ёки бу предметдан фойдаланишдан олдин, энг аввало, ундан фойдаланиш йўриқномаси билан танишиб чиқиш лозим. Чунки, предметдан фойдаланишга қўйилган минимал талабларни билмаслик, ўз навбатида, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Юқоридаги фикрлардан ҳам кўриниб турибдики, биз тадқиқ этаётган террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зонада ҳуқуқий режимга оид қоидаларни кўриб чиқиш билан боғлиқ масалаларни ўрганиш бугун терроризмга қарши кураш соҳасидаги қонун

ҳужжатларининг амал қилиш қилиш механизмини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади.

Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зонанинг чегаралари террорчиликка қарши операция ўтказиш раҳбарлари томонидан жойнинг хусусияти ва шароитларини, шунингдек, террорчилик ҳаракатининг кўлами ҳамда ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Қонунда террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зонада мазкур операцияни ўтказаяётган шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

зарурат бўлганда транспорт воситалари ва йўловчиларнинг кўча ва йўлларда ҳаракатланишини вақтинчалик чеклаш ёки тақиқлаш, транспорт воситаларини, шу жумладан дипломатия ваколатхоналарининг, консуллик муассасаларининг ва фуқароларнинг транспорт воситаларини жойнинг айрим участкаларига ва объектларга киритмаслик, фуқароларни жойнинг айрим участкаларидан ва объектлардан чиқариб юбориш, шунингдек махсус рухсатномаси бўлмаган транспорт воситаларини шатакка олиб чиқариб ташлаш чораларини кўриш;

жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текшириш, бундай ҳужжатлар бўлмаганида уларнинг шахсини аниқлаш учун ушлаб туриш;

ҳуқуқбузарликлар содир этган ёки террорчиликка қарши операция ўтказувчи шахсларнинг қонуний талабларига тўсқинлик қилишга қаратилган, шунингдек террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зонага рухсатсиз кириш ёки киришга уриниш билан боғлиқ ҳаракатлар содир этган шахсларни ушлаш ва тегишли органларга олиб бориш;

агар кечиктириш жисмоний шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғини, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид соладиган бўлса, террорчилик ҳаракатига чек қўйиш, уни содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни таъқиб этиш учун корхоналар, муассасалар

ва ташкилотлар ҳудудига ҳамда хоналарига, турар жой ва бошқа жойларга, ер участкаларига, транспорт воситаларига сутканинг исталган вақтида монеликсиз кириш (ошиб тушиш);

террорчиликка қарши операция ўтказилаётган зонага кираётган (транспорт билан киришда) ҳамда мазкур зонадан чиқаётган (транспорт билан чиқишда) жисмоний шахсларни шахсан кўриқдан ўтказиш, улардаги ашёларни, транспорт воситалари ҳамда бу воситаларда олиб ўтилаётган юкларни назорат қилишнинг техник ва бошқа воситаларидан фойдаланган ҳолда синчиклаб текшириш;

жисмоний ёки юридик шахсларга тегишли алоқа воситалари, махсус алоқа воситаларидан, шунингдек транспорт воситаларидан (чет эл давлатлари дипломатия ваколатхоналари ҳамда бошқа муассасаларининг, халқаро ташкилотларнинг алоқа ва транспорт воситаларидан ташқари) террорчилик ҳаракатининг олдини олиш, террорчилик ҳаракатини содир этган ёки содир этишда гумон қилинаётган шахсларни таъқиб қилиш ва ушлаш, ҳодиса жойига етиб бориш, тез тиббий ёрдамга муҳтож бўлган шахсларни даволаш муассасаларига олиб бориш учун хизмат мақсадларида фойдаланиш;

террорчиларга нисбатан қурол ва жанговар техниканинг мавжуд турлари ҳамда махсус воситаларини қўллаш.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигида террорчиликка қарши операция ўтказиш зонасида ўрнатилган ҳуқуқий режимни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган (масалан, Россия Федерацияси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекси 20.27-моддаси⁶, Туркменистон маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 348-моддаси⁷).

Қонунчиликда мазкур ҳудудларда террорчиликка қарши операция ўтказувчи шахсларнинг қонуний талабларига тўсқинлик қилиш, шунингдек вақтинча ҳуқуқий режим ўрнатилган террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зона (объект)га рухсатсиз кириш ёки киришга уриниш ёхуд оммавий

ахборот воситалари вакилларининг террорчиликка қарши операция ўтказилаётган зонада ўрнатилган ҳуқуқий режимни бузганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган. Бу эса, қонун мазкур нормаларининг ижросини таъминлашда ҳуқуқий бўшлиқни юзага келтиради.

Юқоридагиларга асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ:

1) 29-модданинг биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

Маъмурий қамоққа олиш уч суткадан ўн беш суткагача муддатга, фавқулодда ҳолат ёки террорчиликка қарши операциялар ўтказиладиган зонада ўрнатилган ҳуқуқий режим талабларини бузганлик учун – ўттиз суткагача муддатга қўлланилади. Маъмурий қамоққа олиш туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан, фавқулодда ҳолат ёки террорчиликка қарши операциялар ҳуқуқий тартиби шароитида эса, шунингдек ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи ёхуд террорчиликка қарши операциялар ўтказиладиган зонада мазкур операцияни ўтказиётган шахслар томонидан белгиланади.

2) Кодексни қуйидаги мазмундаги 205¹-модда билан тўлдириш:

205¹-модда. Террорчиликка қарши операция ўтказиш зонасида ўрнатилган ҳуқуқий режимни бузиш

Террорчиликка қарши операция ўтказувчи шахсларнинг қонуний талабларига тўсқинлик қилиш, шунингдек вақтинча ҳуқуқий режим ўрнатилган террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зона (объект)га рухсатсиз кириш ёки киришга уриниш,

энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўттиз суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Оммавий ахборот воситалари вакилларининг террорчиликка қарши операция ўтказилаётган зонада ўрнатилган ҳуқуқий режимни бузиши, террорчиликка қарши

операция ўтказишининг махсус техникавий усулларини ҳамда тактикасини очиб берадиган, террорчиликка қарши операция ўтказилишини қийинлаштириб қўядиган, жисмоний шахслар ҳаёти ва соғлиғига хавфни келтириб чиқарадиган, террорчиликни тарғиб қилишга ёки оқлашга кўмаклашадиган, террорчиликка қарши операция ўтказилаётганда бўлинмаларнинг ходимлари тўғрисидаги, шунингдек уни ўтказишга кўмаклашаётган шахслар тўғрисидаги ахборотларнинг тарқатиши, энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз

бараваригача миқдорда жарима солишга ҳамда террорчиликка қарши операция ўтказилаётган зонада ўрнатилган ҳуқуқий режимни бузишга асос бўладиган материалларнинг мусодара қилинишига сабаб бўлади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, терроризмга қарши курашиш соҳасида қонунчиликни ислоҳ қилиб, ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, бунда мамлакатимиз ва хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш давр талабидир.

¹ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т., 1998. – Б. 89.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001. – № 1-2.– 15-м.

³ Қаранг: Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т., 2007. – Б. 779-780.

⁴ Қаранг: Алексеев С.С. Теория права. – М., 1995. – С.239.

⁵ Қаранг: Малько А.В., Родионов О.С. Правовые режимы в российском законодательстве // Журнал российского права. 2001.– №9. – С. 37.

⁶ <http://www.consultant.ru/popular/koap/>

⁷ www.turkmenistan.gov.tm

Таянч иборалар: Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуни, ҳуқуқий режим, ҳуқуқий режим ўрнатиш, терроризмга қарши операция ўтказиладиган зона, террористик ҳаракатларнинг ижтимоий хавфлилигининг ҳажми ва даражаси.

Мақолада террорчиликка қарши кураш учун ҳуқуқий режимни ўрнатишда муайян ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида технологик кетма-кетликка амал қилиш лозимлиги таҳлил қилинади. Ушбу тартиб бузилган тақдирда ҳуқуқий нормаларнинг мавжуд воқеликка мос бўлмаслиги ҳолатини келтириб чиқариши мумкинлиги тўғрисида атрофлича фикр юритилади.

Key words: terrorism, level of social danger of terrorist acts, anti-terrorist operation, zone of conduct of an anti-terrorist operation, legal regime, legal order, liability for violation of legal regime in the zone of conduct of an anti-terrorist operation.

In the article the author discloses peculiarities of legal regime in the zone of conduct of an anti-terrorist operation, analyses problems of ensuring of the legal regime and prosecution of persons violating its demands.

Ключевые слова: Закон Республики Узбекистан «О борьбе с терроризмом», правовой режим, установление правового режима, зона проведения антитеррористической операции, объемы и уровень общественной опасности террористических действий.

В статье анализируется необходимость следования технологической последовательности при осуществлении определенных действий при установлении правового режима. Обосновывается, что случае нарушения данного порядка режим возникнут ситуация не соответствия правовых норм имеющейся действительности.

«АЛКОГОЛИЗМ» ВА «ИЧКИЛИКБОЗЛИК» ТУШУНЧАСИ ВА БУНДАЙ ИЛЛАТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРИ ҲАҚИДА

Дунёнинг аксарият мамлакатларида ичкиликбозлик, кашандалик, заҳарвандлик ва гиёҳвандлик каби миллат генофондига, инсон зурриётига, насл-насабига ўта салбий таъсир этувчи касалликлар, зарарли одатлар кўпайиб бормоқда. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, инсонлар онгига саломатликни сақлаш ўз қўлларида эканлигини сингдириш, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилишни ҳуқуқий жиҳатдан, тегишли қонунлар билан чеклаш орқали ҳал этиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи, қолаверса, у ёки бу мамлакатдаги қонунчилик тажрибаси яққол кўрсатмоқда.

Бу борада, албатта, «алкоголизм», «ичкиликбозлик» каби тушунчалар моҳияти ва бундай иллатларнинг салбий оқибатларини чуқур англаш, ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

«Алкоголь» сўзи асли арабча «ал-куҳл» сўзидан олинган бўлиб, айрим манбаларда таъкидланишича, «ўткир кукун», «оловли сув» деган маънони англатади¹. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «алкоголь – майин, кукун, спирт маъноларини англатиб, молекулалари таркибида кислород ва водород атомлари гуруҳи бўлган бирикмалар, спиртлар, арақ, вино спирти ва умуман спиртли ичимликлардир», деб қайд этилган². Фасмер луғатида «нем. «alkohol» ёки голл. «alkohol» ва исп., порт. тилларидаги «alcohol» арабча «al-kohl» сўзидан олинган бўлиб, «кукунли сурма» деб таржима қилинади», бошқа луғатда «спиртли ичимликлар маъносини англатувчи алкоголь сўзи араб тилида «майдаланган ўткир кукун» маъносида қўлланилади. Бошқа бир луғатда ёзилишича, «алкоголь этимологияси ўрта асрлардаги арабча لِحْكُلْ (al-kuhl) сўзига бориб тақалади ҳамда «кукунли сурма»

маъносини англатади. XVII асрга келиб Европа тилларида ушбу сўзнинг маъноси кенгайиб, у орқали қаттиқ жисми бевосита буққа айлантириш натижасида олинадиган барча маҳсулотлар тушуниланган». Умуман, бундай маҳсулотларга этил спиртидан ёки таркибида этил спиртли бўлган маҳсулотлардан ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари киради. Унинг қуйидаги турларини ажратиш кўрсатиш мумкин: истеъмол қилиш учун яроқли этил спирти; спиртли ичимликлар, шу жумладан арақ, вино, шу жумладан, табиий вино.

Қайд этиш жоизки, «алкоголизм» атамаси 1849 йилда швециялик шифокор ва жамоат арбоби М.Гусс томонидан организмнинг спиртли ичимликлар кўп истеъмол қилиш таъсирига тушиб қолишини англатувчи касаллик тушунчасини ифодалаш учун фанга киритилган³. Алкоголизм – ашаддий ичкиликбозлик, спиртли ичимликларни саломатликка ва меҳнат қобилиятига зарар етказадиган даражада, мунтазам равишда меъёридан ортиқ истеъмол қилиш туфайли юзага келадиган ва инсоннинг маънавий қиёфасини издан чиқарадиган касаллик шаклларида бири. М.Ҳ.Рустамбаев алкоголь спиртли ичимликларнинг кўп ичилиши оқибатида юзага келишини таъкидлайди⁴. М.Усмоналиевнинг қайд этишича, алкогольли ичимликларни муттасил равишда истеъмол қилишнинг оқибатидир. Спиртли ичимликлар ичишни суиистеъмол қилиш кишининг алкогольли касалига йўлиқишига сабаб бўлади. Алкоголли ичимликлар ичишни суиистеъмол қилиш фақат уни истеъмол қилган кишининг ўзигагина зарар етказиб қолмай, балки ижтимоий, иқтисодий, демографик ахлоқий ва бошқа салбий оқибатларга ҳам сабаб бўлади. Спиртли ичимлик истеъмол қилиш натижасида

* Тошкент Давлат юридик университети жиноят ҳуқуқи ва криминология кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси.

кишида мастлик, яъни организмнинг заҳарланиши юз беради. Изоҳли луғатларда «алкоголизм – ашаддий ичкиликбозлик, саломатликка ва меҳнат қобилиятига зарар етказадиган даражада, яъни мунтазам равишда меъёридан ортиқ спиртли ичимликлар ичиш, алкогольга берилиш натижасида келиб чиқадиган касаллик», деб таъриф берилган. Юридик энциклопедияда қайд этилишча, алкогольизм (инг. alcoholizm) – спиртли ичимликларга патологик ҳирс қўйиш (руҳий ва жисмоний мойиллик) билан, алкоголь истеъмол қилиш тўхтатилганда хумор синдроми пайдо бўлиши, кейинчалик самотоневрологик бузилишлар ва шахс руҳиятининг ўзгариши билан кечадиган хасталик⁵. Бу борада тиббиёт соҳаси мутахассисларидан С.Носирова «таркибида этил спирти бўлган ичимликларга ружу қўйиб қолишдан иборат касаллик алкогольизм ёки ичкиликбозлик дейилади», деб таъриф беради.

Ҳозирги кунда «алкоголизм» атамаси нафақат биологик ёки тиббий тушунча сифатида, балки ижтимоий тушунча сифатида ҳам қўлланилмоқда. Жумладан, «ичкиликбозлик» атамаси салбий ижтимоий ҳодиса сифатида, «алкоголизм» эса, одатда, касаллик сифатида баҳоланади. Ичкиликбозлик алкогольизмни юзага келтиради, аммо касаллик деб баҳоланмайди. Алкоголизм «одатга айланган ичкиликбозлик» ёки «ичкиликбозлик ҳолатидаги маиший турмуш» каби ўзига хос хусусиятлари билан ичкиликбозликдан фарқланади. Демак, алкогольизм нафақат тиббий, балки ижтимоий муаммо ҳамдир. Бу энг аввало, алкогольнинг мастлик ҳолатини келтириб чиқариши ва психотроп таъсири билан боғлиқ ҳисобланади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан алкогольизм шундай тавсифланади: спиртли ичимликларни истеъмол қилишга мажбурлик, бу ҳолат уларни сурункали ёки вақти-вақти билан истеъмол қилишда ҳамда алкогольга чидамлилиқнинг ўзгаришида (дастлаб организмнинг қаршилиги ошади, сўнг сусаяди) намоён бўлади.

Спиртли ичимликларни ичиш тўхтатилганидан сўнг инсон организмда соматик, вегетатив, чуқур неврологик бузилишлар, шунингдек, турли даражадаги ижтимоий номутаносибликлар пайдо бўлади. Тиббиёт илмининг

султони Абу Али ибн Сино шаробни – «заҳарнинг бир тури», деб бежиз таърифламаган.

Алкоголизм инсон организмни ишдан чиқаради, унинг маънавий-руҳий дунёсини бузади. Алкоголизмга дучор бўлган кишилар ўз ижтимоий вазифасини тўлақонли бажара олмай қолади, одамлар ўртасида обрў-эътиборини йўқотиб, кўпчилик назаридан қолади. Алкоголизм ҳодиса сифатида ижтимоий касалликлар қаторига киради, чунки у жамият аъзолари онгидаги ижтимоий, иқтисодий бузилишлар билан боғлиқ. Алкоголизмнинг келиб чиқишига ичимлик таркибидаги алкогольнинг сархушлантирувчи хусусияти, кайф берувчи кучи таъсир кўрсатади, яъни алкоголь инсонга гўё яхши кайфият бахш этади, уни дилкаш суҳбатдошга айлантиради, одамшинаванда, сахий, танти қилади. Лекин буларнинг барчаси ўткинчи ҳолат. Алкоголизмнинг айрим шахслар ҳаётида касаллик даражасига етишида оилавий, индивидуал-биологик, индивидуал-руҳий омиллар ва микроижтимоий муҳит сабаб бўлиши мумкин. П.С.Тоболкин таъбири билан айтганда, «ичкиликбозлик аҳоли саломатлигига зарар еткази, кўп ҳолларда оила бузилишига сабаб бўлиб, болалар тарбиясига сабий таъсир кўрсатади, ишлаб чиқаришга зиён етишига олиб келади».

Ичкиликбозлик ва алкогольизмнинг маълум ҳолатларга кўра, таснифлаш мумкин. Жумладан, бу борада илмий адабиётда бир неча таснифлар мавжуд:

1) алкогольни ҳар-ҳар замонда истеъмол қилиш; 2) алкогольни кўп истеъмол қилиш – спиртли ичимликларни мунтазам, яъни ҳафтада бир мартадан бир неча мартагача ёки бирваракайига ўртада танаффус билан кўп миқдорда (200 мл. дан ошиқ). Бу кўпинча алкогольизмга олиб келади; 3) алкогольизм - спиртли ичимликларга патологик (муттасил) ўрганиб қолиш билан тавсифланувчи касаллик.

Ўз навбатида, алкогольизмнинг биринчи, иккинчи ва учинчи босқичлари мавжуд. Касаллик инсон организмнинг ҳимояланиш имконияти тугаганида бошланади.

Биринчи босқичда организмнинг қаршилиқ кўрсатиш қобилияти 3-5 марта ошади, ичиш мунтазам бўлиб қолади, қатор кунлар тўхтовсиз ичишга лаёқат пайдо бўлади. Натижада одамда мунтазам ичиб туриш – алкогольга руҳан боғланиб қолиш (хумор қилиб туриш)

ҳисси пайдо бўлади, гарчи бунга қаршилик қилиш туйғуси тамоман йўқолмаган бўлса-да, уни рад этиш истаги ўқтин-ўқтин уйғонса-да, лекин алкоголь ғолиб чиқади. Кишида алкогольга ўрганиб қолиш оқибатида ичкилик билан боғлиқ вазиятлар, ҳолатлар – толиқиш, иш қобилиятининг пасайиши, асабийлик, турли касалликларнинг кучайиши пайдо бўлади.

Иккинчи босқич алкоголь амнезияси – бир кеча олдин бўлган воқеаларни тўлиқ эслай олмаслик аломати пайдо бўлганда бошланади. Ичкиликка ружу қўйиш бамисоли чанқоқлик, очлик ҳолатлари каби кўриниш касб этади. Ичиш вақти-вақти билан ёки мунтазам, амалда ҳар куни («бош кўтармай») ичиш тусини олади, одамнинг фикру зикри фақат ичишга қаратилади. Алкоголизмнинг бу босқичида алкоголь таъсирида кучли руҳий нохушлик юз беради. Одамда лоқайдлик, бефарқлик кайфияти авж олади.

Учинчи босқичнинг бошланишини алкогольга нисбатан организм қаршилигининг пасайганидан, ичкилик миқдорининг камайганидан билиш мумкин. Унинг бошланишида сурункали ичиш даври қисқаради, бунини ичувчилар ижобий ҳол сифатида баҳолайди, аслида, бу спиртли ичимликка нисбатан инсон организмда чидамлилигининг пасайгани аломатидир. Бундай ҳолатда кўпинча анча кучсизроқ ичкиликка ўтилади, соматик касалликлар (юрак, жигар, асабларнинг алкогольдан зарарланиши) ортади. Руҳий хасталик белгилари аниқ намоён бўлади. Сурункали алкоголь етказган руҳий нохушлик тез-тез хуруж қилади: галлюцинация, хотиранинг йўқолиши, ақлнинг пасайиши ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Аёллар, болалар ва ўсмирларда алкогольизм ғайриодатий ва оғир ўтади. Қайси жойда алкогольизмнинг тарқалиши юқори бўлса, ундаги ижтимоий вазият шунчалик нохуш бўлиши кузатилади. Ичкиликбозлик ва алкогольизм оқибатлари шахс ва жамиятга улкан зарар етказилади. Бугунги кунда илм-фанда алкогольнинг маълум даражаси инсон организмга зарарли таъсир кўрсатиши асосланган. Шунингдек, кунига 20 гр.дан зиёд бўлган спиртли ичимликни мунтазам қабул қилиш алкоголь захарланишга сабаб бўлиши мумкинлиги исботланган. Шунингдек, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумот-

ларига кура, алкоголь 15 ёшдан 50 ёшгача бўлган эркаклар ўлимнинг асосий омиллиги ҳисобланади. Ичкиликбозлик ва алкогольизм салбий оқибатларининг қуйидаги уч асосий жиҳатига тўхталиб ўтиш мумкин:

1) ичувчилар учун муаммолар: ўзини ўзи назорат қилиш қобилиятининг йўқолиши, қўполлик, бахтсиз ҳодисалар, алкогольдан захарланиш. Алкоголни узоқ вақт мунтазам қабул қилиш жигар циррози, саратон ва юрак-қон томир касалликларининг айрим кўринишларини келтириб чиқариши, озик-овқат етишмовчилиги, меҳнат қобилиятининг йўқолиши, алкоголь психозларининг ривожланиши, эрта ўлим ва ҳатто ўзини ўзи ўлдириш даражасига етиши мумкин;

2) ичувчилар оиласи учун муаммолар: оиладаги низолар, эр-хотин, ота ва она сифатидаги мажбуриятларни бажармаслик, моддий қийинчиликлар, нотўғри тарбия ва ёшлар ўртасида жиноятчилик.

3) жамият учун муаммолар: жамоат тартибининг бузилиши, йўл-транспорт ҳодисаси, бахтсиз ҳодисалар, меҳнат унумдорлигининг пасайиши, даволаниш билан боғлиқ ҳамда меҳнатга лаёқатсизлик учун тўланадиган нафақалар натижасидаги иқтисодий зарар, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш бўйича харажатлар ва ҳоказо.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига қараганда, ҳар йили автоҳалокатлар туфайли 100 мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмади, таъкидлаш жоизки, ана шу автоҳалокатларнинг 78 фоизи маст ҳолда содир бўлади. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар, ишга чиқмаслик, вақтинча ишга яроқсизлик, ногиронликлар туфайли ҳам мамлакат ривожини ва иқтисодиётига катта зиён етказилади. Спиртли ичимликларни суиистеъмол қилувчиларнинг умри тахминан 20 йилга қисқаради ва уларнинг ўртача умр кўриши 55 ёшдан ошмайди. Энг ачинарлиси шундаки, 20 фоиз бахтсиз ҳодисалар ва бевақт ўлимлар ичкиликбозлик ҳисобига содир бўлади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, ҳам тиббий, ҳам ижтимоий нуқтаи назардан алкогольизм инсоният учун ўта хавфли иллатлардан ҳисобланади. Тиббий нуқтаи назардан ёндашсак, ўлим ва ногиронликка олиб боровчи йигирма турдаги хатарли омиллар орасида алкоголь

маҳсулотлари истеъмоли етакчи ўринни эгаллайди. Тиббиётда спиртли ичимликлар истеъмолининг инсон генофондига салбий таъсири юқори экани, хусусан, ҳомиланинг турли нуқсон билан шаклланиши ҳамда туғилиши аллақачон исботланган. Масалан, француз шифокори Демма 28 йил давомида эр-хотин спиртли ичимлик истеъмол қилган 100 та оилани кузатган. Улардаги 57 нафар боланинг 25 нафари 1 ёшга етмай вафот этган, 5 нафари тутқаноқ билан оғриган, 5 нафарининг бош миясида сув йиғилган, 12 нафари ақли заиф ва фақат 10 нафари соғлом туғилган.

Ижтимоий жиҳатдан қараганда, содир этилаётган қотиллик, зўравонлик, фаҳш, безорилик каби аксарият жиноятларнинг сабаби асосан мастликда рўй берадиган руҳий инқироз эканлигини кўрсатмоқда. Жумладан, фуқаро Н. 2012 йил 6 июндан 7 июнга ўтар кечаси Самарқанд шаҳри Гагарин кўчасида жойлашган «Кинап» заводи рўпарасида, спиртли ичимлик истеъмол қилиб, мастлик ҳолатида жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимасдан, кўчадан ўтиб кетаётган Д.нинг олдига келиб, ҳеч қандай сабабсиз у билан жанжаллашиб, ножўя сўзлар билан ҳақоратлаб, унинг юзига мушти билан уриб, енгил тан жароҳати етказган. Агар спиртли ичимликлар истеъмоли 35 фоиз камайтирилса, қотиллик 40 фоизга, безорилик 25 фоизга қисқариши олимлар томонидан исботланган.

Шунингдек, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш кўп ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига ҳам туртки бўлади. Танлаб ўтказилган тадқиқотлар ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлар орасида 80% алкоголь маҳсулотлар истеъмол қилиши, хусусан, уларнинг 44% бундай ичимликларни мунтазам истеъмол қилиши аниқланган. Жамоат тартибини бузиш билан боғлиқ жиноятларнинг 90%га яқини маст ҳолда содир этилади.

Ичкиликбозлик айниқса, ёшлар онгига жиддий салбий таъсир кўрсатиб, уларни жиноят содир этишга ундайди. Бу эса, ўз-ўзидан алкоголь маҳсулотларининг вояга етмаганлар жиноятчилигидаги улуши салмоқли эканидан далолат беради. Бу борада Л.В.Шишова ичкиликбозлик айниқса, ёшлар онгига жиддий салбий таъсир кўрсатиб, уларни жиноят содир

этишга ундашени қайд этиб ўтади. Бу Собиқ Иттифоқ миқёсида алкогольли ичимликлар истеъмол қилиш 80-йилларнинг бошларида ёшлар, айниқса қизлар (70%) ва ўғил болалар (90%) ўртасида юқори бўлган.

Сурункали алкоголь истеъмол қилувчи шахсларнинг бутун дунё аҳлига нисбатан 20 йил кам умр кўришини ҳисобга олганда, муаммонинг долзарблигини янада яққолроқ англаш мумкин. Эркаларнинг ўртача умри аёлларга нисбатан камроқни ташкил этишининг боиси ҳам алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг суистеъмол қилинишидир.

Шу сабабли, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини тартибга солиш, тегишли ёшга етмаганлар учун чеклаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ушбу давр ҳуқуқшунослари алкогольизм ва ичкиликбозликнинг бошқа жиноятларни содир этиш учун замин бўлиб хизмат қилишини таъкидлайдилар. Хусусан, Б.А.Аҳмедовнинг қайд этишича, самогон ва шунга ўхшаш ўткир спиртли хонаки ичимликларни тайёрлаш ва истеъмол қилиш соғлиққа салбий таъсир этади, меҳнат интизомини сусайтиради, ижтимоий-ҳуқуқий тартиботнинг бузилишига, айрим ҳолларда эса, жамоат учун хавфли жиноятлар содир этилишига ҳам сабаб бўлади.

Ю.М.Каракетов ҳам ушбу масалага эътибор қаратиб, «ўлдириш, тан жароҳати етказиш тўғрисидаги жиноят ишлари билан боғлиқ ҳужжатларни ўрганиш натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, бундай жиноятлар кўп ҳолларда мастлик ёки гиёҳвандлик оқибатида содир этилади, ушбу тоифадаги жабрланувчилар 57,1%ни ташкил этади. Жумладан, 30,6% жабрланувчилар жиноят содир этилишидан олдин жиноятчи билан биргаликда спиртли ичимликлар ёки гиёҳванд моддалар истеъмол қилишган», деб ёзади.

Буюк ислом ҳуқуқшуносларидан Абу Ханифа «ҳад уришга лойиқ маст деб, гапира олмайдиган ёки гапни тушуна олмай қолган, эркак билан аёлнинг фарқига бормай қолган одамга айтилади», деб спиртли ичимликларни истеъмол қилишнинг жазога лойиқ қилмиш эканига баҳо берган бўлса, Абу Юсуф ва

Муҳаммад аш-Шайбоний «гапирганда алжирайдиган, гаплари аралаш-қуралаш бўлиб кетадиган одамни маст дейилади», деб мастликни таърифлаганлар. Ўз замонасида кўплаб ҳуқуқшунос олимлар спиртли ичимликларни истеъмол қилишни қоралаганлар. Алкоголизм ва жиноятчилик мураккаб диалектик векторлар билан боғланган бўлиб, бир томондан, алкогольли ичимликларни истеъмол қилиш қасддан ва эҳтиётсизлик орқасида, зўрлик ишлатиб, ғараз мақсадларда жиноятлар содир этилишига йўл очиб берса, иккинчидан, ғайриқонуний (жиноий) йўл билан топилган пуллар кўпинча спиртли ичимликлар сотиб олиш учун сарфланади. П.И.Сидоровнинг фикрига кўра: алкоголизм бу девиант хулқ-атворнинг, шахснинг ҳар қандай ғайриижтимоий ҳаракатларга тайёр бўлишига қараб деформацияланиши жараёнининг дастлабки босқичидир.

Бугунги кунда ҳам кўплаб ҳуқуқшунослар алкоголизм ва ичкиликбозликни турли жиноятларнинг содир этилишига таъсир этувчи омил эканлигини эътироф этадилар ҳамда уларнинг жиноятчилик билан боғлиқ бўлган ижтимоий-салбий хулқ-атвор шакллари орасида етакчи ўрин эгаллашини таъкидлайдилар. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, ушбу салбий ҳолатлар шахсни тўғри фикрлаш, оқилона қарорлар қабул қилиш ва ўзини ўзи идора этиш қобилиятига салбий таъсир этиб, уни жамиятда ўрнатилган тартиб-қоидаларни

менсимасликка, худбинликка, ўзини кўрса-тишга ва пировардида жиноят содир этишга ундайди. Ўз навбатида, алкоголь маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш эса мазкур вазиятнинг кенг илдиз отиши учун шарт-шароит ҳозирлайди.

Яқин вақтгача барча жиноятларнинг аксарият қисми маст ҳолда содир этилар эди. Мастлик ҳолатида содир этилган жиноятларнинг етказадиган зарари миқдори ниҳоятда кўпдир. Бундай қилмишларга ҳаётдан маҳрум қилиш, соғлиққа шикаст етказиш, одамлар шаъни ва қадр-қимматини камситиш ва ҳоказолар киради. Ичкиликка ружу қўйганлар ўз ҳаракатлари билан нафақат жабрланувчилар ва уларнинг қариндошлари, балки ўз яқинларини ҳам азоб-укубатларга гирифтор этадилар. Улар етказган маънавий зиён даражасини ҳисоблаб чиқишнинг иложи йўқ.

Демак, ичкиликбозлик ва алкоголизм жиноятчиликка етаклайдиган, уни «таъминловчи» муҳит ҳисобланади. Шу боис, барча жиноий қилмишларнинг каттагина қисми алкоголизм билан боғлиқ, деган хулосага келиш имконини беради. Шу нуқтаи назардан ёндашилса, илмий адабиётларда «алкоголизм билан боғлиқ жиноятчилик» деган атаманинг пайдо бўлгани тасодифий ҳол эмас. Мазкур атама мастлик ҳолатида содир этилган жиноятларга нисбатан қўлланилади.

¹ *Епишкин Н. И.* Исторический словарь галлицизмов русского языка. – М., 2010. Большая медицинская энциклопедия. 3-е изд. Т. 1. – М., 1974. – С.244-279.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Биринчи жилд. – Т., 2006. – Б.71.

³ *Абдуллаева Д.* Оила муҳофазаси – барқарорлик омили // <http://huquqburch.uz/uz/view/1212>

⁴ Уголовное право Республики Узбекистан. Особенная часть. – Т., 2002. – С. 129.

⁵ Ўзбекистон юридик энциклопедияси. – Т. 2010. – Б. 22-23.

Таянч иборалар: ичкиликбозлик, алкоголизм, соматик ва неврологик бузилишлар, алкоголизм ҳолатлари содир этиладиган жиноятлар, одатга айланган ичкиликбозлик, сурункали ичкиликбозлик.

Мақолада ичкиликбозлик ва алкоголизм тушунчаси, таърифи, моҳияти ва бундай иллатларнинг салбий, ҳуқуқий ҳолатлари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, алкоголизмнинг жиноятчиликка етаклайдиган омил эканлиги ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари билан асослантирилади.

Key words: alcohol addiction, alcoholism, somatic and neurologic deformation, offences committed in condition of alcoholic inebriation, habituation to alcohol, alcohol addiction.

The article deals with the notion, definition and essence of drunkenness and alcoholism, their negative and legal consequences, analysis of offences committed in condition of alcoholic inebriation.

Ключевые слова: пьянство, алкоголизм, соматические и неврологические деформации, преступления, совершаемые в состоянии алкогольного опьянения, привыкание к пьянству, хронический алкоголизм.

В статье излагается понятия, определения и сущность пьянства и алкоголизма, их негативных и правовых последствиях. А также обосновывается мнениями учеными-юристами, алкоголизма как основными причинами приводящий преступностью.

ДЕТИ ГРУПП СОЦИАЛЬНОГО И ПРАВОВОГО РИСКА: ОБЗОР НАУЧНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ И ПРОГРАММЫ ПРИМИРЕНИЯ

Понятие «дети группы риска» употребляется в медицине, психологии, социальной педагогике, социологии, криминологии. Само это понятие является общепринятым, однако существуют различные определения категории детей, включаемых в группу риска. Когда говорят о детях группы риска, подразумевается, что эти дети находятся под воздействием нежелательных, негативных факторов риска, которые могут сработать или не сработать¹.

Фактически речь идет о двух сторонах риска. С одной стороны, это риск для общества, который создают дети данной категории, ведь они представляют определенную опасность для окружающих и общества в целом, поскольку их поступки и поведение противоречат общепринятым социальным нормам и правилам. С другой стороны, категория детей группы риска рассматривается специалистами прежде всего с точки зрения того риска, которому дети постоянно подвергаются:

а) риска потери жизни, здоровья, нормальных условий для воспитания, обучения и полноценного развития;

б) риска появления девиантного поведения, попадания в наркотическую или алкогольную зависимость или зависимость от лидера криминальной группы;

в) риска совершить преступление под чьим-то влиянием, самостоятельно или в состоянии аффекта.

В социально-педагогическом понимании детей группы риска принято рассматривать как «категорию детей, которые в силу определенных обстоятельств своей жизни более других категорий подвержены негативным внешним воздействиям со стороны семьи,

общества и его криминальных элементов, ставших причиной их девиантного поведения и социальной дезадаптации»².

По мнению Л. В. Мардахеева, к детям группы риска можно отнести детей, которые в силу различных причин генетического, биологического и социального свойства приходят в школу уже психически и соматически ослабленными, социально запущенными, с риском школьной и социальной дезадаптации. При этом в группу риска входят педагогически и социально запущенные дети. Педагогически запущенные дети потенциально полноценны и здоровы, но имеют пробелы, отклонения в поведении и общении. Данная категория детей имеет высокую степень отчуждения от школы, но значимость семьи для них не утрачивается. Социально запущенные дети испытывают отчуждение и от школы, и от семьи. Ими усваиваются искаженные ценностно-нормативные представления и перенимается криминальный опыт в асоциальных подростковых компаниях и группировках³.

Факторы, детерминирующие беспризорность и социальную дезадаптацию детей, раскрыты в исследованиях Е. Г. Слуцкого⁴, который рассматривает следующие их причины:

– социально-экономические (экономический кризис, безработица, голод, эпидемия, миграционные процессы в связи с военными конфликтами или природными катаклизмами);

– социально-психологические (кризис семьи, увеличение разводов, потеря родителей, ухудшение климата в семье, жестокое обращение);

– психологические (увеличение числа несовершеннолетних, имеющих выраженные

* Руководитель отдела Республиканского центра социальной адаптации детей, кандидат философских наук.

психофизические аномалии, черты асоциального поведения).

Подростки «групп риска», как отмечает В. Н. Ткачев, «понятие собирательное, обозначающее высокую вероятность возникновения негативных отклонений от общепринятых социальных и правовых норм в поведении несовершеннолетних»⁵.

Таким образом, на основании различных мнений ученых можно выделить следующие группы факторов, которые обуславливают сущность категории «дети группы риска»:

1) психолого-педагогические особенности, которые отражают специфику социализации детей и причины, приводящие к социальной дезадаптации. «К группе риска относится категория детей, которые обладают слабой сопротивляемостью к факторам социального риска в силу возрастных и психофизиологических особенностей; они объективно (добровольно или нет) находятся в зоне реального или потенциального риска, проявляют различные формы социальной дезадаптации, выражающиеся главным образом в педагогической запущенности и трудновоспитуемости вследствие нарушения процесса их социализации»⁶;

2) влияние социальной среды, формирующей несовершеннолетнего преступника, совершающего антисоциальные действия;

3) неблагоприятные факторы семейного воспитания, безответственное отношение родителей к здоровью, образованию детей приводят к возникновению социальных отклонений в поведении детей. Они образуют социально-психологические факторы, характеризующиеся:

– дефектами в структуре общения, так как нереализованная в семье потребность в восполнении общения и понимания часто делает подростка уязвимым в отношении негативных воздействий асоциальных и криминогенных групп⁷;

– отсутствием социального контроля, невыполнением социальных ролей⁸, к примеру, безнадзорность подростков является наиболее доминирующим фактором риска в совершении ими правонарушений⁹;

– деструктивными детско-родительскими отношениями, стилями воспитания¹⁰, отвергающими и запрещающими дисциплинарные родительские методы, применение грубой физической силы, равно как и проявлениями беспринципности и непоследовательности в действиях родителей, характеризующими особенности семейной жизни многих подростков-девиантов; страх перед угрозами физического наказания чреват побегами из дома, деформацией представлений о семье, неприятием семьи;

– неблагоприятной эмоциональной атмосферой, отсутствием духовной и эмоциональной близости между родителями и детьми, неудовлетворением потребности в родительской любви, заботе и внимании. Это обуславливает «родительскую» депривацию или так называемое психическое состояние «сиротства» при живых родителях. Издержками подобной ситуации, в которой оказывается несовершеннолетний, являются отклонения в сфере эмоционального развития подростков (раздражительность, тревожность, импульсивность, черствость, агрессивность) и риск возникновения девиации¹¹;

– наличием в семье нездоровой нравственности (когда прививают социально нежелательные потребности и интересы, пропагандируется аморальный образ жизни¹², не сформированы духовные и культурные ценности¹³);

– педагогической несостоятельностью родителей и отсутствием целенаправленного сознательного воспитательного воздействия на ребенка (хаотичность воспитания, противоречивость в применении методов воспитания, потворствующая гиперпротекция или чересчур заниженные требования, педагогическая несостоятельность¹⁴), что также приводит к возникновению социальной дезадаптации, а также асоциальный образ жизни родителей, алкоголизм, наркомания, проявление жестокости к детям или судимость родителей и т.д.;

5) социально-экономические факторы. В значительной мере прямыми или косвенными предпосылками девиации подростков

являются плохое социальное положение семьи, материальное неблагополучие, т.е. дисгармония материальных потребностей и возможностей их удовлетворения, низкий уровень образования родителей¹⁵. Сюда же относят и экономический кризис, безработицу, различного рода природные катаклизмы, влияющие на материальное и социальное положение семьи;

6) медико-социальные факторы – инвалидность либо хронические заболевания детей, родителей и других членов семьи, пренебрежение санитарно-гигиеническими правилами и др.¹⁶;

7) социально-демографические факторы – неполная или многодетная семья, семья с несовершеннолетними родителями, семьи с повторным браком и др.

Кроме того, выделяют такие факторы, как:

– широкая демонстрация на телевидении и в Интернете фильмов и передач со сценами насилия, наличие в СМИ рекламы и сюжетов, пропагандирующих негативный образ жизни¹⁷, наносящих вред здоровью, нравственному и духовному развитию детей. По мнению А. А. Кирилловых, качество такой информации, ее доступность сегодня как никогда вызывают целый ряд проблем, касающихся прежде всего лиц, не достигших совершеннолетия. Деструктивные элементы жестокости, насилия, порнографии, пропагандируемые в СМИ, в компьютерных и электронных играх (в прямой или завуалированной форме), в Интернете и услугах мобильной связи, способствуют развитию у подростков антиобщественных стереотипов поведения (пьянство, потребление наркотиков и одурманивающих веществ, детская проституция¹⁸;

– непосещение детьми культурно-досуговых, культурно-воспитательных и спортивных учреждений, центров детского творчества;

– асоциальный образ жизни родителей, алкоголизм, наркомания, проявление жестокости к детям, судимость родителей и т.д.

Наличие всех вышеуказанных факторов социального риска не означает обязательного возникновения социальных отклонений в поведении детей, однако создает большую вероятность появления риска совершения

подростками правонарушений и преступлений.

Таким образом, на основе изучения материалов научной литературы и практики детей групп риска подразделяют на детей группы социального риска и детей группы правового риска.

Группу детей социального риска образуют: дети из неблагополучных, конфликтных, неполных семей, а также дети, имеющие родителей с асоциальным образом жизни и родителей с инвалидностью; педагогически запущенные (или трудновоспитуемые) дети и подростки, не посещающие уроки в школе, занятия в колледже, лицее, выпадающие из системы образования.

Не секрет, что отсутствие системы психолого-педагогической поддержки детей социального риска и их семей на ранней стадии неблагополучия приводит к тому, что ребенок лишается возможности стать полноценным участником общественной жизни и потенциально составляет группу правового риска.

Группу детей правового риска образуют: дети и подростки с делинквентным поведением, несовершеннолетние правонарушители, состоящие на учете в КДН и подразделениях профилактики органов внутренних дел; воспитанники и выпускники специализированных учебно-воспитательных учреждений (СУВУ); осужденные – воспитанники, содержащиеся в учреждениях исполнения наказаний.

Таким образом, наличие рисков, обусловленных социально-психологическим статусом несовершеннолетних, а также социально-экономическими, медико-социальными, социально-демографическими и другими факторами, способствующими формированию девиантного поведения у детей, свидетельствует о необходимости поиска эффективных методик и технологий социально-психологической поддержки и педагогической коррекции данной категории детей.

Такими технологиями в настоящее время являются восстановительные технологии, которые представляют собой комплекс социальных, превентивных и поддерживающих мер, направленных на раннюю профи-

лактику асоциальных тенденций среди несовершеннолетних. Они эффективны на ранних стадиях социального риска, связанного с семейным неблагополучием и направлены на предупреждение развития криминального поведения среди несовершеннолетних, а также на индивидуальный подбор мер эффективного воспитательного воздействия и по отношению к дезадаптированной семье. Дезадаптированная семья – это семейная система, которая не справляется со своими основными функциями и деструктивно воздействует на ребенка, интенсивно подвигая его к асоциальному, антисоциальному и криминальному образу жизни¹⁹.

Существует несколько программ восстановительных технологий, к ним относятся программы примирения в семье (или «семейные конференции») и «круги заботы». Программы примирения в семье дают возможность подростку и его семье выйти из конфликтной ситуации путем восстановления и укрепления, а не разрушения семейных связей, помогая устранить психологические травмы, осознать ответственность за свои поступки и принять меры к изменению негативных способов взаимодействия, так как нарушенные отношения в семье очень часто являются причиной криминальной активности подростков.

Программа примирения в семье предполагает, что родители и дети встречаются в спокойной обстановке и с помощью социального работника (можно и представителя КДН или махалли) выражают взаимные «претензии». Такие программы позволяют детям поверить в себя, оценить свои перспективы, брать на себя определенные роли в семье, школе, колледже, среди друзей, а затем и в

профессиональном мире. Родителям же программа примирения помогает принять морально одобряемые обществом формы взаимоотношений и социально-ролевого поведения по выполнению родительских обязанностей и долга по образованию, содержанию и воспитанию детей.

«Круги заботы» – комплексная программа, направленная на использование ресурсов общества по оказанию социально-медицинской и психолого-педагогической поддержки детям и семьям. Она направлена на «мотивацию родителя на реабилитацию» (например, устройство на работу, лечение от алкоголизма, психологические консультации) и возвращение родительских функций с целью восстановления семьи. Важным условием данной программы является признание за родителем способности к нравственному выбору, достижение взаимопонимания между детьми и родителями. Программа реабилитации составляется для детей и родителей, и при ее реализации необходима координация разных специалистов: психологов, педагогов, социальных работников, ответственных секретарей КДН, сотрудников махалли и инспекторов профилактики безнадзорности и правонарушений органов внутренних дел.

Предлагаемые восстановительные программы весьма актуальны и представляют существенный интерес, поскольку направлены на поиск путей эффективной профилактики социального сиротства и правонарушений среди детей групп риска. Они способствуют несформировавшемуся полностью молодому человеку отказаться от выбора криминального пути и остаться полноправным, социально адаптированным членом общества.

¹ Факторы риска – понятие, обозначающее широкий круг условий, способных оказывать неблагоприятное влияние на физическое, психическое и социальное развитие ребенка.

² Олиференко Л. Я. Социально-педагогическая поддержка детей группы риска / Л. Я. Олиференко, Т. И. Шульга, Н. Ф. Дементьева. – М., 2002.

³ См.: Мардахаев Л. В. Социальная педагогика. – М., 2005.

⁴ Слуцкий Е. Г. Беспризорность в России: вновь грозная реальность // Социологические исследования. – 1998. – №3; Ювенальная политика России // Аналитический вестник Совета Федерации ФС РФ. – 2001. – №10.

⁵ Ответы председателя Ростовского областного суда В. Н. Ткачева по теме «Детская болезнь» юстиции: какие ювенальные технологии нужны России? // Ювенальная юстиция. – 2011. – №6. – С. 31.

⁶ Маслова М. Е. Социально-педагогическая адаптация детей группы риска: Автореф дис. ... канд. пед. наук. – Ставрополь, 2001. – С.8.

⁷ Умаров Б. М. Социально-психологические проблемы преступности несовершеннолетних в Узбекистане: Автореф. дис. ... д-ра психол. наук. – Т., 2009. – С. 23–25.

⁸ Солодников В.В. Социология социально дезадаптированной семьи. – СПб., 2007. – С.116, 107.

⁹ Умаров Б. М. Неблагополучная семейная микросреда как фактор возникновения отклоняющегося поведения несовершеннолетних детей и подростков // Российский научный журнал «Федерация». – 2008. – №8 (51). – С.56–59.

¹⁰ Солодников В.В. Социология социально дезадаптированной семьи. – СПб., 2007. – С.303.

¹¹ Рахманова Д. Р. Особенности детерминации страха у подростков с различной ситуацией развития (на примере мальчиков): Автореф. дис. ... канд. психол. наук. – Т., 2006. – С.8–10.

¹² См.: Шнейдер Л. Б. Девиантное поведение детей и подростков. – М., 2005. – С. 284.

¹³ Мусурманова О. Оила маънавияти-милиий гурур. – Т., 2000. – С.21–24.

¹⁴ Шнейдер Л.Б. Девиантное поведение детей и подростков. – М., 2005. – С. 284.

¹⁵ Целуйко В. М. Психология неблагополучной семьи. – М., 2006. – С.113.

¹⁶ Основы профилактики безнадзорности и беспризорности несовершеннолетних / Под ред. Ф. А. Мустаевой. – М., 2003. – С.56.

¹⁷ Ершова И. Н. Профилактика безнадзорности и правонарушений среди несовершеннолетних на территории Ярославской области // Вопросы ювенальной юстиции. – М., 2013. – С.7.

¹⁸ Кирилловых А. А. Правовые инновации в сфере информационной безопасности несовершеннолетних // Информационное право. – 2011. – №4. – С.3.

¹⁹ Флямер М. Г. Восстановительные принципы в методике проведения «круга заботы». – М., 2002. – С.21.

Таянч иборалар: оила, профилактика, хатар, омиллар, ижтимоий жиҳатдан хатар гуруҳига кирадиган болалар, ҳуқуқий жиҳатдан хатар гуруҳига кирадиган болалар, самарали ёндашув, ижтимоий психологик ёрдам, тикловчи технологиялар, оила конференциялари.

Мақолада ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан хатар гуруҳига кирадиган болалар тушунчаси ёритилган; илмий адабиётлар ва амалиёт материаллари асосида ҳуқуқий оғишнинг сабаб ва омилларига комплекс баҳо берилган, оила конференциялари мисолида оила муваффақиятсизлигининг олдини олиш бўйича тикловчи процедураларнинг самарали ёндошуви тақдим этилган.

Keywords: family, prevention, risk, factors, children social risk groups, children legal risk groups, effective approaches, socio-psychological support, rehabilitation technology, family conferences.

The article describes the definition of legal and social risks children; causes and factors determining deviant behavior among children; provides an overview of research on this problem and prospects of implementing reconciliation programs as effective methods to prevent child abandonment and delinquency among children and adolescents.

Ключевые слова: семья, профилактика правонарушений, дети групп социального риска, дети групп правового риска, факторы риска, эффективные подходы, социально-психологическая поддержка, восстановительные технологии, семейные конференции.

В статье раскрываются понятия детей групп правового и социального рисков; причины и факторы, детерминирующие девиантное поведение несовершеннолетних; дается обзор научных исследований данной проблеме и перспективы внедрения программ примирения как эффективных методов по профилактики социального сиротства и правонарушений среди детей и подростков.

И. Турғунов*

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

Мустақилликнинг илк даврларидан бошлаб, Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳаётнинг барча соҳаларини демократлаштириш, либераллаштириш, модернизациялаш бўйича кенг қамровли ва изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Зеро, аҳолининг ҳуқуқий билими, онги ва маданияти даражасининг юксаклиги жамиятнинг ривожланишига таъсир кўрсатадиган омиллардан биридир. Шахснинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги, инсон ҳуқуқларини амалга ошириш, яъни унинг бу ҳуқуқларга риоя этиши, ҳуқуқлардан фойдаланиши ва мажбуриятларини ўз вақтида бажариши юксак мақсадларга эришишнинг муҳим шартидир.

Инсон ҳуқуқларининг устувор таъминланиши тамойили Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг энг асосий принципларидан биридир. Асосий қонуннинг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. 2-моддага мувофиқ, «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар».

Умуман, «инсон ҳуқуқи», «ҳуқуқий билим» «инсон ҳуқуқи маданияти», чин маънодаги «ҳуқуқий маданият» каби тушунчалар фақат мустақиллик шарофати билан ҳаётимизга кириб кела бошлади.

Маълумки, инсоният ҳамиша эзгуликка, маънавий баркамолликка интилиб яшайди. Шу боис, жамият аъзоларининг ҳуқуқий билими ва маданияти жамият яратган маънавий қадриятларнинг таркибий қисми сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Жамият ҳуқуқий маданияти – аҳолининг умумий маданий даражаси билан бевосита боғлиқ ҳодиса, шунинг

учун инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқлари, эркинликларининг ривожланганлиги ва таъминланганлиги; амалда ҳуқуққа эҳтиёжнинг мавжудлиги; мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот ҳолати; жамиятда юридик фан ва юридик таълимнинг ривожланиш даражаси кабилар билан белгиланади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ҳуқуқий билим ва маданиятнинг даражаси миллатлар етуклиги ҳамда инсон баркамоллигининг энг муҳим мезонидир.

Ҳуқуқий билим ва маданиятни юксалтириш учун эса халқаро стандартларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнига масъулият билан ёндашиш талаб этилади. Шу муносабат билан бир йил муқаддам, яъни 2013 йилнинг 28 июнь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мамлакатни модернизация қилишга қаратилган ислохотларга ҳамоҳанг бўлди.

Мазкур қарорга асосан Тошкент давлат юридик институти Тошкент давлат юридик университетига айлантирилди, юридик таълим тизимининг фундаментал асосларини тубдан ислоҳ қилиш ва яхшилашнинг пойдевори яратилди. Унинг асосий мазмун ва моҳияти мамлакатда ўтказилаётган демократик ва ҳуқуқий ислохотлар, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг юксак талаблари ва замонавий халқаро стандартларига жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг муҳим кафолати сифатида ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбияга мустақиллик йилларида катта эътибор қаратиб келинмоқда. Шу боис, мамлакатимизда фуқароларнинг

* Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи.

ҳуқуқий билим ва онгини юксалтириш, уларда қонунларга ҳурмат ва итоаткорлик руҳини кучайтириш борасида кенг кўламли чоратадбирлар амалга оширилди. Ҳуқуқий тарғибот зарурати:

биринчидан, қабул қилинган қонунлар ва норматив актлар моҳиятини аҳолининг катта қатламига тушунтириш;

иккинчидан, уларнинг ҳуқуқий билимларини юксалтириш;

учинчидан, қабул қилинган қонунларни аҳоли орасига сингдириш ва амалиётда кенг қўлланилишига эришиш каби вазифалардан келиб чиқади.

Бугунги кунда ушбу вазифалар турли муассасаларнинг, суд-ҳуқуқ тизими идораларининг, оммавий-ахборот воситалари фаолиятига асос бўлиб хизмат қилмоқда¹.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги фармонининг қабул қилинганлигини таъкидлаб ўтиш мумкин².

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида»ги 1997 йил 29 август қарорини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2012 йил 23 июлдаги 226-сонли қарорининг қабул қилинганлиги мамлакатимиз раҳбарияти томонидан бу соҳага катта эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Давлат бошқарув органлари ва турли нодавлат ношижорат ташкилотлари ўз фаолияти давомида ҳуқуқий билим, ҳуқуқий маданият ва инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришга қаратилган ҳуқуқий тарғибот ишларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунки ҳуқуқий тарғибот орқали жамиятда ҳуқуқий билимларни кенг жамоатчиликка етказиш, инсон ҳуқуқлари маданиятини янада ривожлантириш мумкин.

Ҳуқуқий тарғиботнинг асосий вазифалари:

биринчидан, қабул қилинган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳиятини аҳолининг барча қатламига етказиш ва тушунтириш;

Консуллик ҳуқуқи унинг субъекти, объекти ва предметини тартибга солувчи жуда кенг ҳуқуқий манбаларига эга. Консул ва консуллик мансабдор шахслари шахсий дахлсизликка эгадирлар. 1963 йилги Вена конвенциясининг 41-моддаси қоидаларига кўра, консуллик мансабдор шахслари оғир жиноятлар содир этилган тақдирда ваколатли суд маъмурларининг қарорлари асосидан ташқари ҳибсга ҳам, қамоққа ҳам олиниши мумкин эмас. Шунга қарамай, иш юритишда унинг расмий ҳолатини инобатга олиб унга ҳурмат кўрсатилиши лозим ва у томонидан консуллик функциялари бажарилишига мумкин қадар камроқ тўсқинлик қилиниши керак¹.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида халқаро ҳуқуқда умумэътироф этилган барча

дипломатик дахлсизликлар, давлатнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб, ўз аксини топган².

Консуллик ҳуқуқи манбалари тизимини қуйидагилар ташкил этади:

— халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар – улар, ўз навбатида, икки томонлама ҳамда кўп томонлама бўлади;

— миллий ҳуқуқий ҳужжатлар.

Ҳозирги кунда консуллик функциялари халқаро кўп томонлама шартномаларда – Консуллик муносабатлари тўғрисидаги 1963 йилги Вена Конвенциясида, 1954 йил 1 мартдаги Фуқаролик процесси бўйича Гаага конвенцияси, Консуллик функциялари тўғрисидаги 1967 йилги Европа конвенцияси³ да, икки томонлама консуллик конвенцияларида, савдо ва дарёда қатнаш битимларида, шунингдек давлат ички қонунчилигида тартибга солинади.

Бу борадаги универсал битим 1963 йилги Консуллик алоқалари тўғрисидаги Вена конвенциясидир. Конвенция консуллик фаолиятини олиб боришда зарур бўлган атамалар, консуллик алоқалари тўғрисидаги умумий қоидалар, консулнинг асосий функциялари, консуллик фаолиятини олиб боришдаги процессуал жиҳатлар, консуллик муассасалари, штатдаги консулликнинг мансабдор шахслари ва консуллик муассасасининг бошқа ходимлари устуворликлари, имтиёзлари ва иммунитетлари, фахрли консуллик мансабдор шахсларига ва бундай мансабдор шахслар бошчилик қиладиган консуллик муассасаларига қўлланиладиган режим масалалари ва ҳ.к. қоидаларни ўзида жамлаган. Мазкур Конвенция давлатлараро икки томонлама консуллик конвенцияларини

* Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг мустақил тадқиқотчи-изланувчиси.

ишлаб чиқиш ва имзолашда ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Халқаро амалиётга кўра, давлатлар ўзининг консуллик фаолияти ҳуқуқий асосини таъминлаш мақсадида мазкур Вена конвенциясига аъзо бўлади ёки конвенцияга аъзо бўлмай туриб ўз ички норматив актини қабул қилади ёхуд алоҳида давлатлар билан консулликка оид икки томонлама конвенциялар имзолайди. Ўзбекистонга эса юқоридагиларнинг барчаси ҳосдир.

Ўзбекистон Республикаси 11 та давлат (Болгария, Грузия, Греция, Хитой, Қирғизистон, Покистон, Польша, Россия, Туркия, Украина, Озарбайжон) билан икки томонлама консуллик конвенциялари имзолаган. Таъкидлаш жоизки, икки томонлама консуллик конвенциялари Вена конвенцияси асосида тузилиб, унда консулнинг баъзи функцияларини бажаришда риоя этадиган муддатлари аниқлаб олинади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси билан Польша ўртасида 1995 йил 11 январдаги Консуллик конвенциясининг 43-моддасида – консул вакили бўлган давлат фуқароси ушланган, озодликдан маҳрум этилган тақдирда тезда 5 кундан кечиктирмай хабардор қилиниши белгиланган. Худди шундай муддат Ўзбекистон ва Болгария ўртасида 2005 йил 25 ноябрдаги Консуллик конвенциясининг 41-моддасида ҳам белгиланган. Шунингдек, икки томонлама консуллик конвенцияларида алоҳида ҳолатлар келишиб олинади. Масалан, Ўзбекистон ва Грузия ўртасидаги консуллик конвенциясининг 26 моддасида: «Консуллик мансабдор шахсларини ушлаш, хибсга олиш мумкин эмас, камида 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўрсатилган оғир жиноят содир этгани учун ваколатли суд ҳокимиятлари қарори асосида ушлаш қамаш бундан мустасно» каби алоҳида жиҳатлар қайд этилган.

Икки томонлама тузилган консуллик конвенцияларининг 1963 йилги Вена Конвенциясига нисбатан аҳамияти қандай? Ушбу саволга жавоб топиш учун бевосита ушбу шартномаларнинг баъзиларига мурожаат қилсак.

1994 йил 23 июнда Анқарада имзоланган Туркия билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги консуллик конвенцияси 60 моддадан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси билан Туркия ўртасида консуллик муносабатларида

келиб чиқиши мумкин бўлган масалаларни тўлиқ тартибга солади. Конвенциянинг ажралиб турувчи хусусиятларидан бири бу унинг консуллик муассасаси бошлиғининг тайинланиши жараёнининг тўлиқ акс эттирилганидир. Конвенциянинг 5-моддасига биноан, консуллик муассасаси бошлиғига консуллик ваколатларини берувчи давлат бу ҳақда қабул қилувчи давлат ТИВга маълум қилиши ва консуллик патенти ёки унинг таржимаи ҳолини ва тегишли ҳужжатларни юбориши шарт.

1994 йил 2 мартда Москвада имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги Консуллик конвенцияси эса 54 моддадан иборат бўлиб, у консуллик муносабатларини олиб боришга доир қўшимча қоидалар ўрнатиш ва Ўзбекистон Республикаси ва РФ фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини янада самарали ҳимоясини таъминлаш мақсадида тузилган. Конвенциянинг алоҳида моддаларида қабул қилувчи давлат қонун-қоидаларини ҳурмат қилиш (30-м.), фуқаролик масалаларига оид консулнинг функциялари (41-м.) ажратиб кўрсатилган.

1994 йил 24 октябрда Пекинда Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида имзоланган Консуллик шартномаси 5 бўлим ва 43 моддадан иборат бўлиб, ушбу шартнома бошқа давлатлар билан имзоланган икки томонлама Консуллик конвенцияларига жуда ўхшашдир. Масалан, шартноманинг 3-моддасида консуллик муассасаси бошлиғининг тайинланиши ва тан олинishi жараёни акс эттирилган. Консуллик мансабдор шахсларининг фуқаролиги тўғрисидаги шартномада фақат қабул қилувчи давлат худудида доимий яшамайдиган, юборувчи давлатнинг фуқаролари консуллик муассасаси мансабдор шахси бўлиши мумкинлиги мустақамланган.

1995 йил 11 январда Варшавада имзоланган 49 моддадан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси билан Польша ўртасидаги Консуллик конвенцияси ҳам 1963 йилда қабул қилинган Консуллик алоқалари тўғрисидаги Вена Конвенциясидаги ҳолатларни янада аниқ белгилангани ва тўлдирилганининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Консуллик Конвенцияларига эга бўлган давлатлар

консуллари уларни юборган давлат фуқаролари эркинлигининг ҳар қандай шаклда чекланиши тўғрисида огоҳ этилиши керак. Жумладан, фуқароларнинг жиноий жазога тортилиши, қамоққа олиниши, ушлаб турилиши, даъволаш ёки экспертиза ўтказиш учун руҳий касалхонага жойлаштирилиши, вояга етмаганларни ахлоқ тузатиш колонияларига жойлаштирилиши ҳолатларини мисол келтириш мумкин.

Бир томон Ўзбекистон Республикаси бўлган консуллик масалалари билан боғлиқ халқаро Конвенцилар қоидаларини нотўғри талқин қилмаслик учун бир хил терминларни ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Консуллик Конвенцияларида қамоқ, қўлга олиш ҳолатларининг барчасида консулларни дарҳол огоҳлантириш кераклиги ҳақида гапирилибгина қолмай, огоҳлантириш муддатлари ҳам белгилаб қўйилган.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси ва Польша ўртасида 1995 йил 11 январда қабул қилинган Консуллик Конвенциясининг 43-моддасида «Қабул қилувчи давлат ваколатли органлари юборувчи давлат фуқароларининг қамоққа олиниши, ушланиши ёки бошқача тарзда эркинлигининг чекланиши тўғрисида зудлик билан, лекин ушбу чоралар кўрилган кундан бошлаб 5 кундан кўп бўлмаган муддат ичида консуллик мансабдор шахсини огоҳ этишлари керак», деб белгиланган. Худди шундай муддатлар кўпчилик давлатлар консуллари учун ҳам ўрнатилган. Фақат ушбу муддатлар давомийлигида фарқлар мавжуд. Масалан, Болгария билан тузилган 2003 йил 25 ноябрдаги Консуллик конвенциясида «Юборувчи давлат фуқаролари қамоққа олинганда ёки ушланганда қабул қилувчи давлат ваколатли идоралари зудлик билан юборувчи давлат консуллик муассасасини бу ҳақда огоҳлантиради» дейилган.

Вена конвенцияси 36-моддасининг С1 бандида консулнинг қуйидаги вазифалари ҳақида сўз юритилган: «консуллик мансабдор шахслари вакили турган давлатнинг жазони ижро этиш муассасасидаги, қамоқдаги ёки қўлга олинган фуқаросининг олдида суҳбатлашиш учун бориш ҳуқуқига эга, шунингдек, у билан ёзишмалар олиб бориш ва уни юридик вакиллик билан таъминлаш учун чоралар кўриш ҳуқуқига эга. Улар шунингдек вакили турган давлатнинг жазони ижро этиш

муассасасидаги, қамоққа олинган ёки суд қарори ижро этилгунга қадар уларнинг округида қўлга олинган ҳар қандай фуқаросини бориб кўриш ҳуқуқига эга. Шунга қарамай, консуллик мансабдор шахслари жазони ижро этиш муассасасидаги, қамоқда сақланаётган ёки қўлга олинган фуқаро номидан иш кўришдан, агар у аниқ-равшан бунга эътироз билдирса, тийилиши керак».

Консулларнинг бу каби шахслар сақланадиган жойларга ташриф буюриш ҳуқуқи ташриф шартларини қисман ўз ичига оладиган икки томонлама шартномаларда ҳам мустаҳкамланган. Масалан, Болгария ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги Консуллик Конвенциясида «Консуллик мансабдор шахси қамоқда сақланаётган юборувчи давлат фуқаролари билан суҳбатлашиш, хатлар ёки бошқа почта жўнатмаларини бериш ёки ундан қабул қилиш, шунингдек унинг учун юридик вакилликни таъминлаш бўйича чоралар кўриш мақсадида ташриф буюриш ҳуқуқига эга. Қабул қилувчи давлат қисқа муддатлардаги бундай дастлабки ташрифларга рухсат беради» (41-м. 3-б.) деб белгилаб қўйилган.

Консулнинг бунга ўхшаган ташрифларга бўлган ҳуқуқи кўпчилик давлатлар томонидан шартномавий нормалар, шунингдек ўзаро асосда тан олинади.

Ўзбекистон имзолаган консуллик шартномаларида консуллар ташрифи шартларига алоҳида урғу берилмаган. Шу билан бирга, шубҳасиз, консул бундай ҳолларда қамоққа олинган ёки ушланган шахслар сақланадиган жойларга ташриф буюришнинг қабул қилувчи давлат қонунчилигида ўрнатилган қоидаларига амал қилади.

Қабул қилувчи давлат консулнинг ҳибсга олинган ёки қамоққа олинган шахслар билан суҳбатига тааллуқли қоидалар ўрнатиши мумкин. Вена конвенцияси 36-моддасининг 2-банди қабул қилувчи давлатга давлат хавфсизлиги ёки ҳамкор давлатлар билан ўзаро муносабатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, консулнинг маҳкум билан суҳбатлашиш эркинлигини чеклаш ҳуқуқини беради.

Ҳатто шартномаларда консулнинг ҳибсга олинган шахслар билан кўришиш ҳуқуқига доир ҳолатлар акс эттирилмаган бўлса ҳам, бундай ҳуқуқ одат нормалари асосида тақдим этилади. Бунга амалиёт гувоҳлик беради.

Лекин барча давлатлар ҳам ушбу одат нормасини тан олавермайди. Масалан, Япония бундай ҳуқуқ шартномаларда акс эттирилмаган бўлса, фақат халқаро хушмуомалалик қоидаларига мувофиқ тақдим этилиши мумкин деб ҳисоблайди.

Лекин бундай ҳуқуқ жосусликда айбланаётган шахсларга нисбатан шартномада назарда тутилган бўлса ҳам тақдим этилмайди.

Консул юборувчи давлатнинг озодликдан маҳрум этилган фуқаролари билан кўришиш ҳуқуқидан ташқари, бундай шахслар билан алоқада бўлиб туриш ҳуқуқига ҳам эга. Бу Вена Конвенциясининг 36-моддаси С бандида: «Консуллик мансабдор шахслари улар билан ёзишмалар олиб бориш ҳуқуқига эга», деб ифодаланган. Бир томон, Ўзбекистон Республикаси ҳисобланадиган Консуллик конвенциялари ушбу ҳуқуқларнинг мавжудлигини тасдиқлайди.

Консул озодликдан маҳрум этилган фуқаролар билан алоқаларни оддий алоқа воситалари орқали хат ва телеграммаларни жўнатган ҳолда олиб бориши мумкин. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси томон ҳисобланадиган конвенцияларда ҳеч нарса дейилмаган, лекин буни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият олиб борадиган консуллар озодликдан маҳрум этилган шахслар билан алоқа қилишда оддий алоқа воситаларидан фойдаланишини ҳисобга олган ҳолда тахмин қилиш мумкин. Консулга бундай ҳуқуқдан муддатлилиқ асосида фойдаланишга рухсат берилади.

Бундан кўриниб турибдики, консуллик ҳуқуқининг манбалари қаторида икки томонлама консуллик конвенциялари алоҳида жонлантирувчи кучга эгадир.

Халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари воситасида фақат битта давлат ичидаги ва ушбу давлатнинг ички қонунчилиги билан тартибга солинадиган муносабатлар эмас, балки унинг доирасидан четга чиқадиган, яъни турли давлатлар ўртасидаги, шу билан бирга, давлат ички қонун-қоидаларига бевосита тааллуқли бўлган ва уларда назарда тутилган муносабатлар тартибга солинади⁴. Демак, консуллик муассасалари ваколатларига доир масалалар халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари билан ҳам тартибга солинади. Мавжуд илмий манбаларда қайд этилганидек, турли давлатларнинг фуқаролари иштирокида

«халқаро хусусий ҳуқуқ» нормалари билан тартибга солинадиган муносабатлар вужудга келиши учун аввало давлатлар ўртасида «халқаро ҳуқуқ», яъни оммавий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган муносабатлар ўрнатилган бўлиши керак.

Консуллик ҳуқуқи халқаро ҳуқуқда энг кўп қўлланиладиган соҳалардан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг муваффақиятли амалга оширилиши эса кўп жиҳатдан унинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асосларининг яратилиши билан боғлиқдир. Таъкидлаш жоизки, консуллик ҳуқуқи халқаро ҳуқуқнинг энг пухта кодификациялаштирилган тармоғи ҳисобланади.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, консуллик ҳуқуқининг дастлабки манбалари бўлиб одат ҳуқуқи нормалари ҳисобланган. Одат ҳуқуқи нормалари деганда, кўп йиллар мобайнида такрорланиши натижасида одат тусига айланиб қолган ўзини тутиш қоидалари назарга тутилади. Одат ҳуқуқи нормалари кейинчалик ёзма кўриниш олиб, мажбурий аҳамият касб эта бошлади. Масалан, қадимда мавжуд бўлган «Элчига ўлим йўқ» ибораси ҳозирги консуллар ва дипломатлар ўз вазифаларини амалга ошираётганида эга бўладиган иммунитет ва имтиёзларнинг тарихий кўринишидир. Консуллик ҳуқуқига оид бўлган дастлабки ёзма манбалар XX аср бошларида пайдо бўла бошлади. 1911 йилда қабул қилинган «Консуллик функциялари тўғрисида»ги Каракас конвенцияси, 1928 йилда қабул қилинган «Консуллик ходимлари тўғрисида»ги Гаага конвенцияси шулар жумласидандир. Лекин юқоридаги конвенциялар минтақавий характергагина эга бўлган. Бу борада дастлабки универсал характерга эга бўлган, консуллик ҳуқуқининг «кодекси» сифатида баҳоланадиган халқаро ҳужжат 1963 йил 24 апрелда Венада қабул қилинган ва 1967 йилда кучга кирган «Консуллик алоқалари тўғрисида»ги Вена конвенциясидир. Ушбу Конвенция 5 бўлим, 76 моддадан иборат бўлиб, консуллик алоқаларининг ўрнатилиши тартиби, консуллик идораларининг очилиши, ушбу идораларнинг ва улар ходимларининг вазифалари, иммунитет ва имтиёзлари каби масалаларни тартибга солади. Ҳозир ушбу конвенцияга 170 дан ортиқ давлатлар, жумладан, Ўзбекистон ҳам 1994 йилда қўшилган.

Ўзбекистон фуқароси қаерда бўлмасин, ўз фуқаролигини сақлаб қолиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон фуқаролари чет элда вақтинча ёки доимий яшаётганлигидан қатъи назар, ўз фуқаролик ҳуқуқий мақомини сақлаб қолади ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳимоясида бўлади. Ушбу қоида 1966 йил 19 декабрдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда акс этган принципларга тўла мос келади. Жумладан, унда «ушбу пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз ҳудудидagi ва ўз юрисдикциясида бўлган шахсларни мазкур пактда эътироф этилган ҳуқуқларини ҳеч бир айирмачиликсиз, жумладан, ирқи, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, туғилиши ёки ўзга ҳолатидан қатъи назар ҳурмат қилиш ва таъминлаш мажбуриятини олади», деб кўрсатилган.

Юқорида келтирилганлардан хулоса қилиб, қуйидагиларни таъкидлаш жоиз:

1. Ўзбекистон Республикасининг чет дав-

латлардаги фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат ташқи сиёсий органларининг мутлақ ваколати доирасига киради ва консуллик хизматининг бирламчи вазифаси саналади. Мазкур органлар халқаро ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқий нормалар асосида ҳуқуқ субъекти сифатида қатнашишлари фуқароларнинг консуллик ҳимоясида муҳим аҳамият касб этади. Зеро норматив-ҳуқуқий асослантирилган ҳар қандай хатти-ҳаракат ижобий самара бермай қолмайди.

2. Чет давлатлардаги фуқаролар ҳуқуқларининг консуллик ҳимоясини ўрганиш унинг норматив-ҳуқуқий жиҳатдан асослантириш лозимлиги билан ҳам белгиланади. Ҳуқуқий асос консуллик ҳимоясини амалга оширишда серқирралик ва тезкорликни таъминлайди.

3. Кучли илмий асос яратиш, амалий тажриба натижаларини назарий жиҳатдан пухта ишлаб чиқиш консулларга консуллик ҳимоясини амалга оширишда мукамал иш олиб боришларига ёрдам беради.

¹ Консуллик алоқалари тўғрисидаги Вена конвенцияси. 24 апрель 1963 йил.42-43-моддалар. www.un.org

² *Акрамова Н.Р.* Современная международно-правовая концепция дипломатических иммунитетов и привилегий: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2008.

³ www.un.org. <http://www.lawlibrary.ru/article1178146.html>. Юридическая научная библиотека

⁴ Халқаро хусусий ҳуқуқ.. – Т., 2002. – Б.37.

Таянч иборалар: ҳуқуқий норма, консуллик функциялари, ҳуқуқий механизм, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқий муҳофаза шакли, ҳуқуқий муҳофаза усуллари.

Мақола Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқий нормаларни қўллаш жараёнидаги ўзига хос назарий ва амалий жиҳатларнинг илмий таҳлилига бағишланади. Шунингдек, мамлакатдан ташқарида амалга ошириладиган консуллик ҳимоясининг янада самарали бўлиши учун кучли илмий асос яратиш, амалий тажрибаларни назарий жиҳатдан янада бойитиш зарурлиги ҳақида хулосалар берилади.

Key words: consular protection of rights and lawful interests of citizens abroad, legal bases, consular functions, forms, means and mechanisms of legal defence, law enforcement.

The article deals with forms, means and mechanisms of legal defence, peculiarities of law enforcement process in realizing consular defence of the rights of citizens of the Republic of Uzbekistan abroad.

Ключевые слова: правовая норма, консульские функции механизм реализации права, правоприменение, форма правовой защиты, способ правовой защиты.

Данная статья посвящается особенностям правоприменительного процесса в осуществлении консульской защиты прав граждан Республики Узбекистан за рубежом. Автор приходит к выводу о том, что для повышения эффективности защиты граждан за пределами страны необходимо глубокое изучение теоретических и научных основ осуществления консульской защиты.

ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ ДОГОВОРНО-ПРАВОВЫХ НОРМ В СФЕРЕ ОХРАНЫ КУЛЬТУРНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В НАЦИОНАЛЬНОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН

Современное развитие общественных и международных отношений приводит к расширению круга регулируемых международным правом отношений. Международное право среди прочих отношений между своими субъектами регламентирует также и вопрос об охране культурных ценностей, поскольку в настоящее время проблема охраны культурных ценностей во время вооруженных конфликтов, а также от преступных посягательств, в том числе от незаконного оборота, приобрела актуальный и злободневный характер.

В этой связи международным сообществом, в первую очередь благодаря ряду международных организаций, таких как ЮНЕСКО (Организация Объединённых Наций по вопросам образования, науки и культуры) и УНИДРУА (Международный институт унификации частного права), принят ряд международных договоров, соглашений и конвенций, направленных на охрану культурных ценностей от преступных посягательств.

Так, Конвенция о мерах, направленных на запрещение и предотвращение незаконного вывоза и передачи прав собственности на культурные ценности, от 14 ноября 1970 г. «обязывает государства-участников установить правила, регулирующие перемещение объектов культурного наследия, нарушение которых является прямым нарушением норм международного права»¹.

Согласно ст. 5 Конвенции государства учреждают уполномоченные органы в сфере охраны культурного наследия от незаконного перемещения, а также устанавливают свидетельства, разрешающие вывоз культурных ценностей с их территории. Данные меры,

призванные стать практическими средствами борьбы с незаконным оборотом культурных ценностей, рассчитаны на имплементацию в национальном законодательстве.

Конвенция УНИДРУА по похищенным и незаконно вывезенным культурным ценностям от 24 июня 1995 г. предусматривает решение вопросов о возврате незаконно вывезенных культурных ценностей в государствах-участниках компетентными органами, рассматривающими поручения, направленные государствами, с территории которых тот или иной объект неправомерно вывезен. При этом Конвенцией закреплён перечень деяний, которые подпадают под категорию незаконного вывоза культурных ценностей². Это является важным ориентиром для государств в целях наиболее полного закрепления в национальном законодательстве признаков состава правонарушения против объектов культурного наследия.

Эти и ряд других международных договорных актов направлены на защиту культурных ценностей от преступных посягательств и были успешно имплементированы в национальное законодательство многих государств.

Как показывает практика обобщения и анализа законодательства государств-членов, проводимая ЮНЕСКО, в разных государствах правовое регулирование вопросов охраны культурных ценностей имеет различный нормативный уровень: как законов, так и подзаконных актов³. Многие из ныне действующих нормативных актов зарубежных государств, направленных на предотвращение незаконного оборота культурных ценностей, были приняты ещё до вступления в силу

* Старший научный сотрудник-соискатель Университета мировой экономики и дипломатии.

упомянутых выше международных договоров в данной сфере.

Национальное законодательство, принятое после Конвенции ЮНЕСКО 1970 г., исходит из необходимости соответствия ее основным положениям. Так, согласно Закону Италии об охране культурного наследия 1999 г., в данном государстве действует полный запрет на вывоз определенных категорий культурных ценностей, в частности античных произведений искусства, владельцы которых обязаны не только информировать власти о месте их нахождения, но и об изменении его.

В том случае, если объект культурного наследия принадлежит государству, он не подлежит отчуждению. Гражданским кодексом Италии предусмотрено положение, согласно которому культурные ценности, находящиеся в собственности корпораций или религиозных объединений, также не могут быть отчуждены. В стране ведется реестр культурных ценностей, не подлежащих отчуждению⁴.

Аналогичное законодательство действует в Австрии. Вопросы защиты культурных ценностей регулируются Законом об экспорте объектов, имеющих историческое, художественное и культурное значение, 1985 г.⁵ В соответствии с этим законом объектом перемещения за пределы государства могут являться предметы исторического, художественного и культурного значения, за исключением тех, перемещение которых может нарушать «публичный интерес», а также работы ныне живущих деятелей культуры и искусства либо умерших менее 20 лет назад. Как можно видеть, такая формулировка дает достаточно широкие полномочия государственным органам по осуществлению надзора в сфере защиты культурного наследия и позволяет включать в перечень предметов, запрещенных к вывозу, многие, а то и любые культурные ценности.

Функция государственного надзора за экспортом и перемещением объектов культурного наследия, согласно указанному выше закону, состоит в лицензировании права на их перемещение. За нарушение требований законодательства устанавливается ответст-

венность в виде лишения свободы на различные сроки, в зависимости от тяжести совершенного деяния, а также штраф.

Одним из значимых критериев культурной ценности, в соответствии с нормами международного права, является их невосполнимость. Иными словами, утрата культурной ценности влечет за собой невозможность ее восстановления, а следовательно, хищение культурной ценности может нанести «невосполнимый урон» государству-правообладателю.

Такой подход находит отражение в законодательстве некоторых государств. Например, в соответствии с Законом ФРГ «О защите немецкого культурного достояния от вывоза» 1955 г.⁶ не подлежат вывозу за пределы страны объекты культурной собственности, включая библиотечные материалы, перемещение которых может повлечь за собой невосполнимый ущерб для германского культурного наследия. Уполномоченный орган государственной власти ФРГ ведет перечень таких объектов культурного наследия.

Как следует из приведенных выше международно-правовых актов, механизм контроля за перемещением культурных ценностей и противодействия незаконному их вывозу государства должны разрабатывать самостоятельно, закрепляя его в национальном законодательстве. При этом данная функция может осуществляться всеми законными способами, одним из которых, как показывает практика, является налогообложение деятельности по ввозу и вывозу культурных ценностей.

Подобный опыт имеется в богатейшем, с точки зрения культурного наследия, государстве – Королевстве Испания, где охрану культурного наследия выполняет Закон № 13/1985 1985 г. и Королевский декрет № 111/1986 о порядке применения данного закона 1986 г.⁷

В соответствии со ст. 30 Закона об испанском культурном наследии экспорт культурных ценностей является предметом налогообложения, размер которого может составлять до 30 % от стоимости соответствующего объекта культурного наследия.

Помимо налогообложения, государство также выдает разрешения на вывоз объектов культурного наследия, что служит задаче упорядочения ввоза-вывоза, а также государственного контроля за перемещением данных объектов.

Значительный интерес представляет собой такая форма противодействия незаконному обороту культурных ценностей, как законодательный запрет на совершение всех юридических действий с объектом, имеющим правовой статус особо охраняемого государством.

Подобная практика существует в законодательстве Королевства Нидерланды. Согласно Акту об охране культурного наследия 1984 г. запрещается совершать какие-либо юридические действия с объектом культурного наследия, находящимся под охраной государства, без предварительного уведомления уполномоченного надзирающего должностного лица⁸.

Ряд государств закрепили в своем законодательстве жесткие меры, направленные на сохранение национального культурного наследия, включая полный запрет на вывоз культурных ценностей. Например, в Швейцарской Конфедерации государственным министром может быть установлен полный запрет на вывоз объектов культурного наследия⁹. В Индии вывоз культурных ценностей из нее запрещен¹⁰. Аналогичные положения предусмотрены и в Бразилии: объекты культурного наследия, созданные до окончания периода монархии, не подлежат вывозу с территории Бразилии ни при каких обстоятельствах¹¹. В Великобритании вывоз объектов культурного наследия допускается в том случае, если возраст данного объекта не превышает 50 лет либо его стоимость не превышает 16 тыс. фунтов стерлингов¹².

Одним из направлений государственного контроля за оборотом культурных ценностей является лицензирование деятельности разного рода специалистов и экспертов, осуществляющих оценку объектов, имеющих историко-культурное значение, а равно лицензирование деятельности по торговле такими объектами. В частности, согласно

законодательству Ирана, все лица, на профессиональной основе осуществляющие торговлю объектами культуры, должны иметь лицензию установленного государственного образца¹³.

Весьма эффективным средством предотвращения незаконного перемещения культурных ценностей является криминализация данных деяний и установление суровых санкций за их совершение. Так, согласно законодательству Кубы противоправный вывоз и ввоз культурных ценностей приравнивается к контрабанде и наказывается как уголовное преступление. В случае, если лицо не может предъявить разрешительные документы на ввоз и вывоз объектов культурного наследия, объект подлежит изъятию таможенными органами Кубы до выяснения дальнейших обстоятельств.

В соответствии с законодательством Ганы за нарушение требований к охране культурного наследия с лица взыскивается штраф в размере до 150 тыс. долларов США или оно приговаривается к лишению свободы на срок до одного года¹⁴.

В США согласно Кодексу Федеральных Правил США максимальные санкции, предусмотренные за указанные правонарушения, составляют наложение штрафа в размере до 100 тыс. долларов США или лишение свободы на срок до пяти лет¹⁵.

Таким образом, анализ законодательства зарубежных стран показывает, что в большинстве современных государств действует полный или частичный запрет на вывоз культурных ценностей. В случае же, если такой вывоз и разрешен, то он осуществляется лишь по разрешению уполномоченного государственного органа, а в некоторых ситуациях – и высшего должностного лица данного государства. Сама процедура получения разрешения на вывоз культурных ценностей является многоступенчатой и сложной, что делается специально в целях сохранения национального культурного достояния именно на территории государства законного правообладателя и недопущения утечки культурных ценностей за границу.

Исследователи отмечают, что в ряде государств, например в Германии, Франции,

Испании, посягательство на культурные ценности является квалифицированным составом уголовного преступления¹⁶.

Обобщение материалов законодательной практики зарубежных государств свидетельствуют также о том, что многие нормативно-правовые акты были изменены или отменены с принятием Конвенции о мерах, направленных на запрещение и предупреждение незаконного ввоза, вывоза и передачи права собственности на культурные ценности 1970 г.

В Узбекистане отношения в области сохранения, использования, популяризации и государственной охраны объектов культурного наследия регулируются Законом Республики Узбекистан «Об охране и использовании объектов культурного наследия» от 30 августа 2001 г. Закон направлен на защиту и сохранении исторического и культурного наследия страны. Значительно большей конкретикой отличается Закон Республики Узбекистан «О ввозе и вывозе культурных ценностей» от 29 августа 1998 г., который наряду с законодательством Республики Узбекистан о государственной границе и таможенным законодательством непосредственно направлен на защиту культурных ценностей от незаконного вывоза, ввоза и передачи права собственности на них.

Этим же целям служит и Положение о порядке вывоза и ввоза культурных ценностей¹⁷, в котором установлены конкретные категории предметов, относящихся к культурным предметам и являющихся объектами защиты от незаконного их вывоза за пределы государства. Вывоз культурных ценностей их собственником либо уполномоченным им лицом осуществляется в порядке, установленном законодательством, на основании свидетельства на право вывоза, выдаваемого Министерством по делам культуры Республики Узбекистан.

Ответственность за нарушение правил охраны культурных ценностей закреплена Кодексом об административной ответственности Республики Узбекистан, в котором предусмотрена ответственность в виде наложения штрафа.

Анализ международных договорно-правовых актов и национального законодательства зарубежных стран в сфере охраны культурного наследия позволяет сделать вывод о том, что правонарушения в отношении культурных ценностей признаются серьезным преступлением. Показательно, что многие государства закрепили ответственность за такие правонарушения в своем национальном законодательстве еще задолго до принятия на себя обязательств по международному сотрудничеству в данной сфере.

В то же время, следуя нормам Конвенции 1970 г., государства-участники пытаются установить такие механизмы контроля, которые способствовали бы повышению эффективности международного сотрудничества в сфере розыска и возвращения законным владельцам похищенных и незаконно вывезенных культурных ценностей.

Правонарушения против культурных ценностей рассматриваются, как правило, в качестве уголовного преступления или административного правонарушения. Вместе с тем как в международных договорно-правовых актах, так и в национальном законодательстве остается неразрешенным вопрос о методах и формах проведения экспертизы в целях установления культурной ценности того или иного объекта, хотя именно экспертиза с целью признания объекта имеющим культурную ценность является ключевым моментом не только при определении его охранного статуса, но и при выдаче разрешения на вывоз.

Таким образом, несмотря на определенные успехи в противодействии незаконному вывозу культурных ценностей, необходимо в то же время подчеркнуть, что действующая сегодня система пока еще далека от совершенства. И для повышения ее эффективности в современных условиях требуется дальнейшее совершенствование как международной договорной и национально-правовой нормативной базы, так и организационно-институциональных основ противодействия незаконному вывозу культурных ценностей.

¹ См.: Конвенция о мерах, направленных на запрещение и предотвращение незаконного ввоза, вывоза и передачи прав собственности на культурные ценности от 14 ноября 1970 г. // Правовая система «Гарант Максимум».

² См.: Конвенция УНИДРУА по похищенным и незаконно вывезенным культурным ценностям от 24 июня 1995 г. // Правовая система «Гарант Максимум».

³ См.: UNESCO. The Protection of Movable Cultural Property, 1984 // <http://www.unesco.org>.

⁴ Lombardi G. Die behordliche Kontrolle des grenzüberschreitenden Handels mit Kunstwaren und sonstigen Kulturgutern in Italien. Rechtsfragen des internationalen Kulturguterschutzes. – Heidelberg, 1994. – P. 169.

⁵ Lyndel V. Prott, Patrick J.O' Keefy. Handbook of National Regulations concerning the Export of Cultural Property. – Paris: UNESCO, 1988. – P. 11.

⁶ Lyndel V. Prott, Patrick J.O' Keefy. Handbook of National Regulations concerning the Export of Cultural Property. – Paris: UNESCO, 1988. – P. 86.

⁷ Lyndel V. Prott, Patrick J.O' Keefy. Op. cit. – P. 197.

⁸ Cultural Heritage Preservation Act of 1 February 1984, Art. 7 // Lyndel V. Prott, Patrick J.O' Keefy. Handbook of National Regulations concerning the Export of Cultural Property. – Paris: UNESCO, 1988. – P. 154.

⁹ National Trust Commission Act 1972, Art. 52 // Lyndel V. Prott, Patrick J.O' Keefy. Handbook of National Regulations concerning the Export of Cultural Property. – Paris: UNESCO, 1988. – P. 202.

¹⁰ The Ancient Monuments and Archaeological Sites and Remains Act (№ 24 of 1958) as amended by the Antiquities and Art Treasures Act 1972 // Lyndel V. Prott, Patrick J.O' Keefy. Handbook of National Regulations concerning the Export of Cultural Property. – Paris: UNESCO, 1988. – P. 104/

¹¹ Law № 4845 prohibiting the export of Works of Art produced before the End of the Monarchical Period, 1965// Lyndel V. Prott, Patrick J.O' Keefy. Handbook of National Regulations concerning the Export of Cultural Property. – Paris: UNESCO, 1988. – P. 27/

¹² Import, Export and Customs Powers (Defence) Act 1939 as implemented by the Export of Goods (Control) Order 1985 as amended // Lyndel V. Prott, Patrick J.O' Keefy. Handbook of National Regulations concerning the Export of Cultural Property. – Paris: UNESCO, 1988. – P. 224–225.

¹³ Law of 3 November 1930 on the preservation of the antiquities of Persia // Lyndel V. Prott, Patrick J.O' Keefy. Handbook of National Regulations concerning the Export of Cultural Property. – Paris: UNESCO, 1988. – P. 108.

¹⁴ National Museum Decree 1969, Art. 1 // Lyndel V. Prott, Patrick J.O' Keefy. Handbook of National Regulations concerning the Export of Cultural Property. – Paris: UNESCO, 1988. – P. 87.

¹⁵ U.S.C. S.2315 Sale or receipt of stolen goods etc. commonly known as the National Stolen Property Act (NSPA).

¹⁶ Сабитов Т. П. Ответственность за посягательства на культурные ценности по уголовному законодательству некоторых государств. – М., 2005. – С. 112.

¹⁷ См.: Приложение № 1 к Постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан №131 от 23 марта 1999 г. // <http://zakonuz.uzshar.com/?document=7033>.

Таянч иборалар: маданий бойликлар, ҳимоя ва қўриқлаш, олдини олиш, ЮНЕСКО конвенцияси, УНИДРУА конвенцияси, қилмишни криминаллаштириш, миллий қонунчилик, қонун, қонуности акти, ноқонуний айланиш.

Мақолада маданий бойликларни қўриқлаш ва ҳимоя қилиш ҳамда маданий бойликларни ноқонуний айланишининг олдини олиш бўйича халқаро шартномавий-ҳуқуқий нормаларни хорижий давлатларнинг миллий қонунчилигига имплементация қилишининг хусусиятлари қўриб чиқилган. Бунда илғор хорижий давлатларнинг маданий бойликларни ҳимоя қилишга ва бу соҳадаги қилмишларни криминаллаштиришга қаратилган қонунчилигининг батафсил таҳлили берилган.

Keywords: cultural property, protection and enforcement , interdiction, UNESCO Convention, UNIDRUA Convention, criminalization of acts, national legislation, law, bylaw, trafficking.

In this article considered the implementation of international legal standards for the protection of cultural property and eradicate the illicit trafficking of cultural property in the legislation of foreign countries. At the same time provides a detailed analysis of the legislation of the leading states for the protection of cultural property and the criminalization of acts committed in this area.

Ключевые слова: культурные ценности, правовая охрана и защита, пресечение, Конвенция ЮНЕСКО, Конвенция УНИДРУА, криминализация деяний, национальное законодательство, закон, подзаконный акт, незаконный оборот.

В статье рассмотрены особенности имплементации международных договорно-правовых норм об охране и защите культурных ценностей, пресечении незаконного оборота культурных ценностей в законодательстве зарубежных стран, дается подробный анализ законодательства ведущих государств об охране культурных ценностей и криминализации деяний, совершаемых в данной сфере.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ДАРЁЛАРДАН ФОЙДАЛИНИШ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси мустақил тараққиёти йиллари давомида Марказий Осиёдаги барча долзарб минтақавий муаммоларни ўзаро манфаатли ҳал этиш жараёнининг фаол иштирокчиси ва тарафдори бўлиб келмоқда. Шундай муаммолардан бири – Орол денгизи ҳавзаси ва трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласидир. Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари учун минтақавий сув захираларидан ўзаро манфаатли фойдаланиш, бу борада манфаатдор давлатларнинг нуқтаи назарини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилиш халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар нормалари мазмунидан келиб чиқади.

Фикримизнинг далили сифатида қуйидаги ўта муҳим халқаро воқеага эътибор қаратиш ўринлидир. 2014 йилнинг июнь ойида Испаниянинг Барселона шаҳрида «Марказий Осиёдаги сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари юзасидан Ўзбекистоннинг ёндашуви» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда Орол денгизи ҳавзасидаги бугунги сув-экология аҳволи ҳамда минтақадаги мамлакатлар манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқий меъёрлар асосида трансчегаравий сув манбаларидан оқилона ва адолатли фойдаланиш масалаларига жиддий эътибор қаратилди. Шунингдек, давра суҳбатининг европалик қатнашчилари Ўзбекистоннинг минтақада сув ресурсларидан фойдаланиш борасидаги қатъий ёндашувлари, республикада сув инфратузилмасини модернизациялаш ва такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда Орол бўйида экологик ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатни соғломлаштириш соҳасидаги дастурларини қўллаб-қувватладилар. Улар Марказий Осиёдаги трансчегара дарёлари сув манбаларининг тақсимланиши ва улардан фойдала-

ниш билан боғлиқ масалалар минтақада жойлашган ҳамма мамлакатларнинг манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг сув бўйича конвенцияларида муҳрлаб қўйилган асосий тамойил ва меъёрларга таянган ҳолда ҳал этилиши лозим, деган яқдил фикрни билдирдилар¹.

Маълумки, ўтган асрнинг иккинчи ярмида йирик трансчегаравий дарёлардан узоқни ўйламай фойдаланиш оқибатида минтақамиз экологик ҳалокат ёқасига келиб қолди. XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб собиқ иттифоқ ҳудудида бир қатор суверен давлатларнинг пайдо бўлиши эса ҳудудда анъанавий бошқарув ваколатлари ва халқаро сиёсат юритишнинг ўзгаришига олиб келди. Айни вақтда, геосиёсий вазият тубдан ўзгарди, халқаро майдонда кўп қутблилик вужудга келиб, инсоният тараққиётида ўзига хос янги босқич бошланди.

Бугунги кунда, Марказий Осиё халқлари учун трансчегаравий дарёлардан умумэтироф этилган халқаро меъёрлар ва қоидалар асосида фойдаланишни кафолатлайдиган, минтақадаги ҳар бир давлат учун тенглик, ўзаро манфаат ва адолатни таъминлайдиган самарали регионал ҳамкорлик тизимини яратиш ҳаётий муҳим талабга айланди. Дунё давлатлари ҳамжамияти халқаро қонунчилик талаблари ва тегишли халқаро тажрибадан чиқарилган хулосалар ҳам айнан шуни тақозо этмоқда. Фикримизнинг исботи сифатида БМТнинг 1992 йил 18 сентябрдаги «Трансчегаравий сув оқими ва халқаро қўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича Конвенция»си ва 1997 йилнинг 21 майида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган «Халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенция»ларини ёдга олиш кифоя. Жумладан,

* Мустақил илмий тадқиқотчи.

таъкидланган кейинги Конвенцияда куйидагиларга амал қилиш талаб этилади:

«Трансчегаравий таъсир кўрсатаётган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширишда трансчегаравий сувлардан уларнинг трансчегаравий характерини инобатга олган ҳолда оқилона ва адолатли фойдаланишни таъминлаш».

БМТнинг қарорларида «сув оқими бўйидаги давлатлар суверен тенглик, ҳудудий яхлитлик, ўзаро манфаатдорлик ва ҳалоллик асосида ҳамкорлик қилади», – деб таъкидлангани эътиборга лойиқ. Шу боис трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланиш, шу жумладан, гидроэнергетик иншоотларнинг қурилиши бўйича барча қарорлар экологияга асло зарар етказмаслиги ва чегарадош ҳудудлардаги мамлакатлар аҳолисининг манфаатларига зиён етказмаслиги шарт.

Марказий Осиё давлатлари ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг, улар ўртасида трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишга оид ҳуқуқий асосни шакллантириш жараёни бошланди. Масалан, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида минтақанинг трансчегаравий сув ресурсларини бирга бошқариш соҳасида куйидаги битимлар қабул қилинган:

1) «Давлатлараро сув манбаларини ишлатиш ва муҳофаза қилишни бирга бошқариш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида»ги Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасидаги битим (Олма-ота, 1992 й.);

2) «Сув хўжалиги масалалари бўйича ҳамкорлик тўғрисида»ги Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасидаги битим (Туркменобод, 1996 й.);

3) «Сирдарё дарёси ҳавзасининг сув-энергетика ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида»ги Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги битим (Бишкек, 1998 й.); Тожикистон мазкур битимга 1999 йилда қўшилди.

1992 йил 18 февралдаги Битимда Марказий Осиё давлатларининг сув хўжалиги вазирлари собиқ Иттифоқ даврида тузилган «Сув ресурсларидан комплекс ҳолда фойдаланиш ва муҳофазалаш (СРКФМ) схемалари»да акс эттирилган ҳолатларни тасдиқладилар. Шунингдек, илгари қабул қилинган минтақанинг трансчегаравий

сувларига оид барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучида қолганлигини тан олдилар, янгиси яратилгунга қадар амалда қўлланилиши ҳамда сувлардан фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш ва бу билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлар тенг эканлиги қайд этиб қўйилди.

1992 йилдаги Битимни амалиётга татбиқ этиш мақсадида Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштирувчи комиссияни (ДСХМК) тузиш ва унга минтақадаги сувлардан фойдаланишни бошқариш вазифасини юклаш белгилаб қўйилди. Бунга асосан, Комиссия ҳар бир республиканинг сув олиш бўйича йиллик лимитини белгилайди, шунингдек, сув омборларини эксплуатация қилиш жадвалини тасдиқлайди. Барча сувдан фойдаланувчилар учун мажбурий бўлган қарорлар чиқаради.

1996 йилда давлат раҳбарлари томонидан имзоланган Битим Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасида сув муносабатларининг ҳуқуқий асоси бўлиб ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, 1996 йилги Битимга «Амударё ҳавзаси СРКФМ схемаси»нинг қатор тамойиллари ва ҳолатлари киритилган, хусусан:

– Керки гидрологик постидан пастда Амударё сувини тенг қисмларга бўлиш (50% га 50%);

– дўстлик, биродарлик ва ҳамкорлик;

– давлатлараро дарёлар ресурсларидан бирга фойдаланиш;

– тазйиқнинг иқтисодий ва бошқа усуллари қўллашдан воз кечиш;

– ўзаро манфаатларни ҳурмат қилиш;

– низоли масалаларни келишув воситалари ёрдами билан ҳал қилиш ва ҳ.к.

Мазкур қуйи оқим давлатлари сув муносабатларини тартибга солувчи битим тенг ҳуқуқийликни назарда тутишига қарамай, Ўзбекистон томонидан тўла қўллаб-қувватланмади. Чунки сув ресурсларининг 50% га 50% тақсимланиши ушбу ҳавзадан ўша даврда 14 млн. аҳолиси мавжуд мамлакат учун 3,5 млн. аҳолиси бўлган мамлакатга нисбатан тенгсизлик сифатида қаралди. Фикримизча, тақсимланишда аҳолининг сони ва суғориладиган ерлар миқдори ҳисобга олинishi керак.

1998 йилги Битимга тўхталадиган бўлсак, айтиш жоизки, у Сирдарё ҳавзаси мамлакатлари – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасида сув-

энергетик алмашинувни тартибга солишда ижобий роль ўйнади. Шу билан бирга, Битимнинг амал қилиш тажрибаси ўртача сувлик йилда – оқимнинг шаклланиш зонасидаги мамлакатларни, сув танқис бўлганда – Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимини, серсув бўлган йилларда барча томонларни қониқтирмаслигини кўрсатди.

Шундай қилиб, мустақиллик йиллари мобайнида Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари ўртасида трансчегаравий дарёлар сув ресурсларини ҳамкорликда бошқариш масалалари юзасидан учта Битим имзоланган. Аммо ушбу битимларнинг ҳар биридан маълум бир давлат қониқмаган, яъни унинг манфаатлари кўзда тутилмаган ёки кам аҳамият берилган. Шунинг учун давлатларнинг трансчегаравий сув ресурсларидан унумли ва оқилона фойдаланиш масалалари бўйича ҳар йили икки томонлама ва кўп томонлама битимлар тузиш амалиёти қўлланилмоқда.

